

Муҳаммад Абдуллатиф Увайза

**И С Л О М И Й
ДАЪВАТНИ ЁЙИШ
ВАЗИФАЛАР ВА СИФАТЛАР**

МУҚАДДИМА

Бутун оламлар парвардигори, меҳрибон ва раҳмдил, Қиёмат кунинг эгаси Аллоҳ Таолога ҳамду санолар бўлсин!

Барча пайғамбарлар ва расулларнинг сарвари, уларнинг энг сўнггиси Мухаммад с.а.в.га Аллоҳнинг раҳмати ва саломи бўлсин!

Ҳақ Таоло Одам фарзандларидан пайғамбар ва расулларни танлаб олиб уларни барча инсонлардан афзал қилди ҳамда шариат аҳкомларини етказишни, ҳидоят нуруни таратишни улар зиммасига юклади. Демак, шариат аҳкомларини етказиш, ҳидоят нуруни таратиш пайғамбар ва расуллар иши ва вазифасидир. Уларнинг пайғамбар этиб танланишининг боиси, бошқа инсонлардан афзал эканлигининг сабаби ҳам шундандир.

Шариат аҳкомларини одамларга етказиш, уларни ҳидоят сари етаклаш мутлақо шарафли ва улуғ ишдир. Мусулмон одам пайғамбарларга эргашиб, уларнинг буйруқларига бўсуниб, улардан кейин ҳам даъватни давом эттирса, - гарчанд у Аллоҳ танлаб олиб, ваҳй юбориб турган пайғамбарлар даражасига ета олмаса ҳам - жуда улуғ ва шарафли ишни бажарган бўлади.

Ҳақ Таоло шариат аҳкомларини етказишни, инсонларни ҳидоят сари етаклашни бирор инсон зиммасига юкламоқчи бўлар экан, энг аввало ўша инсонни одамлар орасидан танлаб олиб, уни бир неча фазилат ва улуғ хислатлар ила сарафроз этади. Токи Аллоҳ Таолонинг ваҳйи келган вақтда унинг хислатлари, хулқ-одоб мукаммал бўлсин. Фазилат ва эзгулик сарчашмаларига ваҳй булоғи келиб қуйилгач, шариат ва ҳидоят ўз эгасини топиб, у билан уйғунлашсин. Аслида ҳам шундай бўлиши зарур эди.

Демак, ҳар қандай мусулмон пайғамбарларга эргашиб, инсонларни ҳидоят сари бошлар экан, энг аввало унинг ўзи яхшилик, фазилат ва эзгулик учун намуна бўлмоғи, ўзида исломий фикрлар, исломий ҳукмлар, ўзи чорлаётган чиройли ахлоқ ва сифатлар яққол намоён бўлиб турмоғи лозим. Акс ҳолда, у бундай шарафли вазифага лойиқ бўлмайди, уринса ҳам лойиқ бўла олмайди. Чунки даъват инсонлар ҳаётида яхшилик ва фазилат дебочаси бўлиб, уни фақат яхшилик ила зийнатланган, гап-сўзида, хулқ-одобда фазилат чўққисига чиққан инсонгина етказишга қодир.

Даъват йўлига кирган одам биз ушбу китобда келтирган фикрларга қатъий амал қилса, албатта у ҳақиқий даъватчи мақомига эришади, даъватдек шарафли вазифага доимо лойиқ бўлади ва муваффақият қозонади. Парвардигоридан бу дунёда ёрдам бериб, ғолиб қилишини, охиратда эса, пайғамбар ва сиддиқлар қаторида Фирдавс жаннатига киритишни умид қилган, оташин даъватчига айланади.

Биз ушбу китобдаги асосий фикрларни далиллар билан қувватлаб қисқа, лўнда жумлалар билан ифодалашни маъқул топдик. Токи бу фикрлар таъсирли бўлиб йигитлар қабул қилсин ва ўзларида намоён қила олсин. Кимки бу фикрлар билан чекланса, албатта бундан қаноъат ҳосил қилади, деган умиддамиз. Кимки бундан ҳам кўпроғини хоҳласа, унга ҳам эшик очик,

Албатта фазлу карами кенг Аллоҳ хоҳлаган бандасини бирор хислат ила бошқалардан ажратувчидир.

Далил сифатида биз «сахих» ва «хасан» деб билган ҳадислардан фойдаландик. «Заиф» ёки «мавзуъ» (тўқима) эканлиги маълум бўлган ҳеч бир ҳадисни келтирмадик. Бу борада бор имкониятни сарфладик, деган умиддамиз. Агар бу борада хатога йўл қўймаган бўлсак, бунинг учун Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин. Агар, бирор жиҳат қоронғу бўлиб қолган бўлса, мағфират сўраш ила Аллоҳ Таолога илтижо қиламиз.

Ҳадис ровийси битта бўлса, ҳадис сўзларини ўша ровийнинг ривояти бўйича, ровийлар икки ёки ундан кўп бўлса, биринчи зикр қилинган ровий ривояти бўйича келтирдик. Чунки ундан кейинги ровийлар ҳам ҳадис сўзларида аввалги ровийга мувофиқ келишади ёки ривоят қилишда келтирилган сўзлар мазмунидан чиқиб кетмаган ҳолда, аввалги ровийдан оз-моз фарқ қилади, холос.

Ушбу китоб йигитлар ва ҳамма одамлар томонидан қизгин кутиб олиншини, уни ҳам ўрганиш, ҳам амал қилиш мақсадида жиддий эътибор билан ўқиб чиқишларини Аллоҳ Таолодан сўраб қоламиз. Токи улар ушбу китобдаги фикрларга амал қилиб содиқ мўъминларга, холис даъватчиларга айлансинлар.

Омин! Ё Роббал оламин!

Муҳаммад Абдуллатиф Увайза

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ДАЪВАТ ЕТКАЗУВЧИНИНГ МАВҚЕЪИ

Ҳикматлар эгаси Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло ўз ҳикмати билан жамики махлуқотни йўқдан бор қилиб, уларни тириклик неъматидан баҳраманд этишни; инсонни барча махлуқотдан ажратиб олиб, уни мусулмонлик баҳтига муяссар қилишни, мусулмонлардан айримларини танлаб олиб, уларни Исломга даъват этиш шарафига мушарраф этишни ихтиёр қилди. Ушбу мусулмонлар Ҳақ Таолонинг пайғамбар ва расуллари, шунингдек, уларнинг йўлидан бориб даъватни давом эттирган кишилардир.

Жамики махлуқот фақат тириклик неъмати учун Аллоҳ Таолога мактовлар айтиши лозим бўлса, мусулмонлар тириклик ва мусулмонлик неъматини учун Аллоҳ Таолога ҳамду-санолар ўқиши вожибдир. Даъват етказувчилар эса тириклик, мусулмонлик ва даъватни ёйиш шарафига муяссар этгани учун Аллоҳ Таолога беадад мактовлар айтиши лозимдир.

Аллоҳга мактовлар бўлсин!

Аллоҳга мактовлар бўлсин!

Аллоҳга мактовлар бўлсин!

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло азалдан мавжуд. Унинг ҳеч бир шериғи йўқ. Ундан аввал бирор нарса мавжуд бўлмаган. Аллоҳ Таоло - Ҳақиқат ва Ҳақ Зотдир. Парвардигори олам ер, қуёш, юлдузлар, сайёралар ҳамда биз билган ва билмаган мавжудотлардан иборат гўзал борликни бир ҳикмат билан яратишни хоҳлади. Бу жисмлар, улардаги табиат ва фитратни ғоятда пухта, ўзгармас қонун-қоидалар билан тартибга солди. Барчасини бир ҳикмат билан яратди.

Ҳақ Таоло «Анъом» сурасида марҳамат қилади:

وَهُوَ الَّذِي خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ

– „Аллоҳ осмонлар ва ерни ҳаққи-рост яратган Зотдир“.

[6:73]

«Иброҳим» сурасида айтади:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ خَلَقَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ بِالْحَقِّ

– „(Эй инсон), Аллоҳ осмонлар ва ерни ҳақ (қонун) билан яратиб қўйганини кўрмадингми?!“

[14:19]

«Ҳижр» сурасида марҳамат қилади:

وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ

– „Биз осмонлар, ер ва уларнинг ўртасидаги нарсаларни фақат ҳақ (қонун-қоида) билан яратдик“.

[15:85]

Аллоҳ Субхонаху ва Таоло бир неча оятларда жамики мавжудотни ҳикмат билан яратганини қайта-қайта эслатади. Ҳақ Таоло ушбу гўзал яратишда беҳудалик, бемақсадлик йўқлигини «Оли Имрон» сурасида марҳамат қилади:

الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَامًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَاطِلًا

– „Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳақида тафаккур қилиб (дейдилар): „Парвардигоро, бу (борлиқ)ни беҳуда яратганинг йўқ!“ [3:191]

«Сод» сурасида марҳамат қилади:

وَمَا خَلَقْنَا السَّمَاءَ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا بَاطِلًا ذَلِكَ ظَنُّ الَّذِينَ كَفَرُوا فَوَيْلٌ لِلَّذِينَ كَفَرُوا مِنَ النَّارِ

– „Биз осмон ва ерни ҳамда уларнинг ўртасидаги бор нарсаларни беҳуда яратган эмасмиз. Бу (яъни улар беҳуда, бемақсад яратилган деган гумон) кофирларнинг гумонидир. Кофирларга дўзах азоби бўлғай“. [38:27]

Ҳикмат билан яратилган ушбу борлиқдаги ҳар бир мавжудот ўз яратувчисига итоаткор, бўйсунувчи ва доимо мактовлар айтиб тургувчидир.

Аллоҳ Таоло «Бақара» сурасида дейди:

وَقَالُوا اتَّخَذَ اللَّهُ وَلَدًا سُبْحَانَهُ بَلْ لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ كُلُّ لَّهُ قَانُونٌ

– „Улар: „Аллоҳнинг боласи бор“, дедилар. У Зот буларнинг ушбу бадгумонидан мутлақо покдир. Балки осмонлар ва ердаги нарсалар У Зотга тегишли бўлиб, ҳаммаси Унга бўйсунди“. [2:116]

«Исро» сурасида марҳамат қилади:

تُسَبِّحُ لَهُ السَّمَاوَاتُ السَّبْعُ وَالْأَرْضُ وَمَنْ فِيهِنَّ وَإِنْ مِنْ شَيْءٍ إِلَّا يُسَبِّحُ بِحَمْدِهِ وَلَكِنْ لَا تَفْقَهُونَ تَسْبِيحَهُمْ إِنَّهُ كَانَ حَلِيمًا غَفُورًا

– „Етти осмон, ер ва улардаги бор жонзот Аллоҳни поклар. Мавжуд бўлган барча нарса ҳамду сано айтиш билан У Зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини - поклашларини англамасизлар. Дарҳақиқат, у ҳалим ва мағфиратли Зотдир“. [17:44]

«Фуссилат» сурасида ушбу оятларни эслатади:

ثُمَّ اسْتَوَىٰ إِلَى السَّمَاءِ وَهِيَ دُخَانٌ فَقَالَ لَهَا وَلِلْأَرْضِ ائْتِيَا طَوْعًا أَوْ كَرْهًا قَالَتَا أَتَيْنَا طَائِعِينَ

– „Сўнгра Аллоҳ тутун ҳолидаги осмонга юзланиб, унга ва ерга: „Менинг амри-фармонимга ихтиёран ёки мажбуран келинглар!“ деган эди, улар: „Ўз ихтиёримиз билан келдик, (амрингга бўйсиндир)“, дедилар“. [41:11]

Самодаги жисмлар, тоғлар, денгизлар, анҳорлар, саҳролар, ҳайвонот, дов-
дарахт, ҳаво ва ер юзидаги бошқа мавжудотлар, буларнинг барчаси Аллоҳни
ҳар қандай нуқсондан поклаб тасбиҳ айтади. Аллоҳга сажда қилади,
бўйсуниб, итоат этади. Бу мавжудотлар Парвардигори оламга итоат этиш
атрофида жамланиб, бир-бирига ҳамоханг яратилган борлиқ қарвонида
юради. Ушбу борлиқ қарвони тўлалигича бир ҳикмат билан яратилган.
Охират манзилига, яъни аниқ келадиган кунга етмоқ учун ҳақ қонун асосида
ҳаракатланади. Аниқ келадиган кун (Қиёмат куни) - гўзал борлиқ
қарвонининг охириги манзилidir.

Қодир Халлоқ Зот инсонни, шунингдек жинларни бошқа
маҳлуқотлардан ажратиб олиб, унга ақл берди. Инсон жамики маҳлуқотдан
ақли билан ажралиб туради. Ҳақ Таоло инсонни беҳуда, бекорга эмас, балки
улкан ишни амалга ошириш учун бир ҳикмат билан ажратиб қўйди. Ушбу иш
- инсонни Аллоҳ Таоло тарафидан юборилажак масъулиятни зиммасига
олишга тайёрлаш эди. Парвардигори олам ақлни шу масъулият
юкланишининг асосий шарти қилиб белгилади ҳамда ақлга шу масъулиятни
англаш ва унинг вазифаларини бажариш лаёқатини берди.

Ақлда ўзлигидан ғурурланиш сифати мавжуд. Ақлга ҳам бошқа
маҳлуқотлар каби Ҳақ Таоло тарафидан юборилажак масъулият тақлиф
қилинганда, ақл ўзлигидан ғурурлангани ва лаёқатига ишонгани учун уни
иккиланмай қабул этди ва шу масъулият юклайдиган вазифаларни
бажаришга тайёр турди.

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло «Аҳзоб» сурасида марҳамат қилади:

إِنَّا عَرَضْنَا الْأَمَانَةَ عَلَى السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَالْجِبَالِ فَأَبَيْنَ أَنْ يَحْمِلْنَهَا وَأَشْفَقْنَ مِنْهَا
وَحَمَلَهَا الْإِنْسَانُ إِنَّهُ كَانَ ظَلُومًا جَهُولًا

– „Албатта, Биз бу омонатни (яъни Исломни) осмонларга, ерга ва тоғу
тошларга қўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва
ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди. Дарҳақиқат у ўзига зулм
қилувчи ва нодон эди (яъни бу омонат нақадар вазмин юк эканини бутун
қоинот билди ва уни кўтаришга қўрби етмаслигини сезди, аммо инсон ўзи
билмаган ҳолда ўта мушкул вазифани зиммасига олди)“.

[33:72]

Ақл ўзлигидан ғурурланмаган ва лаёқатларига ишонмаганида эди, шу
оғир масъулиятни зиммасига олмаган ҳамда ҳеч қандай жавобгарликсиз
Парвардигори оламнинг итоатида юрувчи борлиқ қарвони сафига қўшилган
бўлур эди. Ақл ва унинг лаёқатларини яратган, ақл шу оғир масъулиятни ўз
зиммасига олишини хоҳлаган ҳамма нарсадан хабардор Аллоҳ Таоло ақлни
ақл ўзи хоҳласа шу масъулиятни бажара оладиган даражада яратди. Шунинг
билан, ақл Ҳақ Таолога табиий бўйсиниш ва итоат доирасидан чиқиб, У Зотга
ихтиёрий бўйсунуш ва итоат этиш доирасига кирди. Шу доирада ҳам ақл
Аллоҳ Таолога итоат этса ва бўйсинса, Ҳақ Таолога бўсинадиган борлиқ
қарвонида давом этади ҳамда шу қарвоннинг сарбони даражасига етишади.
Акс ҳолда Парвардигори оламнинг ғазаби ва жазосига гирифтор бўлажак.

Бу ақл икки хилдир. Бири Ҳақ Таолого табиий бўсуниш ва итоат этиш доирасидан чиқиб, унга Ислом таклиф қилинганда қабул қилган ва Аллоҳ Таолого ихтиёран бўсинган кишининг ақлидир. У ўз масъулиятларини англаган, ўзи қабул қилган Ислом вазифаларини зиммасига олиш учун отланган ёрқин фикр юритувчи ақлдир. У мусулмон инсоннинг ақлидир. Исломни қабул қилган ушбу ақл Ҳақ Таолонинг қонуни асосида ҳаракатланаётган борлиқ қарвонидан ажралмай, у билан бирга Парвардигори оламга итоат қилишда давом этади, ҳатто шу борлиққа йўлбошчи бўлади.

Иккинчиси эса ўзлигидан ғурурланиш ва лаёқатларига ишониш мағрурлантирган кишининг ақлидир. Бу ақл Аллоҳ Таолога табиий бўсиниш ва итоат қилиш доирасидан чиқиб ихтиёрий бўйсиниш доирасига кирмади. Ўзлигидан мағрурлангани учун қўполлик билан мутакаббирлик қилди. Лаёқатларига ишонгани учун алданиб саркашлик қилди. Бу ақл кофир инсоннинг ақлидир. Кофир мутакаббирлиги ва саркашлиги сабабли борлиқ қарвонининг йўналишига қарши юриб, Аллоҳнинг ғазаби ва азобига учради.

Ер, ундаги мавжудот, қуёш, унинг нури, ой, унинг ёғдуси, биз билган ва билмаган бошқа жисмлар, буларнинг барчаси Ҳақ Таолонинг итоаткор ва бўсинувчи борлиқ қарвонида бир-биридан ажралмаган ҳолда ҳаракатланади. Бу қарвоннинг олдинги каторида мусулмон инсон ва унинг ақли юради. Кофир инсон ва унинг ақлидан бошқа бирор нарса бу қарвондан ажралмади. Шунга кўра, борлиқнинг гўзал йўналишига қарши чиққан, Халлоки оламга итоат этмайдиган мавжудот фақат кофир инсон ва унинг ақлидир. Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло «Ҳаж» сурасида марҳамат қилади:

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ يَسْجُدُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَاوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ وَالنُّجُومُ
وَالْجِبَالُ وَالشَّجَرُ وَالْدَّوَابُّ وَكَثِيرٌ مِنَ النَّاسِ وَكَثِيرٌ حَقَّ عَلَيْهِ الْعَذَابُ وَمَنْ يُهِنِ اللَّهُ فَمَا
لَهُ مِنْ مُكْرِمٍ إِنَّ اللَّهَ يَفْعَلُ مَا يَشَاءُ

– „(Эй Мухаммад), сиз осмонлардаги ва ердаги бор жонзот, қуёш, ой, юлдузлар, тоғлар, дов дарахтлар ва барча жониворлар ҳамда кўндан-кўп инсонлар ёлғиз Аллоҳга сажда қилишини (бош эгишини) кўрмадингизми?! Кўп одамларга эса кофир бўлганлари сабабли азоб ҳақ бўлгандир. Кимни Аллоҳ хор қилиб қўйса, уни ҳеч ким азиз қила олмас. Албатта Аллоҳ ўзи хоҳлаган ишни қилур“.

[22:18]

«Рум» сурасида ушбу оятларни эслатади:

أَوَلَمْ يَتَفَكَّرُوا فِي أَنفُسِهِمْ مَا خَلَقَ اللَّهُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضَ وَمَا بَيْنَهُمَا إِلَّا بِالْحَقِّ وَأَجَلٍ
مُسَمًّى وَإِنَّ كَثِيرًا مِنَ النَّاسِ بِلِقَاءِ رَبِّهِمْ لَكَافِرُونَ

– „Ахир улар ўзларича Аллоҳ осмонлар ва ерни ҳамда улар орасидаги бор нарсани фақат ҳақ (қонун) ва белгиланган муддат билан яратгани ҳақида тафаккур қилиб кўрмадиларми?! Дарҳақиқат бу одамларнинг кўпчилиги қайта тирилиб, Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилувчилардир“ [30:8]

Ушбу оятлардаги „Кўп одамларга эса кофир бўлганлари сабабли азоб ҳақ бўлгандир“ ҳамда „Дарҳақиқат бу одамларнинг кўпчилиги қайта тирилиб, Парвардигорларига рўбарў бўлишни инкор қилгувчилардир“, деган сўзлар азобланажак кофирлар Парвардигори оламга бўйсинувчи борлиқ карвонидан айрилиб чиққанидан дарак беради. Аллоҳ Таоло бу айрилиш ва узилишни энг хунук жирканчли сўз билан тасвишлаб «Тавба» сурасида марҳамат қилди:

إِنَّمَا الْمُشْرِكُونَ نَجَسٌ

– „Ҳеч шак-шубҳасиз мушриклар нажас кимсалардир“. [9:28]

Курыон оятларида «нажас» (нопок) сўзи бир марта келган. У ҳам бўлса шу оятда. Аллоҳ Таоло кофир мушрикларни нажас-ифлосга нисбат берди. Зеро, бутун борлиқ Аллоҳ Таолога осийлик қилишдан покиза ҳолатда яратилган. Кофирларнинг нажас деб таърифланиши бутун борлиқни яратган Зотга бўйсинувчи борлиқ карвонидан айрилиб, борлиқнинг йўналишига қарши чиқишганига очиқ далилдир. Кофирлар бу қилмишлари сабабли нажас нарсалардек улоқтириб ташланиши лозим. Бинобарин, кофир инсон ва кофир жинлар шу борлиқда Парвардигори оламга итоатсизлик ва бўйсинмаслик ҳолатидадир.

Инсонни жамики махлуқот орасидан танлаб олишни ўз ҳикмати билан ихтиёр этган Аллоҳ Субҳонаху ва Таоло уни барча махлуқотдан афзал қилди, ҳатто ер ва осмонлардаги жамики махлуқотни шу инсонга бўйсундирди.

Аллоҳ Таоло «Лукмон» сурасида ушбу оятларни эслатади:

أَلَمْ تَرَوْا أَنَّ اللَّهَ سَخَّرَ لَكُم مَّا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَأَسْبَغَ عَلَيْكُمْ نِعَمَهُ ظَاهِرَةً وَبَاطِنَةً

– „(Эй инсонлар), Аллоҳ осмонлар ва ердаги барча мавжудотни сизларга бўйсундириб қўйганини ва сизларга барча зоҳирий ва ботиний неъматларни комил қилиб берганини кўрмадингларми?!“ [31:20]

«Жосия» сурасида айтади:

وَسَخَّرَ لَكُم مَّا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ جَمِيعًا مِنْهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

– „Аллоҳ Таоло сизларга осмонлардаги ва ердаги барча мавжудотни ўз хоҳиш-иродаси билан бўйсундирди. Албатта бунда тафаккур қиладиган қавм учун оят-ибратлар бордир“. [45:13]

Демак, Аллоҳ Таолонинг кофирлардан бошқа барча махлуқотлари, сафнинг бошида мусулмон жамоъа билан борлиқ карвонида Ҳақ Таолонинг қонуни бўйича ҳаракат қилади ва яшайди.

Мусулмон инсоннинг ушбу улкан карвондаги мавқеъи аён бўлди. Бу карвондаги даъват етказувчининг мавқеъи нима?

Аллоҳ Субҳонаху ва Таоло пайғамбар ва расулларини жамики махлуқотдан, ҳатто, барча инсонлардан ҳам афзал қилди.

Ҳақ Таоло «Анъом» сурасида марҳамат қилади:

وَتِلْكَ حُجَّتُنَا آتَيْنَاهَا إِبْرَاهِيمَ عَلَىٰ قَوْمِهِ نَرْفَعُ دَرَجَاتٍ مِّنْ نَّشَاءٍ إِنَّ رَبَّكَ حَكِيمٌ عَلِيمٌ ﴿٨٧﴾
وَوَهَبْنَا لَهُ إِسْحَاقَ وَيَعْقُوبَ كُلًّا هَدَيْنَا وَنُوحًا هَدَيْنَا مِن قَبْلُ وَمِن ذُرِّيَّتِهِ دَاوُودَ
وَسُلَيْمَانَ وَيُوسُفَ وَمُوسَىٰ وَهَارُونَ وَكَذَٰلِكَ نَجْزِي الْمُحْسِنِينَ ﴿٨٨﴾
وَيَحْيَىٰ وَعِيسَىٰ وَإِلْيَاسَ كُلٌّ مِّنَ الصَّالِحِينَ ﴿٨٩﴾ وَإِسْمَاعِيلَ وَالْيَسَعَ وَيُوشَعَ وَثَمَارًا
وَكُلًّا فَضَّلْنَا عَلَى الْعَالَمِينَ ﴿٩٠﴾

– „Мана шулар қавмига қариш Иброҳимга берган ҳужжатларимиздир. Ўзимиз хоҳлаган кишиларни ушбудек олий даражаларга кўтарурмиз. Албатта, Парвардигорингиз ҳикмат соҳиби ва билимдон зотдир. Иброҳимга Исҳоқ ва Яъқубни ҳадя этдик. Буларнинг барчасини ҳидоят қилдик. Илгари Нуҳни ҳам ҳидоят қилган эдик. Унинг зурриётидан Довуд, Сулаймон, Айюб, Юсуф, Мусо ва Ҳорунни ҳам ҳидоят қилдик. Яхши амал қилувчиларни айнан шундай мукофотлаймиз. Закарийё, Яҳё, Исо ва Илёсни ҳам ҳидоят қилдик, барчалари солиҳ бандалардандир. Исмоил, ал-Ясаъ (Ювша пайгамбар), Юнус ва Лутни ҳам ҳидоят қилдик ва барчаларини бутун оламлардан афзал қилдик“.

[6:83-86]

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло пайгамбар ва расулларни бутун оламдан афзал қилгани каби, пайгамбар ва расулларнинг орасидан айримларини танлаб, уларни қолганларидан афзал қилди. Буни «Бақара» сурасининг оятларида билдирди:

تِلْكَ الرُّسُلُ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ مِنْهُمْ مَنْ كَلَّمَ اللَّهُ وَرَفَعَ بَعْضَهُمْ دَرَجَاتٍ

– „Ўша пайгамбарларнинг айримларини айримларидан афзал қилдик. Уларнинг ораларида Аллоҳ (бевосита) сўзлаган зотлар бор. Ва уларнинг айримларини (Аллоҳ) юсак даражаларга кўтарди“.

[2:253]

«Исро» сурасида марҳамат қилади:

وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَن فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَقَدْ فَضَّلْنَا بَعْضَ النَّبِيِّينَ عَلَىٰ بَعْضٍ وَآتَيْنَا
دَاوُودَ زَبُورًا

– „Парвардигорингиз осмонлар ва Ердаги бор жонзотни жуда яхши билур. Ҳақиқатан, Биз айрим пайгамбарларни айримларидан устун қилдик. Биз Довудга Забурни ато этдик“.

[17:55]

Парвардигори олам пайгамбар ва расулларнинг даъватини қабул этган кишилар ва умматлардан айримларини қолганларидан устун қўйган эди. Пайгамбаримиз Муҳаммад с.а.в.нинг умматларини эса барча умматлардан афзал қилди.

«Оли Имрон» сурасида марҳамат қилади:

كُنتُمْ خَيْرَ أُمَّةٍ أُخْرِجَتْ لِلنَّاسِ تَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَتَنْهَوْنَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَتُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ

– „Эй уммати Мухаммад), Одамлар учун чиқарилган миллатларнинг энг яхшиси бўлдингиз. Зеро, сиз маъруфга буюрасиз, мункардан қайтарасиз ва Аллоҳга иймон келтирасиз“.

[3:110]

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло «танлаб олиб, афзал қилиш» қонунини фақат шулар билан чегаралаб қолмай, мусулмонларнинг ўзига ҳам қўллади. Жиходда қатнашган кишиларнинг жиходга бормаган кишилардан афзаллигини ифодалаб «Нисо» сурасида марҳамат қилади:

لَا يَسْتَوِي الْقَاعِدُونَ مِنَ الْمُؤْمِنِينَ غَيْرُ أُولِي الضَّرَرِ وَالْمُجَاهِدُونَ فِي سَبِيلِ اللَّهِ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ عَلَى الْقَاعِدِينَ دَرَجَةً وَكُلًّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَى وَفَضَّلَ اللَّهُ الْمُجَاهِدِينَ عَلَى الْقَاعِدِينَ أَجْرًا عَظِيمًا ﴿٦٠﴾ دَرَجَاتٍ مِنْهُ وَمَغْفِرَةً وَرَحْمَةً وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا ﴿٦١﴾

– „Мўминлардан бешикаст бўлиб туриб (жиходга чиқмай) ўтириб қолган кишилар билан Аллоҳ йўлида мол ва жонлари ила курашган зотлар баробар бўлмайди. Аллоҳ молу жонлари билан курашган зотларни (бирон сабабли жиходга чиқмай) ўтириб олган кишилардан ҳам бир даража афзал қилди ва барчаларига гўзал оқибатни (яъни жаннатни) ваъда қилди. Ҳамда Аллоҳ жиход қилгувчиларни ўтириб олувчилардан улуг мукофот - Ўз номидан бўлажак юксак даражалар, мағфират ва марҳамат билан афзал қилди. Аллоҳ мағфиратли, меҳрибон бўлган Зотдир“.

[4:95,96]

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло Макка фатҳ қилинишидан илгари молу дунёларини Аллоҳ йўлида сарфлаган ва кофирларга қарши жанг қилган кишиларни Макка фатҳидан сўнг мол-дунёларини Аллоҳ йўлида сарфлаган, душманларга қарши жанг қилган кишилардан афзал қилди. Ҳақ Таоло «Ҳадид» сурасида ушбу оятларни эслатади:

لَا يَسْتَوِي مِنْكُمْ مَنْ أَنْفَقَ مِنْ قَبْلِ الْفَتْحِ وَقَاتَلَ أُولَئِكَ أَعْظَمُ دَرَجَةً مِنَ الَّذِينَ أَنْفَقُوا مِنْ بَعْدُ وَقَاتَلُوا وَكُلًّا وَعَدَ اللَّهُ الْحُسْنَى وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ

– „Сизлардан (Макка) фатҳ бўлишидан илгари инфоқ-эҳсон қилган ва (Расулulloҳ билан бирга кофирларга қарши) урушган кишилар (Макка фатҳидан кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилар билан) баробар бўлмас. Улар кейин инфоқ-эҳсон қилган ва урушган кишилардан улугроқ мартабадирлар. Барчаларига Аллоҳ гўзал (оқибат-жаннат) ваъда қилгандир. Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир“.

[57:10]

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло такводорларни бошқа мусулмонлардан устун қилади. Бунини «Хужурот» сурасида билдирди:

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ

– „Аллоҳ наздида сизларнинг энг ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир“. [49:13]

Ҳар бир мусулмоннинг ўз ўрни ва кадр-киймати бор. Шунинг учун Аллоҳ жаннатда мўмин бандалари учун ҳар хил даражалар тайёрлади. «Оли Имрон» сурасида марҳамат қилади:

هُم دَرَجَاتٌ عِنْدَ اللَّهِ وَاللَّهُ بِمَا يَعْمَلُونَ

– „Улар Аллоҳнинг ҳузурида ҳар хил даража - манзилатларда бўлурлар. Аллоҳ улар қилаётган амалларни кўрувчидур“. [3:163]

«Анфол» сурасида айтади:

أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُؤْمِنُونَ حَقًّا لَهُمْ دَرَجَاتٌ عِنْدَ رَبِّهِمْ وَمَغْفِرَةٌ وَرِزْقٌ كَرِيمٌ

– „Ана ўшалар ҳақиқий мўминлар бўлиб, улар учун Парвардигорлари ҳузурида (яъни жаннатда, юксак) даражалар, мағфират ва улуг ризқ бордир“. [8:4]

Ҳадисда «жаннат юз даража бўлиб, энг олийси Фирдавсдир», дея хабар берилган. Абу Ҳурайрандан ривоят қилинди: Расулulloҳ с.а.в. дедилар: «... жаннат юз даражадан иборат. Аллоҳ уларни ўзининг йўлида жиход қилган кишиларга тайёрлаган. Ҳар икки даражанинг орасида ер билан осмонча фарқ бор. Агар Аллоҳдан сўрасаларинг, Фирдавс жаннатини сўранглар. Зеро, Фирдавс жаннатнинг маркази ва олийсидир. Меҳрибон Аллоҳнинг арши шу жаннатнинг тепасида, деб биламан». Ушбу ҳадисни Бухорий, Термизий ва ибн Ҳиббон ҳам ривоят қилади.

Шу оят ва ҳадислардан аён бўладики, охиратдаги афзал кўриш дунёдагидан кўра афзалроқ экан. Зеро, дунёдаги афзал кўриш охиратда бўлажак юксак даражага етишишни англатмайди. «Исро» сурасидаги оят ҳам ушбу ҳулосамизнинг тасдиқидир:

انْظُرْ كَيْفَ فَضَّلْنَا بَعْضَهُمْ عَلَىٰ بَعْضٍ وَلَآ آخِرَ أَكْبَرٍ دَرَجَاتٍ وَأَكْبَرُ تَفْضِيلًا

– „*(Бу дунёда) уларнинг бировларидан бировларини (ризқу мартабада) қандай устун қилганимизни кўринг! Шак-шубҳа йўқки, охират даражалари бир неча баробар улуг ва афзалроқдир*“. [17:21]

Афзал кўриш Аллоҳнинг ўзгармас қонуни экан, мусулмон киши доимо Аллоҳнинг итоатида юришга тинмай ҳаракат қилиши лозим, токи Фирдавс жаннатига кириш шарафига мушарраф бўлиб, жаннатда юксак даражаларга кўтарилсин ва Меҳрибон Аллоҳнинг аршига яқин борсин.

Ҳадисдаги «Фирдавс жаннатнинг маркази ва олийсидир. Меҳрибон Аллоҳнинг арши шу жаннатнинг тепасида, деб биламан» деган хабардан маълум бўлдики, Фирдавс жаннатига кириш - Аллоҳга яқин бўлиш демакдир. Демак, мусулмон кишининг сабот, қатъият ва иштиёқ билан ушбу яқинликка интилиши вожибдир. Расулulloҳ с.а.в.га нозил бўлган биринчи сурада ҳам шу яқинликка буюрилган. Аллоҳ Таоло «Алақ» сурасида ушбу оятни эслатади:

كَأَلَّا لَا تُطِيعُهُ وَاسْجُدْ وَاقْتَرِبْ

– „Йўқ! (Эй Муҳаммад), сиз унга итоат этманг ва (ёлғиз) Аллоҳга сажда-ибодат қилиб, У Зотга яқин бўлинг!“ [96:19]

Парвардигори олам эзгу амалларга аввал қадам қўйган кишиларни Ҳақ Таолога яқин бандалар, деб таърифлаб «Воқеъа» сурасида айтади:

وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ

– „(Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга) пешқадам бўлгувчи зотлар (жаннат неъматларига эришишда ҳам) пешқадам бўлгувчи зотлардир.“ [56:10,11]

Аллоҳнинг пайғамбар ва расуллари (Алайҳиму-с-солату ва-с-салом) барча инсонлардан афзалликлари сабабли жамики махлуқотдан ортиқ бўлдилар. Улар Парвардигори оламга бўйсинувчи борлиқ қарвонининг етакчи ва раҳнамоларидир. Бундай юксак даража - ҳидоят нуруни таратиш, шариат аҳқомларини ўргатиш ва бутун оламнинг Парвардигори ягона Аллоҳга бўйсунушига даъват этиш масъулиятини адо этганлари учундир. Уларнинг бу масъулияти махлуқотга таклиф этилган вазифаларнинг энг афзали ва шарафлисидир.

Пайғамбар ва расуллар пайғамбар этиб танланганлари ва уларга ваҳй юборилгани сабабли жаннатда бошқаларга берилмайдиган юксак мартаба ва олий даражаларда бўлурлар. Бироқ ҳар қандай мусулмон киши пайғамбар ва расуллардан ўрнатилган ҳолда, уларнинг ишини давом эттирса, яъни ҳидоят нуруни таратиш, шариат аҳқомларини ўргатиш ва даъватни етказиш масъулиятини адо этса, уларнинг жаннатдаги мартабасига яқин даражага эришади. Зеро, даъват билан машғул бўлаётган ушбу мусулмон киши ҳам уларнинг шу масъулиятини адо этиш ва даъватини етказиш билан машғул бўлмоқда.

Ҳақ Таоло «Фуссилат» сурасида марҳамат қилади:

وَمَنْ أَحْسَنُ قَوْلًا مِّمَّنْ دَعَا إِلَى اللَّهِ وَعَمِلَ صَالِحًا وَقَالَ إِنِّي مِنَ الْمُسْلِمِينَ

– „Аллоҳнинг динига даъват этган ва ўзи ҳам эзгу амал қилиб, - „Шак-шубҳасиз мен ҳам мусулмонларданман“, деган кишидан ҳам чиройлироқ сўзлагувчи ким бор?“ [41:33]

Демак, Аллоҳ Субҳонаху ва Таолонинг пайғамбар ва расуллари Ҳақ Таолога итоат этиш сари йўналаётган қарвоннинг етакчи ва раҳнамолари бўлса, кейинги сафда Уларнинг амали билан машғул бўлган кишилар, яъни даъват етказувчилар туради. Уларнинг ортидан эса мусулмонлар оммаси боради. Мусулмонларнинг ўзлари ҳам қарвондан тақволарига қараб ўрин эгаллайдилар.

Тилга олинган фикрлардан хулоса шуки, Аллоҳ Таоло бутун борлиқни ҳикмат билан яратиб, уни Ўз қонуни билан ҳаракатлантирди. Пайғамбар ва расулларга Ҳаққа даъват этишни буюрди. Ҳақ Таолога итоат этиши ва бўйсунушига қараб айрим махлуқотларни айримларидан афзал қилди.

Шунинг учун ҳар бир мўмин мусулмон киши, хусусан, даъват етказувчилар ҳақни сўзламоқлари ва унга амал қилмоқлари, ҳар қандай шароитда ҳам ҳақдан оғишмай, унда изчил даъват этмоқлари вожибдир. Акс ҳолда, улар бу қарвондаги мавқеъларини йўқотадилар. Зеро, улар қарвондаги ушбу мавқеъда мустаҳкам турмоқлари ва қарвоннинг сарбонлигида давом этмоқлари учун фақат Ҳақ Таолога итоат этишлари ва шу итоатга аҳд қилишлари лозимдир. Аллоҳнинг пайғамбар ва расуллари юрган ҳамда ўрнак қилиб қолдирган тўғри ва чароғон йўл ҳам айнан шундайдир.

Парвардигори олам «Аъроф» сурасида марҳамат қилади:

لَقَدْ جَاءَتْ رُسُلُ رَبِّنَا بِالْحَقِّ

– „Ҳақиқатан, Парвардигоримизнинг расуллари (элчилари) ҳақ (йўл)ни олиб келдилар“.

[7:43]

Исломга амал қилувчи, Аллоҳга даъват этувчи, холис мусулмонлар пайғамбарлар юрган айнан шу йўлдан бормоқлари вожибдир.

Ҳақ Таоло «Аъроф» сурасида эслатади:

وَمِمَّنْ خَلَقْنَا أُمَّةً يَهْتَدُونَ بِالْحَقِّ وَبِهِ يَعْدِلُونَ

– „Биз яратган зотлар орасида одамларни ҳақ (дин) билан ҳидоят қиладиган ва ҳақ (қонун) билан адолат қиладиган бир жамоъа ҳам бордин“. [7:181]

Даъват етказувчи киши асло унутмасинки, душманлар ёки нодонлар ҳақни сўзлашдан, ҳаққа амал қилишдан ва ҳаққа даъват этишдан чалғитишга уринадилар. Ҳар хил нотўғри таклифлар ва йўлдан оздирувчи ишларни «тақдим» этадилар. Даъват етказувчи уларнинг бундай алдовларига учмасин!

ҚУРЪОН ВА БОРЛИҚ

Қуръон Муҳаммад ибн Абдуллоҳга араб тилида нозил бўлди. Аллоҳ тилда фасоҳат аҳлимиз - деб даъво қилган араблардан Қуръон суралари каби ўнта сура келтиришларини талаб қилиб деди:

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِعَشْرِ سُوْرٍ مِّثْلِهِ مُفْتَرِيَاتٍ وَاَدْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِنْ دُوْنِ اللّٰهِ
إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

– „Ёки „Уни Муҳаммад тўқиб чиқарган“ дейдиларми? Айтинг, у ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни ёрдамга чорлаб шунга ўхшаши ўнтагина сура келтирингизлар“. [11:13]

Фасоҳатни даъво қилган араблар ожиз қолдилар. Эндиликда Аллоҳ улардан биргина сура келтиришларини талаб қилди:

أَمْ يَقُولُونَ افْتَرَاهُ قُلْ فَأْتُوا بِسُوْرَةٍ مِّثْلِهِ وَاَدْعُوا مَنِ اسْتَطَعْتُمْ مِنْ دُوْنِ اللّٰهِ إِنْ كُنْتُمْ
صَادِقِينَ

– „Ёки „Уни Муҳаммад тўқиб чиқарган“ дейдиларми? Айтинг: У ҳолда агар ростгўй бўлсангизлар, Аллоҳдан ўзга кучингиз етган барча бутларни ёрдамга чорлаб шу Қуръонга ўхшаши биргина сура келтирингизлар“. [10:23]

Табиийки, Макка араблари бу гал ҳам ожиз қолдилар. Расул А. Мадинага борганларида Қуръон сураси каби сура келтириш барча араблардан талаб қилинди:

وَإِنْ كُنْتُمْ فِي رَيْبٍ مِّمَّا نَزَّلْنَا عَلَىٰ عَبْدِنَا فَأْتُوا بِسُوْرَةٍ مِّثْلِهِ وَاَدْعُوا شُهَدَاءَكُمْ مِنْ
دُوْنِ اللّٰهِ إِنْ كُنْتُمْ صَادِقِينَ

– „Биз бандамизга нозил қилган Қуръондан шак-шубҳада бўлсангиз; у ҳолда шунга ўхшаши биргина сура келтиринг ва Аллоҳдан ўзга гувоҳларингизни чақиринг - агар ростгўй бўлсангиз“. [2:23]

Даъвоси баланд араблар биргина сура келтиришдан яна ожиз қолдилар.

Бу масалага жиддий ёндашган киши ўйланиб қолади: Наҳотки, Қуръон сураси каби биргина сура, лоақал уч оятдан иборат «Кавсар» каби сура келтира олмасалар? Ахир улар тил билимдони, аҳли фасоҳат эдику! Бунга шундай жавоб берамиз: Қуръон араблар билмаган, бутун тарихлари мобайнида кузатмаган янгича ифода усулидир. Арабча ифода бир неча турларга бўлинадиган назм ва насрдан иборат бўлиб, уни арабларнинг ўзлари яратган эди. Шунинг учун улар назм ва насрдан етук эдилар. Араб тилида янги - учинчи усул бўлиши мутлақо арабларнинг ҳаёлига келмаган. Қуръони Каримдаги мўъжиза айни мана шу ерда. Қуръон араблар билмаган, улар унда ийжод қила олмайдиган ифоданинг учинчи усулидир.

Аллоҳ тил ифода усулларини тўла биламиз, фасоҳат кишиларимиз, дея даъво қилган арабларни Қуръон усулида ифодалашга чақирди. Қуръон

усулида ожизлик қилиб, бир оят ҳам келтира олмаган араблар мулзам бўлдилар. Қуръон уларни ожиз қолдириб, мўъжизалигини намоён этди. Мўъжиза - унинг янги - учунчи ифода усулини яратганлигидадир. У усул назм ҳам, наср ҳам эмас. У ҳеч ким унинг усулида ижод қила олмайдиган Қуръондир. Бу билан араб тили ифоданинг уч усулига: назм, наср ва Қуръон ифодасига эга бўлди. Араблар назм ва насрда етук бўлсалар ҳам ифоданинг учинчи усулида мутлақо ожиздирлар. Бу усул фақат араб тилига хос, бошқа тиллар бундай хусусиятга умуман эга эмасдир.

Муҳаммад ибн Адуллоҳга мўъжиза этиб юборилган Қуръон жумлалардан ташкил топади. Унинг ҳар бир жумласи уларни гапирувчи, пайгамбар ва Расулига нозил этувчи зот - Аллоҳ Таоло эканига далолат қилувчи мўъжизадир. Қуръон бу жумлаларни «оят» деб номлади. Чунки «оят» луғатда бирор нарсага далолат қилувчи белги, аломат маъносини ифодалайди. Бу жумлалар уларни гапирувчи Аллоҳ Субҳонаху эканига далолат қилгани учун «оят» яъни «аломат» деб номланди. Қуръоннинг ҳар бир жумласи Аллоҳнинг мавжудлигига далолат этувчи аломатдир, зеро Ундан ўзга ҳеч ким бундай жумлалар ийжод этишга қодир эмас.

تِلْكَ آيَاتُ اللَّهِ تَتْلُوهَا عَلَيْكَ بِالْحَقِّ

– „Улар Аллоҳнинг оятлари, уни сизга ҳақ билан тиловат қиляпмиз“. [2:252]

ذَلِكَ تَتْلُوهُ عَلَيْكَ مِنَ الْآيَاتِ وَالذِّكْرِ الْحَكِيمِ

– „Уни сизга оятлар ва ҳикматли эслатмадан тиловат қиляпмиз“. [3:58]
هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ مِنْهُ آيَاتٌ مُحْكَمَاتٌ هُنَّ أُمُّ الْكِتَابِ وَأُخَرُ مُتَشَابِهَاتٌ

– „У сизга Китоб нозил қилган Зотдир, у (китобдан) шу Китобнинг асли моҳияти бўлган муҳкам аниқ равшан оятлар ҳам ва бошқа (қиёмат, жаннат, дўзах ва ҳоказолар ҳақидаги) муташобих - тушунниш қийин бўлган оятлар ҳам (ўрин олгандир)“. [3:7]

الر تِلْكَ آيَاتُ الْكِتَابِ الْحَكِيمِ

– „Алиф, Лом, Ро. Улар ҳикматли китоб оятлари“. [10:1]

Демак, Қуръон ўз жумлаларини Ҳақ Субҳонаху ва Таоло борлигига далолат этувчи аломат, белги деган маънода «оят» деб номлади.

Энди кенг борлик ва ундаги мавжудотларга разм солайлик!

Борликдаги ҳар бир жисм, ҳар бир нарса, балки ҳар бир зарра бетакрор мўъжизадир. Буларнинг барчаси буюк, қудратли халлоқи олам борлигига далолат этади. Уларни ҳам Қуръон жумлалари каби Аллоҳнинг мавжудлигига далолат қилаётгани учун «оят» деб аташ ўринлидир. Шунинг учун Қуръони карим ўзининг кўп сураларида бир-қанча махлуқотларга «оят» сўзини нисбат берди.

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَالْفُلُوكِ الَّتِي تَجْرِي فِي الْبَحْرِ بِمَا يَنْفَعُ النَّاسَ وَمَا أَنْزَلَ اللَّهُ مِنَ السَّمَاءِ مِنْ مَاءٍ فَأَحْيَا بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا وَبَثَّ فِيهَا مِنْ كُلِّ دَابَّةٍ وَتَصْرِيفِ الرِّيَّاحِ وَالسَّحَابِ الْمُسَخَّرِ بَيْنَ السَّمَاءِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

– „Осмонлар ва ернинг яралишида, кеча ва кундузининг алмашиб туришида, одамларга манфаат келтириб денгизда сузаётган кемада, Аллоҳ осмондан ёғдирган ва у сабабли ўлик ерни тирилтириб, жонзотларни ёйиб юборган сув неъматиди, шамолларни йўналтиришида, осмон ва ер орасидаги иттифоқ булутларда - ақл юритувчи кишилар учун оятлар мавжуд“.

إِنَّ فِي اخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَمَا خَلَقَ اللَّهُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يُتَّقُونَ

– „Кеча ва кундузнинг алмашиб туришида, Аллоҳ еру-осмонларда яратган нарсаларда тақво қилувчи кишилар учун оятлар бор“.

وَمِنْ آيَاتِهِ اللَّيْلُ وَالنَّهَارُ وَالشَّمْسُ وَالْقَمَرُ لَا تَسْجُدُوا لِلشَّمْسِ وَلَا لِلْقَمَرِ وَاسْجُدُوا لِلَّهِ الَّذِي خَلَقَهُنَّ إِنْ كُنْتُمْ إِيَّاهُ تَعْبُدُونَ

– „Кеча ва кундуз, кўёш ва ой унинг оятларидан. Кўёшга ҳам, ойга ҳам сажда қилманглар. Уларни яратган Аллоҳга сажда қилинглар, агар унга ибодат қилмоқчи бўлсаларинг“.

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَكُمْ مِنْ تُرَابٍ ثُمَّ إِذَا أَنْتُمْ بَشَرٌ تَنْتَشِرُونَ ﴿٢٠﴾ وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢١﴾ وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّلْعَالَمِينَ ﴿٢٢﴾ وَمِنْ آيَاتِهِ مَنَامُكُمْ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَابْتِغَاؤُكُمْ مِنْ فَضْلِهِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَسْمَعُونَ ﴿٢٣﴾ وَمِنْ آيَاتِهِ يُرِيكُمُ الْبَرْقَ خَوْفًا وَطَمَعًا وَيُنْزِلُ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَيُحْيِي بِهِ الْأَرْضَ بَعْدَ مَوْتِهَا إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَعْقِلُونَ ﴿٢٤﴾ وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ تُقَوْمَ السَّمَاءُ وَالْأَرْضُ بِأَمْرِهِ ثُمَّ إِذَا دَعَاكُمْ دَعْوَةً مِنَ الْأَرْضِ إِذَا أَنْتُمْ تَخْرُجُونَ ﴿٢٥﴾

– „Унинг оятларидан бири: сизларни тупроқдан яратган. Сўнгга сизлар башар бўлиб таралаяпсизлар. Унинг оятларидан бири улар билан хотиржам бўлишларинг учун ўзларингдан жуфтлар яратиб ораларингда дўстлик, меҳроқибат пайдо этди. Албатта бунда тафаккур қилувчи қавм учун оят-ибратлар мавжуд. Унинг оятларидан бири: осмонлар ва ерни яралиши, тил ва рангларингизнинг хилма-хил бўлиши. Албатта, бунда барча олимлар учун

оятлар бор. Унинг оятларидан бири: кечаси ва кундузи ухлашларинг ҳамда унинг фазлу-марҳаматидан ризқу-рўз исташларингиз. Албатта, бунда эшитгувчи қавм учун оятлар мавжуд. Унинг оятларидан бири - У Зот сизларга (момақалдироқдан) қўрққан ва (ёмғирдан) умидвор бўлган ҳолингизда чақмоқни кўргизур ва осмондан сув-ёмғир ёгдириб, унинг ёрдамида ерни ўлганидан сўнг тирилтирур. Албатта, бунда ақл юритувчи қавм учун оятлар бор. Унинг аломатларидан бири - осмон ва ер унинг амри билан (фазода муаллақ) туради. Сўнгра у сизларни (ётган) ерларингиздан бир бора чиқариши билан барчангиз бирдан (ҳисоб-китоб) учун чиқарсизлар“. [30:20-25]

Аллоҳ Субҳонаху ва Таоло шу ва шу каби оятларда зикр қилган барча махлукотларга «оят» сўзини нисбат берди.

Аллоҳ сураи Жосияда:

إِنَّ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِّلْمُؤْمِنِينَ

– „Осмонлар ва ерда мўминлар учун оятлар мавжуд“. [45:3]
ҳамда сураи Юнусда:

وَمَا خَلَقَ اللَّهُ فِي السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَّقُونَ

– „... ва Аллоҳ Таоло осмонлар ва ерда яратган нарсаларда тақво қилувчи қавм учун оятлар мавжуд“. [10:6]

деб еру-осмонлар ва улардаги барча мавжудотларни «оят» деб номлашининг ўзи кифоя қилади. Чунки борлиқ еру-осмонлар ва улардаги мавжудотдан иборат бўлиб, юқоридаги икки оятда қудратли яратувчининг борлигига далилат этувчи «оят» яъни «аломат» деб номланди. «Пайғамбар А.нинг Аллоҳ Таоло «Мен яратганим каби яратмоқчи бўлган кишидан ҳам золимроқ киши борми?! Бир зарра яратсинларчи ёки бир дона уруғ ёки бугдой яратсинларчи» деди - деб айтаётганларини эшитдим», дея ривоят қилган Абу Ҳурайра. Чунки ушбу ҳадисдаги Ҳақ Субҳонахунинг сўзи барча махлукотнинг яралишида мўъжиза мавжуд эканига ёрқин далилдир.

Яратувчининг бу сўзида борлиқ оятлари каби - мўъжиза яратишга чорланса, сураи Исрода Қуръон оятларига ўхшаш оят ийжод этишга чорланаяпти.

قُلْ لِّئِنْ اجْتَمَعَتِ الْإِنْسُ وَالْجِنُّ عَلَى أَنْ يَأْتُوا بِمِثْلِ هَذَا الْقُرْآنِ لَا يَأْتُونَ بِمِثْلِهِ وَلَوْ كَانَ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيرًا

– „Айтинг: агар барча инсу-жин мана шу Қуръон ўхшашини келтириши учун тўплансалар ҳам у каби келтира олмайдилар, гарчи бир-бирларига ёрдам берсалар ҳам“. [17:88]

Нозил қилинган оятлар ўхшашини келтира олмаган инсон борлиқ оятлари каби оят яратишдан ҳам ожизлик қилди.

Қуръон ўқиладиган оятлар китоби бўлса, борлиқ кўриладиган оятлар китобидир. Ҳар иккисининг ҳам оятлари халлоки олам мавжудлигига далилат этади.

Оятларни гапирувчи, махлуқотни яратган Аллоҳнинг борлигига ишонмоқ учун бу оят-мўъжизаларга қандай ёндашмоқ лозим?

Буюк ҳикмат соҳиби Аллоҳ Қуръон оятлари ҳақида фикрлашга чақирганда «тадаббар» сўзини, борлиқ оятлари ҳақида фикрлашга чақирганда эса, «тафаккур» сўзини қўллади. Нима учун? Иккисининг бир-биридан фарқи нимада.

Аллоҳ Азза ва Жалла марҳамат қилади:

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا

– „Қуръонни тадаббур қилмайдиларми?! У Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлганида эди, унда кўп қарама-қаршиликлар топар эдилар-ку?!“.

[4:82]

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ أَمْ عَلَى قُلُوبٍ أَقْفَالُهَا

– „Қуръонни тадаббур қилмайдиларми?! Ёки дилларда қулфлар борми?!“.

[47 24]

أَفَلَمْ يَذْكُرُوا الْقَوْلَ أَمْ جَاءَهُمْ مَا لَمْ يَأْتِ آبَاءَهُمُ الْأَوَّلِينَ

– „Ахир бу Сўзни - Қуръонни тадаббур қилмайдиларми ёки уларга аввал ўтган ота-боболарига келмаган нарсга келдимиз?!“

[23:68]

كِتَابٌ أَنْزَلْنَاهُ إِلَيْكَ مُبَارَكٌ لِيَذْكُرُوا آيَاتِهِ وَلِيَتَذَكَّرَ أُولُوا الْأَلْبَابِ

– „У - биз сизга унинг оятларини тадаббур қилишлари ва ақл эгалари эслатма-ибрат олишлари учун нозил қилган муבורак китобдир“.

[38:29]

Ҳикмат соҳиби Аллоҳ Қуръон оятлари ҳақида фикрлашга чақирганда бошқа сўзларга мурожаат этмай «тадаббур» сўзини ишлатди.

Ҳақ Субҳонаху борлиқ оятлари ҳақида фикрлашга чақирганда қайси сўзга мурожаат этди? Билгувчи Аллоҳ сураи «Бақара»да марҳамат қилади:

أَيُّدُ أَحَدُكُمْ أَنْ تَكُونَ لَهُ جَنَّةٌ مِنْ نَحِيلٍ وَأَعْنَابٍ تَجْرِي مِنْ تَحْتِهَا الْأَنْهَارُ لَهُ فِيهَا مِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ وَأَصَابَهُ الْكِبَرُ وَلَهُ ذُرِّيَّةٌ ضِعْفًا فَأَصَابَهَا إِعْصَارٌ فِيهِ نَارٌ فَاحْتَرَقَتْ كَذَلِكَ يُبَيِّنُ اللَّهُ لَكُمْ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ تَتَفَكَّرُونَ

– „Сизлардан бирортангиз тағларидан анҳорлар оқиб тургувчи, хурмою-узумлари бор, ҳар турли меваларга тўла боғи бўлиб, кексайиб, нимжон болалари билан қолган чоғида ўша боғни ўтли бўрон уриб ёниб битишини истадимиз? Аллоҳ сизларга «тафаккур» этишингиз учун оятларни шундай баён қилади“.

[2:266]

إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ اللَّيْلِ وَالنَّهَارِ لَآيَاتٍ لِأُولِي الْأَلْبَابِ ﴿١٩﴾
الَّذِينَ يَذْكُرُونَ اللَّهَ قِيَامًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ
رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَذَا بَاطِلًا سُبْحَانَكَ فَقِنَا عَذَابَ النَّارِ ﴿٢٠﴾

– „Осмонлар ва ернинг яралишида, ҳамда кеча ва кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун оятлар борлиги шубҳасиздир. Улар турганда ҳам ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ва осмонлар ва ернинг яралишида тафаккур қилиб (дейдилар): „Ё раб. Бу борлиқни бекордан яратганинг йўқ! Сен (беҳуда иш қилиш айбидан) поксан. Бизни жаҳаннам азобидан асрагил!“ [3:190-191]

إِنَّمَا مَثَلُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا كَمَاءٍ أَتْرَکْنَاهُ مِنَ السَّمَاءِ فَاخْتَلَطَ بِهِ نَبَاتُ الْأَرْضِ مِمَّا يَأْكُلُ النَّاسُ
وَالْأَنْعَامُ حَتَّىٰ إِذَا أَخَذَتِ الْأَرْضُ زُخْرُفَهَا وَازَّيَّنَتْ وَظَنَّ أَهْلُهَا أَنَّهُمْ قَادِرُونَ عَلَيْهَا أَتَاهَا
أَمْرًا لَّيْلًا أَوْ نَهَارًا فَجَعَلْنَاهَا حَصِيدًا كَأَن لَّمْ تَغْنَبِ بِالْأَمْسِ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ
يَتَفَكَّرُونَ

– „Дарҳақиқат, бу ҳаёти-дунёнинг мисоли худди Биз осмондан ёғдирган бир сувга ўхшайди, бас, одамзод ва ҳайвонот ейдиган нарсалардан иборат бўлган ер набототи у билан аралашиб, ҳатто ер чирой олиб, ясан-тусан қилганида ва Ернинг аҳли унинг устида кучли-қудратлимиз, деб ўйлай бошлаганида, Ерга кечаси ё кундузи Бизнинг фармонимиз келиб, Биз уни 2 ўё кунни кеча обод бўлмагандай, вайронага айлантириб қўйурмиз. Тафаккур қила оладиган қавм учун оятларни мана шундай муфассал баён қилурмиз“. [10:24]

وَهُوَ الَّذِي مَدَّ الْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَاسِي وَأَنْهَارًا وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ جَعَلَ فِيهَا زَوْجَيْنِ
إِثْنَيْنِ يُغِشِّي اللَّيْلَ النَّهَارَ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

– „У Ерни ёйиқ ҳолда яратиб, унда тоғлар ва дарёлар пайдо этган Зотдир. У ердаги ҳар меваларни иккитадан жуфт-жуфт (яъни эркак-урғочи) қилиб яратди. У кечани кундуз устига ёяр (яъни кеча-кундуз ҳам бир-бирларининг жуфтларидир). Албатта, бу (мисоллар)да тафаккур этувчи қавм учун оят-ибратлар мавжуд“. [13:3]

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً لَّكُم مِّنْهُ شَرَابٌ وَمِنْهُ شَجَرٌ فِيهِ تُسِيمُونَ ﴿٢١﴾ يُنْبِتُ لَكُم
بِهِ الزَّرْعَ وَالزَّيْتُونَ وَالنَّخِيلَ وَالْأَعْنَابَ وَمِنْ كُلِّ الثَّمَرَاتِ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ
يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢٢﴾

– „У осмондан сизларга ичимлик ҳам бўладиган сувни ёғдирган Зотдир. Сизлар (ҳайвонларингизни) боқадагидан дов-дарахтлар, (ўт-ўланлар) ҳам ўша

сувдан (ичар). У Зот сизлар учун ўша (сув) ёрдамида (турли) экинларни, зайтун, хурмо, узум ва барча меваларни ундириб-ўстирур. Албатта, бунда тафаккур қилувчи қавм учун оят бор“.

[16:10,11]

وَمِنْ آيَاتِهِ أَنْ خَلَقَ لَكُمْ مِنْ أَنْفُسِكُمْ أَزْوَاجًا لِتَسْكُنُوا إِلَيْهَا وَجَعَلَ بَيْنَكُمْ مَوَدَّةً وَرَحْمَةً
إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ

– „Унинг оятларидан бири - у сизлар учун ўзларингдан улар билан хотиржам бўлишларинг учун жуплар яратиб, ораларингда дўстлик ва меҳр-муҳаббат пайдо этди. Албатта, бунда тафаккур қилувчи қавм учун оятлар мавжуд“.

[30:21]

Ҳикмат соҳиби Аллоҳ борлиқ оятлари ҳақида фикрлашга чақирганда «тафаккур» сўзини ишлатди. Тафаккур ва тадаббур маъноси нима? Бундай фаркланишнинг боиси не?

Тадаббур сўзи луғатда охирларига қараш, нарсанинг боши ва охирига қараш маъносини билдиради. Бу сўз «охири» маъносидаги «ад-дубур» сўзидан олинган бўлиб, «тадаббур» бошидан оёқ охиригача қараш демакдир. Нарсанинг аввалига ёки аввали ва ўртасига қараш тадаббур эмас. Киши нарса ҳақида бошдан-оёқ охиригача фикрласагина тадаббур қилган бўлади. Тадаббурнинг асл маъноси шу. У нарсага умумий қараш ва чуқур ўрганиш маъносини ҳам англатади. Аллоҳ Таоло Қуръони каримни тадаббур этишга буюрганда уни бошдан оёқ охиригача чуқур текшириб ўрганиш талаб қилинган. Бу талабдан мақсад Қодири Халлоқ борлигини билиш бўлиб, бунинг учун Қуръоннинг барча оятлари ҳақида фикр юритиб чиқмоқ даркор. Бу маъно айниқса сураи Нисо оятида аниқ ифодасини топган:

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا

– „Қуръонни тадаббур қилмайдиларми?! Агар Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлганда эди, унда кўп қарама-қаршиликлар топар эдилар-ку?!“.

[4:82]

Қуръон оятларига диққат-эътибор билан қараган киши ундаги иншо гузаллигининг ва услуб юксаклигининг бир маромда изчил давом этишини кузатади. Бошқа китобларда иншонинг гоҳида равшан, гоҳида ғализ бўлиши, услубнинг юксак ва паст бўлиши муқаррар. Қуръон оятларида бундай ҳолатни кўрмаган ўқувчи бу оятлар инсоннинг эмас, балки Жалла мин қоил Аллоҳнинг каломи эканига ишонч ҳосил қилади. Бу ишонч Қуръоннинг барча оятлари ҳақида фикр юритиб чиқиш билангина ҳосил бўлади. Зеро бир қисм оятларга қараб уларда иншонинг ғализлиги ва услубнинг пастлигини топмаганда қолган қисмида топилиш мумкин дея эътироз билдиради. Ҳеч қандай эътироз бўлмасин учун Ҳикмат соҳиби Аллоҳ Қуръоннинг барча оятларига бошдан оёқ охиригача қараб чиқишни - тадаббур қилишни буюрди. Тадаббур сўзи ўрнига «ан-назар - қараш» ёки «ал-кироат - ўқиш» сўзларини ишлатганда эътирозга ўрин қолиш мумкин эди. «Тадаббур» сўзини ишлатишдан айни мақсад-ҳикмат ҳам мана шу. Қуръон жумлаларини тўла ўрганиб чиқиб, уларнинг инсон сўзлари эмас, илоҳий оятлар эканига

ишонч ҳосил қилсагина унинг жумлалари Қодири Халлоқ борлигига далолат этувчи оят-аломатлик даражасига кўтарилади.

Борлиқ оятларига қарашда тадаббур талаб қилинмади. «Тафаккур» сўзи ўрнида «тадаббур» сўзи ишлатилганда инсон барча махлуқотларни тадаббур қила олмай уларнинг оят-мўъжиза эканига эътироз билдириши мумкин эди! Буюк ҳикмат соҳиби Аллоҳ бундай гумроҳликдан покдир!

Борлиқ оятлари инсон ақли қамраб ололмайдиган даражада кўп бўлиб, уларнинг барчаси ҳақида фикр юритиб чиқиш талаб этилганда инсон бундан ожизлик қилар эди. Шунинг учун ҳикмат соҳиби борлиқ оятларида тадаббур қилишга эмас тафаккур этишга, яъни қарашга буюрди.

وَمَا ذَرَأَ لَكُمْ فِي الْأَرْضِ مُخْتَلِفًا أَلْوَانُهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَذْكُرُونَ

– „Яна У Зот сизлар учун Ерда яратиб қўйган ранго-ранг нарсаларни (бўйсиндирди). Албатта, бу нарсаларда ибрат-эслатма оладиган қавм учун оят-ибрат бордир“.

[16:13]

أَلَمْ يَرَوْا إِلَى الطَّيْرِ مُسَخَّرَاتٍ فِي جَوْ السَّمَاءِ مَا يُمَسِّكُهُنَّ إِلَّا اللَّهُ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

– „Осмон-фалакда (учиш учун) бўйсиндирилган қушларга боқмайдиларми?! Уларни ёлғиз Аллоҳ ушлаб турибдику! Албатта, бу ишда иймон келтирадиган қавм учун оят-ибратлар мавжуд“.

[16:79]

وَالْبَلَدُ الطَّيِّبُ يَخْرُجُ نَبَاتُهُ بِإِذْنِ رَبِّهِ وَالَّذِي خَبثَ لَا يَخْرُجُ إِلَّا نَكِدًا كَذَلِكَ نُصَرِّفُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَشْكُرُونَ

– „Пок шаҳар (ернинг) гиёҳи Парвардигорнинг изни-иродаси билан (осон) униб чиқур. Нопок (яъни шўр, тошлоқ) ерники эса, фақат қийинчилик-машаққат билангина чиқур. Шукр қилувчи қавм учун оят-аломатларимизни мана шундай баён қилиб берурмиз“.

[7:58]

اللَّهُ الَّذِي رَفَعَ السَّمَاوَاتِ بِغَيْرِ عَمَدٍ تَرَوْنَهَا ثُمَّ اسْتَوَىٰ عَلَى الْعَرْشِ وَسَخَّرَ الشَّمْسَ وَالْقَمَرَ كُلٌّ يَجْرِي لِأَجَلٍ مُّسَمًّى يُدَبِّرُ الْأَمْرَ يُفَصِّلُ الْآيَاتِ لَعَلَّكُمْ بِلِقَاءِ رَبِّكُمْ تُوقِنُونَ

– „Аллоҳ осмонларни сизлар кўргудек устунларсиз кўтариб қўйган, сўнгра ўз аршини эгаллаб, қуёш ва ойни ўз амрига бўйсиндирган Зотдир. Уларни ҳар бири муайян муддат (қиёмат)гача сайир қилаверар. Аллоҳ барча ишнинг тадбирини қилур ва сизлар (қиёмат кунда) Парвардигорингизга рўбарў бўлишга иймон келтиришингиз учун ўз оятларини муфассал баён қилур“.

[13:2]

وَفِي الْأَرْضِ قِطْعٌ مُّتَجَاوِرَاتٌ وَجَنَّاتٌ مِّنْ أَعْنَابٍ وَزُرْعٌ وَنَخِيلٌ صِنْوَانٌ وَغَيْرُ صِنْوَانٍ يُسْقَىٰ بِمَاءٍ وَاحِدٍ وَنُفِصِّلُ بَعْضَهَا عَلَىٰ بَعْضٍ فِي الْأَكْثَلِ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ لِّقَوْمٍ يَعْقِلُونَ

– „Бу ерда бир-бирига қўшни бўлган бўлак-бўлак (яъни унумдор ва шўр) ерлар, узумзор боғлар, экинзорлар ва шохлаб кетган ва шохламаган хўрмолар бўлиб (уларнинг ҳаммаси ҳам) бир сув билан сугорилуру. (Лекин) Биз уларнинг айримларидан айримларини таъмироқ-ейишлироқ қилиб қўйурмиз. Албатта, бунда ҳам ақл юргизадиган қавм учун оят-ибратлар мавжуд“. [13:4]

Аллоҳ Субҳонаху борлиқ оятлари ҳақида фикр юритишга чакирганда «тафаккур» сўзидан ўзга бир неча сўзларни ҳам ишлатди. Бунга мисол тариқасида юқоридаги оятларда келган «Ибрат-эслатма оладиган», «ишонадиган», «шукур қиладиган» ва «ақл-идрок қиладиган» сўзларидир. Булар тафаккур сўзига маънодош бўлиб, унинг ўрнига келган сўзлар эмас. Балки тафаккурнинг натижаси, унинг маҳсулидир. Киши борлиқ оятларида тафаккур қилар экан унда иймон, ибрат, шукрона, ишонч ва ақл-идрок ҳосил бўлади. Тафаккур бир дарахт бўлса, булар унинг мевасидир.

Ҳа, иймон, шукрона, ишонч ва ақл-идрок - булар тафаккурнинг маҳсули экани маълум. Лекин бу ўринда эслатма-ибрат сўзини қандай тушуниш мумкин?

Ҳақ Субҳонаху сурани Наҳлдаги:

إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَةً لِّقَوْمٍ يَتَذَكَّرُونَ

– „... Албатта бунда ибрат-эслатма олувчи қавм учун оят бордир“. [16:13]

ва сурани Гофирдаги:

هُوَ الَّذِي يُرِيكُم آيَاتِهِ وَيُنَزِّل لَكُم مِّنَ السَّمَاءِ رِزْقًا وَمَا يَتَذَكَّرُ إِلَّا مَن يُنِيبُ

– „У сизларга оятларини намоеъ этиб осмондан ризқу-рўз ёғдиргувчи Зотдир. (Лекин бундан) инобат-илтижо қиладиган кишигина эслатма ибрат-олур“. [40:13]

деган ва бошқа сураларида ҳам учрайдиган шу маънодаги сўзларнинг маъноси нима? Уларнинг маъноси аввалда бўлиб ўтган ишни эслашдир. Бирор иш бўлиб ўтган бўлмаса эслаш пайдо бўлмайди. Ҳар бир инсоният яратган Аллоҳга ишонгай. Киши борлиқ оятларига разм солиб тафаккур қилар экан яралган чоғида Аллоҳга келтирган иймони ёдига тушади. Аввалда иймон келтирмаган бўлганда, борлиқ оятлари ҳақида фикр юритганда нимани эслар эди?

Аллоҳни «Аъроф» сурасидаги сўзи фикримизнинг ёрқин далилидир.

وَإِذْ أَخَذَ رَبُّكَ مِن بَنِي آدَمَ مَن ظُهُورِهِمْ ذُرِّيَّتَهُمْ وَأَشْهَدَهُمْ عَلَىٰ أَنفُسِهِمْ أَلَسْتُ بِرَبِّكُمْ قَالُوا بَلَىٰ شَهِدْنَا أَن تَقُولُوا يَوْمَ الْقِيَامَةِ إِنَّا كُنَّا عَنْ هَذَا غَافِلِينَ ﴿١٧٢﴾ أَوْ تَقُولُوا إِنَّمَا أَشْرَكَ آبَاؤُنَا مِن قَبْلُ وَكُنَّا ذُرِّيَّةً مِّن بَعْدِهِمْ أَفَتُهْلِكُنَا بِمَا فَعَلَ الْمُبْطِلُونَ ﴿١٧٣﴾

– „Парвардигорингиз Одам фарзандларининг белларидан (яъни пушти камаридан то қиёмат кунигача дунёга келадиған барча) зурриётларини олиб: „Мен роббингиз эмасманми?“ деб ўзларига қарши гувоҳ қилганида,

улар „Ҳақиқатан, Сен роббимизсан, бизлар бунга шоҳидмиз“ деганларини эсланг! (Сизлардан бундай гувоҳлик, аҳду паймон олишимиз) қиёмат кунда „Бизлар бундан беҳабар эдик“, демасликларингиз учундир. Ёки: „Ахир илгари ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган (ва уларнинг ўргатган йўлларига эргашиган) авлод бўлсак, ўша ноҳақ йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан?!“, демасликларингиз учундир“.

[7:172,173]

Аҳмад Ибни Жарир, Тибрий ва Ҳоким Ибн Аббосдан ривоят қилади: «Пайғамбар А. айтдилар: Аллоҳ Нўъмон яъни Арофот тоғида Одам пуштидаги барча инсон авлодидан аҳду-паймон мийсоқ олган. Одамнинг пуштидан қиёматгача яратадиган барча инсон авлодини чиқариб ҳузурида зарра сингари ёйиб юборди. Дастлаб уларга гапириб «Мен сизларнинг роббиларингиз эмасманми?», деди». «Ҳақиқатан, Роббимизсан, бизлар бунга шоҳидмиз» дедилар. Қиёмат кунда «Бизлар бундан беҳабар эдик» ёки «Ахир илгариги ота-боболаримиз мушрик бўлган эсалар, бизлар улардан кейин келган авлод бўлсак ўша нотўғри йўлда ўтган кимсаларнинг қилмишлари сабабли бизларни ҳалок қилурмисан» деб айтмаслари учун Аллоҳ улардан шундай аҳду-паймон олди. «Эслаш»нинг маъноси шу. У юқорида айтганимиздек тафаккурга маънодош эмас, балки унинг натижасидир.

Мусулмонларга, хусусан, даъват етказувчиларга Қуръон оятларини ўқиб тадаббур қилиш вожиб ва ибодат бўлгани каби борлиқ оятларини тафаккур қилиш вожибдир ва ибодат мақомида. Пайғамбар А.нинг учдан ортик саҳобалари «Иймон нури-тафаккур» дея айтаётганларини эшитдим деб ривоят қилади Абди Қайс. Қуртобий билан ибни Касир ўз тафсириларида «Бир соатлик тафаккур кечаси туриб (намоз ўқимокдан) афзалдир» деган сўзни келтиради.

Қуръон оятларини ифода услубидаги бенуқсонлик билан борлиқ оятларининг яралишидаги бенуқсонлик бир хил даражада эканини сифатлаб Аллоҳ «Нисо» ва «Мулк» сурасида шундай дейди:

أَفَلَا يَتَذَكَّرُونَ الْقُرْآنَ وَلَوْ كَانَ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللَّهِ لَوَجَدُوا فِيهِ اخْتِلَافًا كَثِيرًا

– „Қуръонни тадаббур қилишмайдиларми?! Агар Аллоҳдан бошқа биров томонидан бўлганда эди, албатта, унда кўп қарама-қаршилик топар эдилар“.

[4:82]

الَّذِي خَلَقَ سَبْعَ سَمَاوَاتٍ طِبَاقًا مَا تَرَى فِي خَلْقِ الرَّحْمَانِ مِنْ تَفَافُوتٍ فَارْجِعِ الْبَصَرَ هَلْ تَرَى مِنْ فُطُورٍ

– „У етти осмонни устма-уст қилиб яратган Зотдир. Раҳмоннинг яратишида бирон тафовут-нуқсон топмассиз. Кўзингизни (самога) қайтарингчи (унда) бирон футур-ёриқни кўрармикансиз?“.

[67:3]

Қуръон оятларини билиш билан бир қаторда борлиқ оятларини ҳам билиш буюрилган. Бу иккисини билган кишигина асл олим деб тан

олинишга ҳақлидир. Бирини билиб, бошқа бирини билмаса, унинг илми ноқис бўлади.

Билгувчи Аллоҳ «Рум» сурасида марҳамат қилади:

وَمِنْ آيَاتِهِ خَلْقُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافُ أَلْسِنَتِكُمْ وَأَلْوَانِكُمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَآيَاتٍ
لِّلْعَالَمِينَ

– „Унинг оятларидан осмонлар ва ернинг яралиши, тил ва рангларингизни ҳар хил бўлиши. Албатта, бунда олимлар учун оятлар бор“.

[30:22]

أَلَمْ تَرَ أَنَّ اللَّهَ أَنْزَلَ مِنَ السَّمَاءِ مَاءً فَأَخْرَجْنَا بِهِ ثَمَرَاتٍ مُّخْتَلِفًا أَلْوَانُهَا وَمِنَ الْجِبَالِ
جُدَدٌ بَيضٌ وَحُمْرٌ مُّخْتَلِفٌ أَلْوَانُهَا وَغَرَابِيبُ سُودٍ ﴿٢٣﴾ وَمِنَ النَّاسِ وَالدَّوَابِّ وَأَلْأَنْعَامِ
مُخْتَلِفٌ أَلْوَانُهُ كَذَلِكَ إِنَّمَا يَخْشَى اللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ الْعُلَمَاءُ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ غَفُورٌ ﴿٢٤﴾

– „Аллоҳ осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб унинг ёрдамида ранг-рўйлари турли туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми? Яна тоғлардан ҳам оқ, қизил ранго-ранг йўл (тоғлар) ҳам, тим қора (тоғлар) бордир. Шунингдек, одамлар жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Бандалари орасидаги олим-билимдонларгина Аллоҳдан қўрқур. Албатта, Аллоҳ қудрат ва мағфиратли Зотдир“. [35:27,28]

Бу икки оятга диққат-этибор билан қараш орқали маълум бўляптики, борлиқ оятлари ҳақида тафаккур қилиш чоғида «олим», «уламо» сўзлари ишлатилмоқда. Бинобарин, киши мутлақ олим, уламо бўлиши учун шарият илмларини билиш билан бир қаторда борлиқ оят-мўъжизаларига қараб фикр юритиши ҳам вожибдир. Қуръон оятларини тадаббур қилиш ва борлиқ оятларини тафаккур этиш муҳим вожиблардан бўлиб, даъват етказувчигина эмас мусулмонлар оммаси ҳам иймони кучли бўлиши учун бунга қаттиқ аҳамият беришлари зарур.

Қуръон ва борлиқ оятлари мўъжиза бўлиб, Парвардигор борлигига далолат этади. Шунинг учун оят-аломат деб номланди. Ҳар бир маҳлуқот парвардигори олам борлигини гапириб туради. Бутун борлиқ холиқнинг маҳлуқоти бўлиб, Аллоҳ уларни икки иш учун: Ҳақ Таолонинг борлигига далолат этиши ва унга ибодат қилиши учун яратди. Бинобарин, одамлар Аллоҳнинг маҳлуқоти унинг борлигига, набий ва Расуллар келтирган оят-мўъжизалар эса уларнинг рост пайғамбарлигига далолат этувчи далил эканини англаб билсинлар, пайғамбарларнинг амрларига итоат этиб Аллоҳга ибодат қилсинлар. Одам А.дан то охирги пайғамбар Муҳаммад А.гача бўлган набий ва Расуллар келтирган динларнинг асл мазмун-моҳияти мана шундан иборат.

Аллоҳ Таоло шунга ишора қилиб «Шувро» сурасида марҳамат қилади:

شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ
وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ

– „(Эй мўминлар, Аллоҳ) сизлар учун ҳам диндан Нуҳга буюрган нарсани ва Биз сизга (яъни Муҳаммадга) ваҳй қилган нарсани, (шунингдек) Биз Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарса-шариатни (қонун) қилди. „Динни барпо қилинлар ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглар“. [42:13]

Муслим ва Аҳмад Абу Хурайрадан ривоят қилади: «Марямни ўғли Исога энг яқин одам - менман деди, пайғамбар алайҳи-с-салом. Яқинлигингиз қандай, ё Расулаллоҳ дея савол берди Асҳоблар. Пайғамбарлар ота бир, она бошқа ва динлари бирхил ака-укалардир. Исо билан менинг ўртада пайғамбар йўқ», деди Расулаллоҳ.

Динларнинг асл мазмун-моҳияти оят ва хадисларда «дин» сўзи билан ифодаланади. Аллоҳнинг борлигига, унинг парвардигори олам эканига иймон келтирмоқ, ибодат қилмоқ, Унинг улуғлигига ҳамду-сано айтмоқ динларнинг асл мазмунидир. Қуръондаги энг улуғ сура - Фотиҳа сурасининг бошланиш қисмида шу мазмун-моҳият фасоҳат билан зикр қилинган.

الْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ الْعَالَمِينَ

– „Ҳамду-сано бутун олам Парвардигори Аллоҳга“.

Парвардигори олам - дегани барча маҳлуқотни яратган яратувчиси ва эгаси мавжуд демакдир. Яратувчи ва эгаси бўлган парвардигор Аллоҳдир. Аллоҳ маъбуд яъни ибодат қилинувчи деган маънони билдиради. Бу парвардигори илоҳ ҳамду-саногоа лойиқдир. Бу тўрт сўзда динларнинг асл мазмун-моҳияти зикр этиляпти. Аллоҳ жалла мин коил сураи «Зумар»да марҳамат қилади:

اللَّهُ نَزَّلَ أَحْسَنَ الْحَدِيثِ كِتَابًا مُتَشَابِهًا مَثَانِي تَقْشَعْرُ مِنْهُ جُلُودُ الَّذِينَ يَخْشَوْنَ رَبَّهُمْ ثُمَّ تَلِينُ جُلُودُهُمْ وَقُلُوبُهُمْ إِلَى ذِكْرِ اللَّهِ

– „Аллоҳ энг гўзал сўзни (оятлари фасоҳат ва балоғатда) бир-бирига ўхшаган, (ичидаги ҳукмлари) такрор-такрор келувчи бир Китоб - Қуръон этиб нозил қилдики, (ундаги Аллоҳнинг азоби ҳақидаги оятларни тиловат қилганларида) Парвардигорларидан қўрқадиган зотларнинг терилари титраб кетар, сўнггра терилари-баданлари ҳам, диллари ҳам Аллоҳнинг зикрига юмиар-мойил бўлур“. [39:23]

Энг улуғ сура - Фотиҳа сураси шу тўрт сўз билан бошланиши ва намознинг ҳар бир ракатида уни қироат қилишнинг фарз этилиши бежиз эмас.

Демак, ҳар бир мусулмон, хусусан, даъват етказувчи иймони баркамол бўлиши учун Аллоҳнинг Қуръон ва борликдаги оятлари ҳақида фикр юритиши зарур.

ПАЙҒАМБАР ВА РАСУЛЛАРНИНГ ҚИССАЛАРИ

Қуръони Каримнинг элликдан зиёд суралари пайғамбар ва Расуллар ҳақидаги ажойиб қиссаларни хикоя қилади. Айниқса, Мусо А.нинг қиссаларига кенг ўрин ажратилган. Бу қиссалар турли таъбирлар билан қайта-қайта такрорланиб келади. Модомики, Ҳақ Таоло Қуръон оятларида бирор ҳарфни ҳам бегараз ва беҳикмат келтирмас экан, Буюк Каломда пайғамбар ва Расуллар қиссаларининг бу қадар кўп келтирилишига боис не? Бунинг ҳикмати каерда?

Аллоҳ Таоло Қуръонни ҳикмат билан (ҳақ билан) нозил қилди.

ذَلِكَ بِأَنَّ اللَّهَ نَزَّلَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ

– „Ўша (азоб) Аллоҳ бу Китоб (Тавротни) ҳақ билан нозил қилгани сабаблидир“. [2:176]

اَلَمْ يَكُنْ لِلَّهِ لَا إِلَهَ إِلَّا هُوَ الْحَيُّ الْقَيُّومُ ﴿٢﴾ نَزَّلَ عَلَيْكَ الْكِتَابَ بِالْحَقِّ

– „Алиф, Лом, Мим. Аллоҳ ягонадир. Ундан ўзга илоҳ йўқ. У тирик ва абадий турғувчидир. Сизга бу Китобни (Қуръонни) ҳақ билан нозил қилди“. [3:1-3]

Демак, пайғамбар ва Расулларнинг қиссалари ҳақ-рост қиссалардир.

Аллоҳ Таоло бунга ишора қилиб «Оли Имрон» сурасида шундай марҳамат қилади:

إِنَّ هَذَا لَهُوَ الْقَصَصُ الْحَقُّ وَمَا مِنْ إِلَهٍ إِلَّا اللَّهُ وَإِنَّ اللَّهَ لَهُوَ الْعَزِيزُ الْحَكِيمُ

– „Албатта, бу ҳақ-рост қиссадир. (Яъни Исо ҳеч қандай худо эмас, балки Аллоҳнинг бошқа ҳамма пайғамбарлари каби, оддий одам зотидир). Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ. Ва, албатта, Аллоҳнинг ўзигина қудрат ва ҳикмат соҳибидир“. [3:62]

«Анъом» сурасида айтилади:

إِنَّ الْحُكْمَ إِلَّا لِلَّهِ يَقُصُّ الْحَقَّ وَهُوَ خَيْرُ الْفَاصِلِينَ

– „Ҳукм қилиш фақат Аллоҳнинг ўзига хос. У фақат ҳақни сўйлар. У (ҳақ билан ноҳақни) ажратувчи кишиларнинг энг яхшисидир“. [6:57]

Хуллас, бу қиссаларнинг ҳақлигига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Бизлар эса, ҳақни ушлашга ва ҳақ даъватини барча инсонларга етказишга амр этилганмиз. Ақидани, ибодатларни, шаръий аҳкомларни ўрганиб, бошқаларга ҳам таълим беришимиз жараёнида ўзимиз ҳам уларга амал қилишимиз лозим бўлгани каби, Қуръоннинг барча оятларини, жумладан, қиссалар ҳақидаги оятларни ҳам ўқиб ўрганишимиз, бошқаларга ҳам ўргатишимиз ва ҳаётимиз давомида улардан ибрат олмоғимиз лозим. Акс ҳолда, бу қиссаларнинг Қуръони Каримда жуда кўп келтирилганлигининг ва ҳикмат билан нозил қилинганлигининг маъноси қолмайди. Ҳақ Таоло эса, бефойда гап сотишдан пок Зотдир.

Аллоҳ Таоло биз мусулмонларнинг инсонлар устидан гувоҳ бўлишимизни хоҳлади ва бизларни ўрта (адолатли) уммат дея сифатлади:

وَكَذَلِكَ جَعَلْنَاكُمْ أُمَّةً وَسَطًا لِتَكُونُوا شُهَدَاءَ عَلَى النَّاسِ وَيَكُونَ الرَّسُولُ عَلَيْكُمْ شَهِيدًا

– „Шунингдек (яъни ҳақ йўлга ҳидоят қилганимиз каби), сизларни бошқа одамлар устида гувоҳ бўлишингиз ва пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун ўрта (адолатли) бир миллат қилдик“. [2:143]

هُوَ سَمَّاكُمْ الْمُسْلِمِينَ مِنْ قَبْلُ وَفِي هَذَا لِيَكُونَ الرَّسُولُ شَهِيدًا عَلَيْكُمْ وَتَكُونُوا شَهِدَاءَ

عَلَى النَّاسِ

– „Токи (қиёмат кунда) пайғамбар сизларнинг устингизда гувоҳ бўлиши учун, сизлар эса (барча динлардаги) одамлар устидан гувоҳ бўлишингиз учун (Аллоҳ ўзи сизларни илгариги муқаддас китобларида ҳам, мана шу (Қуръонда) ҳам мусулмонлар (яъни ўзининг динига бўйсунувчилар) деб атади“. [22:78]

Одамлар устида гувоҳ бўлишнинг маъноси - уларга даъватни етказиш, уларни Ислом шариатидан бохабар қилишдан иборатдир. Кимки инсонларга даъватни етказса, у ҳақли равишда уларга гувоҳ дейилади. Даъват масъулиятини зиммасига олмаганлар эса, бундай улуғ сифатдан махрумдирлар. Демак, даъватни етказиш исломда улуғ ва шарафли иш бўлиб, жаннатул Фирдавсга киришни умид қилган бирор муслим бу ишга бепарво қараши асло мумкин эмас. Акс ҳолда, у кўпгина яхшиликлардан бенасиб, умматлар устида гувоҳ бўлишдек шарафдан махрум қолади.

Умматлар фикрларда, қийматларда, сулукда яъни турмуш тарзида бир-бирларидан кескин фарқланадилар. Шунинг учун даъватчи даъват етказиш мобайнида дуч келадиган ҳар хил ҳолатларга муносиб ёндашмоғи лозим. Масалан, тафаккур аҳлини даъват этиш содда ва оддий одамлар билан бўлган мулоқотдан фарқлироқдир. Даъватни ҳарбий томондан етук уммат орасига жиход орқали олиб кириш заиф уммат қаршисидагидан бошқача бўлади. Шунингдек, турли-туман умматлар орасида даъват билан машғул шахс ислом даъватини ер қуррасидаги умматларга етказишга лойиқ қиладиган бир неча сифатларга ҳам эга бўлмоғи вожиб. Қуръони Карим сураларида пайғамбар ва Расуллар қиссаларининг кенг кўламда зикр этилишининг ҳикмати ҳам шунда.

Соддароқ қилиб айтганда, пайғамбар ва Расулларнинг қиссалари турли умматларга даъватни турлича етказишнинг ажойиб намунасидир. Масалан, агар қиссаларни ўқисак, Нух А.нинг ўз қавмига қилган мурожаати-даъвати Солиҳ, Иброҳим, Шуъайб, ва Исо А.ларнинг ўз қавмларига қилган хитобидан ўзгача эканлигига амин бўламиз. Чунки, бу пайғамбарларнинг умматлари бир-бирларидан кескин фарқ қилар эдилар.

Мусулмонлар - Ислом даъватини барча миллат ва элатларга етказиш масъулиятини олган ягона умматдир. Хос қавмларга лозим қилинган бошқа дин тобеълари эса, бундай шарафли бурчдан бенасибдирлар. Демак, мусулмон шахс Ислом даъватини турли миллат ва халқларга етказишнинг йўл-йўригини билиши учун бир неча намуналар қаршисида тўхталишга

мажбур. Шу йўлда Парвардигори олам бизни бир неча намуналардан ибрат олишга муяссар қилди. Даъватни етказиш масъулиятини зиммасига олган ҳар бир инсон ушбу намуналарга мурожаат қилмоғи лозим. Зеро, ҳар томонлама фарқли инсонлар орасида иш олиб бораётган вақтда дуч келадиган ҳар хил ҳолатларда даъватчига ушбу намуналардек асқотадиган нарсa йўқдир.

«Юсуф» сурасидаги мана бу оят гапимизнинг ёрқин далилидир:

لَقَدْ كَانَ فِي قَصَصِهِمْ عِبْرَةً لِأُولِي الْأَلْبَابِ مَا كَانَ حَدِيثًا يُفْتَرَى وَلَكِنْ تَصْدِيقَ الَّذِي
بَيْنَ يَدَيْهِ وَتَفْصِيلَ كُلِّ شَيْءٍ وَهُدًى وَرَحْمَةً لِّقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

– „Дарҳақиқат, уларнинг қиссаларида ақл эгалари учун ибрат бордир. (Ушбу Қуръон) тўқиб чиқариладиган сўз эмас, балки ўзидан аввалги нарсаларни (яъни самовий китобларни) тасдиқ этувчи, унга иймон келтирадиган қавм учун барча нарсаларни муфассал баён қилиб берувчи ҳидоят ва раҳмат (бўлган бир китобдир)“.

[12:111]

Модомики, бу қиссалар барча ҳақиқатларни муфассал баён қилиб берувчи, биз учун раҳмат ва ҳидоят бўлар экан, албатта, биз бу қиссаларни ўрганиб, уларнинг ҳидоятига эргашмоғимиз лозим.

Ҳақ Таоло пайғамбари Муҳаммад с.а.в.га «Анъом» сурасида шундай марҳамат қилади:

أُولَئِكَ الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ فَبِهِدَاهُمُ اقْتَدِهْ قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ
لِّلْعَالَمِينَ

– „Ана ўша (юқорида мазкур бўлган) зотлар Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, ўшаларнинг йўлларигагина эргашинг! Айтинг, (эй Муҳаммад) Мен сизлардан бунинг учун (яъни Қуръон учун) ҳақ сўрамайман. Бу (Китоб) бутун оламлар учун эслатма (ҳужжатдир) ҳолос“.

[6:90]

Ушбу ояти карима очиқ далолат қиладики, Расулуллоҳ с.а.в. олдинги пайғамбар ва Расулларнинг ҳидоятига эргашишга амр этилганлар. Мусулмонлар эса, Расулуллоҳ с.а.в.га эргашилари шарт. Аллоҳнинг ўз Расулига қилган фармойиши - пайғамбарга хос баъзи бир ҳолатлардан ташқари - бутун умматга ҳам тегишлидир. Мазкур оятдаги буйруқ пайғамбарга хос бўлмаганлиги сабабли, бизлар ҳам ўша пайғамбар ва Расулларнинг ҳидоятига эргашимиз лозим.

Шу ерда, пайғамбар ва Расулларнинг ҳидоятига эргашиш уларнинг шариат ва диний аҳкомларига бўйсунуш демак экан, бинобарин олдингиларнинг шариати бизлар учун ҳам шариатмикин, деган фикр ҳаёлга келади. Ушбу шубҳани бартараф қилиш учун шуни айтиш лозимки, пайғамбар ва Расулларнинг ҳидоятига эргашиш муфассал аҳкомларга эмас дин асосларига, тавҳидга ва тоатга алоқадордир.

«Шувро» сурасидаги ушбу ояти каримадан шу маъно кўзда тутилган:

شَرَعَ لَكُمْ مِنَ الدِّينِ مَا وَصَّى بِهِ نُوحًا وَالَّذِي أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ وَمَا وَصَّيْنَا بِهِ إِبْرَاهِيمَ
وَمُوسَى وَعِيسَى أَنْ أَقِيمُوا الدِّينَ وَلَا تَتَفَرَّقُوا فِيهِ

– „(Эй мўминлар) Аллоҳ сизлар учун ҳам диндан Нухга буюрган нарсани ва биз сизга (яъни Муҳаммадга) ваҳй қилган нарсани, (шунингдек биз) Иброҳим, Мусо ва Исога буюрган нарсани - шариат (қонун) қилди; „Динни барпо қилинглр ва унда фирқа-фирқа бўлиб бўлинманглр!“ [42:13]

«Оли Имрон» сурасидаги мана бу оятдан ҳам шу маъно кўзланган:

قُلْ صَدَقَ اللَّهُ فَاتَّبِعُوا مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا وَمَا كَانَ مِنَ الْمُشْرِكِينَ

– „(Эй Муҳаммад) „Аллоҳнинг сўзи ростдир. Бас, ҳақ йўлдан тоймаган ва мушриклардан бўлмаган Иброҳимнинг динига эргашинглр!“ деб айтинг!“ [3:95]
Наҳл сурасидаги оятда ҳам шундай маъно бор:

ثُمَّ أَوْحَيْنَا إِلَيْكَ أَنْ اتَّبِعْ مِلَّةَ إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا

– „Сўнгра, (Биз, эй Муҳаммад) сизга ҳақ йўлдан тойилмаган Иброҳимнинг динига эргашинг, у мушриклардан эмас эди, деб ваҳй юбордик“. [16:123]

Нух, Иброҳим, Мусо ва Исо Аларга буюрилган нарса биз учун ҳам қонун қилингани, бизлар Иброҳим миллатига эргашишга амр этилганмиз - уларнинг динларидаги муфассал аҳкомларга ҳам эргашишни англамайди. Балки, дин асослари, тавҳид, умумий тоат Аллоҳнинг наздида ягона бўлиб, ўтган пайғамбарларга шу соҳаларда эргашмоғимиз лозим. Расулulloҳ с.а.в. шунга ишора қилиб марҳамат қиладилар: «Пайғамбарлар - ота бир, она бошқа, динлари бир ака-укадирлар». Ушбу ҳадиси шарифни Аҳмад ва Муслим Абу Хурайра томонидан ривоят қилганлар.

Шунинг учун даъватни етказувчи шахс ушбу қиссаларни ўрганмоғи, улардан ибратланмоғи ва даъватни етказиш мобайнида фойдаланиши учун керакли хулосалар чиқариб олмоғи лозим. Табиийки, даставвал, бу борада энг асосий қисса - Пайғамбар с.а.в.нинг сийратлари - юриш-туришларидан ибрат олмоқ зарур. Бундай қилмаган шахс фойдадан бенасиб қолади, қиссаларни тиловат қилганлиги учун эса савобга эришади, холос.

Ушбу қиссалардаги барча ибрат, намуналарни ўрганмоқ учун кўплаб китоб ва дафтарлар лозим бўлади. Мўъжазгина китобчамизда барча қиссаларни келтириш имконияти йўқ, албатта. Шу сабаб, асосий ғоя ва умумий маънога ишора билан чекландик. Даъватчи эса, қиссаларни ўрганиб, тегишли хулосаларни ўзи чиқариши лозим.

Шундай бўлсада, даъватчилар ўрганишлари ва уларнинг йўлларида юришлари учун бир неча ибрат ва намуналарга ишора қилиб ўтамиз;

1- Даъватчига зарур бўлган муҳим ибратлардан бири - саботдир. Даъват етказилаётган вақтда машаққату қийинчиликлар, азобу укубатлар ва ҳар хил ҳийла найранглр кўп дуч келади. Шунинг учун даъватчи саботга жуда ҳам муҳтож.

Ҳақ Таоло «Худ» сурасида шундай марҳамат қилади:

وَكَلَّا تَقْصُ عَٰلَيْكَ مِنْ أَتْبَآءِ الرُّسُلِ مَا تُنَبِّتُ بِهِ فُؤَادَكَ وَجَآءَكَ فِي هَٰذِهِ الْحَقُّ وَمَوْعِظَةٌ
وَذِكْرٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ

– „(Эй Мухаммад) сизга пайғамбарларнинг хабарларидан дилингизни мустаҳкам қиладиган қиссаларни сўйлаб берурмиз ва бу қиссаларда сизга ҳақиқат, панд-насиҳат ҳамда барча мўминлар учун эслатмалар келди“. [11:120]

Ушбу оятни ўқиган даъватчи пайғамбарларнинг хабарлари саботга чорловчи муҳим асос эканини тушинади, ўзига лозим бўлган саботни ҳосил қилиш учун уларни ўрганишга астойдил киришади.

2- Даъватчи муҳтож бўладиган муҳим сифатлардан яна бири - Аллоҳнинг нусрати келгунга қадар - одамларнинг «ёлгончи» дея қилган тухматларига, улардан келган азобларга сабр-тоқат ила чидашдир. Зеро, даъватчи ушбу бардошсиз ҳеч қачон ғалабага эриша олмайди. Аллоҳ Таоло ҳам уни ғалаба нашидаси билан сийламайди.

Ҳақ Таоло «Анъом» сурасида шундай марҳамат қилади:

وَلَقَدْ كَذَّبْتَ رُسُلًا مِنْ قَبْلِكَ فَصَبْرُوا عَلٰى مَا كُذِّبُوا وَأَوَدُّوا حَتَّىٰ أَتَاهُمْ نَصْرُنَا وَلَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَاتِ اللَّهِ وَلَقَدْ جَآءَكَ مِنْ نَّبِإِ الْمُرْسَلِينَ

– „Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлгончи қилинганлар. Бас, то уларга бизнинг ёрдамимиз келгунга қадар ёлгончи қилинган ва озорланганларига сабр этганлар. Аллоҳнинг („Пайғамбаримни ўзим қўлайман“) деган сўзларини ўзгартира олувчи бирон кимса йўқдир. Ахир сизга (Эй Мухаммад) ўтган пайғамбарларнинг айрим хабарлари келган-ку!“ [6:34]

Ушбу ояти каримани ўқиган даъватчи пайғамбарларнинг қисса ва хабарларида ёруғликни, Аллоҳнинг ваъда қилган нусратини интизорлик билан кутган ҳолда, сабрга ундовчи илоҳий кучни кўради.

3- Даъватчи Аллоҳ йўлида ҳолис Аллоҳ учун ҳаракат қилмоғи ва бунинг эвазига мол-дунё, обрў-эътибор, бирор дунёвий ғараз умид қилмаслиги лозим. Шунда унинг амали пайғамбарларнинг амалига ўхшайди. Бинобарин, улардан ўрнак олмоқ ҳам зарур. Аллоҳнинг пайғамбари Нух А. ўз қавмига шундай хитоб қилади:

وَيَاقَوْمِ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مَالًا إِنِ أَجْرِي إِلَّا عَلَى اللَّهِ ...

– „Эй қавмим мен сизлардан бу (даъватим) учун мол-дунё сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат Аллоҳнинг зиммасидадир“. [11:29]

Худ А. эса, Од қавмига шундай хитоб қилади:

يَاقَوْمِ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِنِ أَجْرِي إِلَّا عَلَى الَّذِي فَطَرَنِي أَفَلَا تَعْقِلُونَ

– „Эй қавмим, мен сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат, мени яратган Зот зиммасидадир. Ахир ақлларингизни ишлатмайсизми?!“ [11:51]

Солих А. ўз қавми Самудга шундай хитоб қилади:

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجَرِ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ

– „Сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат бутун оламлар роббисининг зиммасидадир“.

[26:145]

Лут А. ҳам қавмига айнан шундай хитоб қиладилар: Аллоҳнинг пайғамбари Шуайб ўз қавми Мадян - асхоби Айка - (дарахтзор эгалари)га ҳам худди шундай хитоб қиладилар:

وَمَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ مِنْ أَجْرٍ إِنْ أَجَرِ إِلَّا عَلَى رَبِّ الْعَالَمِينَ

– „Сизлардан бу (даъватим) учун ажр-мукофот сўрамайман. Менинг ажр-мукофотим фақат бутун оламлар роббисининг зиммасидадир“.

[26:164]

Аллоҳ Таоло пайғамбаримиз Муҳаммад с.а.в.га ҳам инсонларга худди шундай хитоб қилишларини буюрди:

أُولَئِكَ الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ فَبِهِدَاهُمْ أَفْتَدِهْ قُلْ لَا أَسْأَلُكُمْ عَلَيْهِ أَجْرًا إِنْ هُوَ إِلَّا ذِكْرٌ لِلْعَالَمِينَ

– „Ана ўша (юқорида мазкур бўлган зотлар) Аллоҳ ҳидоят қилган кишилардир. Бас, ўшаларнинг йўлларигагина эргашиң! Айтинг (Эй Муҳаммад): „Мен сизлардан бунинг учун (яъни Қуръон учун) ҳақ сўрамайман. Бу (Китоб) бутун оламлар учун эслатма (хужжатдир) холос“.

[6:90]

Демак, даъватни етказувчилар мол-дунё, обрў ва бирор дунёвий гаразни эмас, балки, фақат Аллоҳнинг розилигини умид қилиб ҳаракат қилишлари вожиб. Шундагина улар фақат ажру-савоб талабида ҳолис Аллоҳ учун ҳаракат қиладилар.

4- Даъватчи ҳақни ушлашни унга амал қилишни ташлаб, нафс-хоҳишларига берилишдан бутунлай узоқ бўлиши лозим. Чунки, бу очикдан-очик адашишлик бўлиб, даъватчи эса, ҳеч қачон адашувчи бўлмаслиги лозим. Ҳақ Таоло «Сод» сурасида марҳамат қилади:

يَا دَاوُودُ إِنَّا جَعَلْنَاكَ خَلِيفَةً فِي الْأَرْضِ فَاحْكُم بَيْنَ النَّاسِ بِالْحَقِّ وَلَا تَتَّبِعِ الْهَوَىٰ فَيُضِلَّكَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ إِنَّ الَّذِينَ يَضِلُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ لَهُمْ عَذَابٌ شَدِيدٌ بِمَا نَسُوا الْحِسَابَ

– „Эй Довуд, дарҳақиқат биз сени ерда халифа қилдик. Бас сен (нафс) хоҳишига эргашиб кетмагин! Акс ҳолда у сени Аллоҳнинг йўлидан оздирур. Албатта Аллоҳ йўлидан озадиган кимсалар учун ҳисоб-китоб кунини унутиб қўйганликлари сабабли қаттиқ азоб бордир“.

[38:26]

«Марям» сурасида эса, шундай марҳамат қилади:

أُولَئِكَ الَّذِينَ أَنْعَمَ اللَّهُ عَلَيْهِمْ مِنَ النَّبِيِّينَ مِنْ ذُرِّيَةِ آدَمَ وَمِمَّنْ حَمَلْنَا مَعَ نُوحٍ وَمِنْ ذُرِّيَةِ إِبْرَاهِيمَ وَإِسْرَائِيلَ وَمِمَّنْ هَدَيْنَا وَاجْتَبَيْنَا إِذَا تُتْلَىٰ عَلَيْهِمْ آيَاتُ الرَّحْمَٰنِ خَرُّوا سُجَّدًا وَبُكِيًّا

﴿٥٩﴾ فَخَلَفَ مِنْ بَعْدِهِمْ خَلْفٌ أَضَاعُوا الصَّلَاةَ وَاتَّبَعُوا الشَّهَوَاتِ فَسُوفَ يَلْقَوْنَ غِيًّا ﴿٦٠﴾ إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يَدْخُلُونَ الْجَنَّةَ وَلَا يُظْلَمُونَ شَيْئًا ﴿٦١﴾

– „Ана ўша Одам зурриётидан бўлган (Идрис каби) Биз Нуҳ билан бирга (кемада) кўтариб тўфон балосидан нажот берган кишилардан (яъни уларнинг фарзандларидан бўлган Иброҳим каби) Иброҳим зурриётидан бўлган (Исмоил, Исҳоқ, Яъқуб каби) Исроил-Яъқуб (зурриётидан бўлган Мусо, Хорун, Закариё, Яхё ва Исо каби) ва биз ҳидоят қилган ва танлаб олган кишилардан бўлган пайғамбарлардан иборат Аллоҳнинг инъомига сазовор бўлган зотларга қачон Раҳмон оятлари тиловат қилинса, сажда қилган ва йиғлаган ҳолларида йиқилурлар. Сўнг уларнинг ортидан намозни зое қиладиган ва шаҳватларга бериладиган кимсалар ўринбосар бўлдилар. Энди у (ўринбосарлар) албатта ёмонликка (яъни ёмон жазога) йўлиқурлар. Магар иймон келтириб яхши амаллар қилган зотларгина (азобга дучор қилинмаслар). Ана улар жаннатга кирурлар ва уларга бирон зулм қилинмас“.

[19:58-60]

Демак, даъватчи шаҳватларга берилган анави ўринбосарлардан бўлиб қолишдан огоҳ бўлсин. Бирор кун унинг қадами тойилиб нафс-хоҳишига ва шаҳватларга берилиб, ҳақиқатни сўзлаш ва ҳақиқатга амал қилишни тарк этган бўлса, дарҳол тавбага шошилсин, токи Аллоҳ унинг тавбасини қабул этсин.

5- Даъватчи Аллоҳнинг нусрат ҳақида қилган ваъдаси, уни ер юзига халифа этиб танлаганлиги ва у мутакаббирлар ва золимлар устидан албатта ғалаба қозонишига қаттиқ ишонмоғи лозим. Гарчи у Аллоҳнинг нусратини ва ғалаба нашидасини ҳис қилмаса-да, унинг мукаддима-ларини кўрмаса-да, уни ички бир туйғу билан сезиб туради. Чунки даъватчи Аллоҳнинг ваъдасини албатта юзага чиқувчи ҳақиқат деб эътиборга олишининг ўзи кифоядир.

Ҳақ Таоло «Шуъаро» сурасида Мусо ва Хорунга хитобан шундай марҳамат қилади:

﴿١٧﴾ فَأَتَيْنَا فِرْعَوْنَ فَقُولَا إِنَّا رَسُولُ رَبِّ الْعَالَمِينَ ﴿١٨﴾ أَنْ أَرْسِلَ مَعَنَا بَنِي إِسْرَٰئِيلَ ﴿١٩﴾

– „Фиръавнга бориб айтинлар: „Ҳақиқатдан биз барча оламлар Парвардигорининг элчиларидирмиз. (Қўл остингдаги) Бани Исроил (қавми)ни бизга қўшиб (ўз юртлири - Фаластинга) жўнатгин“.

[26:16,17]

Аллоҳнинг пайғамбари Мусо ушбу воқеани (яъни Бани Исроилни ўз юртига жўнатилишини) шубҳасиз амалга ошадиган ҳақиқат деб билди. Бундай буйруқ айнан шу суранинг бошқа оятида ҳам такрорланди:

وَأَوْحَيْنَا إِلَىٰ مُوسَىٰ أَنْ أَسْرِ بِعِبَادِي إِنَّكُمْ مُّتَّبِعُونَ

– „Биз Мусога: „Бандаларим (яъни Бани Исроил қавми) билан тунда йўлга чиққин! Албатта сизларнинг изингизга тушилур (яъни Фиръавн ва унинг қўшинлари ортингиздан қувиб етур)“, деб ваҳй юбордик“.

[26:52]

Мусо А. Бани Исроилнинг Мисрдан чиқиши ва Фиръавн зулмидан қутилишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ эканлигига аниқ ишонди. Шунинг учун ҳам Мусонинг асҳоблари денгиз соҳилига етгач, ортларидан таъкиб қилиб келаётган Фиръавн қўшинларини кўриб, илоҳий ваъдага шак келтирдилар:

فَلَمَّا تَرَأَى الْجَمْعَانِ قَالَ أَصْحَابُ مُوسَى إِنَّا لَمُدْرَكُونَ

– „Қачонки икки жамоат бир-бирларини кўришгач Мусонинг ҳамроҳлари: „Бизлар аниқ тутилдик (чунки олдимизда фақат денгиз бор)“ дедилар“. [26:61] Аллоҳнинг пайғамбари эса, шундай мушкул аҳволда ҳам Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканига асло иккиланмади. Балки у Аллоҳнинг Фиръавндан халос этишига қилган ваъдасига аниқ ишониб, ҳамроҳларига шундай жавоб қилди:

قَالَ كَلَّا إِنَّ مَعِيَ رَبِّي سَيَهْدِينِي

– „Мусо айтди: „Йўқ, аниқки мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта У мени (нажот) йўлига бошлар“. [26:62]

Ушбу қиссадан ҳисса шуки, пайғамбарлар изидан бораётган даъватчи Аллоҳнинг ваъдасига ишонч билан, албатта амалга ошадиган ҳақиқат деб қарамоғи лозим. Чунки, Аллоҳ Таоло ҳаргиз, ваъдага вафосизлик қилмас. Мана Аллоҳнинг пайғамбари Мусо А.ни Бани Исроил қавмини Фиръавн ҳукмидан ва салтанатидан халос этишга буюрди. Мусо А. эса, Аллоҳнинг бу амрини шубҳасиз амалга ошувчи иш деб билди. У Бани Исроил билан йўл юриб денгизга етдилар. Ундан ўтиш учун эса кемалар йўқ эди. Дахшатли манзара: олдинда душмандек денгиз, ортда эса, денгиздек душман. Биро қ, шу дамда Мусо А. нажотнинг бирон бир чорасини топа олмаса-да, унинг иймони иймон, ишончи ишончлигича қолди. Шу билан бирга, нажот топишга унинг ишончи комил эди. У айтди:

قَالَ إِنَّ مَعِيَ رَبِّي سَيَهْدِينِي

– „Йўқ, аниқки мен билан бирга Парвардигорим бор. Албатта у мени (нажот) йўлига бошлар“. [26:62]

Ушбу оятдаги «калла» сўзи Фиръавн аскарлари Мусо ҳамроҳларига ҳаргиз ета олмаслигини англатади. Чунки уларни етиб олиши Мусо аниқ ишонган нажотнинг келмаслиги демакдир. Мусо А.нинг иймони шу қадар кучли эдики, у ҳеч қандай нажот чораси йўқ маҳалда, *إِنَّ مَعِيَ رَبِّي* деган ишончда барқарор турди.

وَعَدَ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَعَمِلُوا الصَّالِحَاتِ لَيَسْتَخْلِفَنَّهُمْ فِي الْأَرْضِ كَمَا اسْتَخْلَفَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ وَلَيُمَكِّنَنَّ لَهُمْ دِينَهُمُ الَّذِي ارْتَضَى لَهُمْ وَلَيُبَدِّلَنَّهُمْ مِنْ بَعْدِ خَوْفِهِمْ أَمْنًا يَعْبُدُونَنِي لَا يُشْرِكُونَ بِي شَيْئًا وَمَنْ كَفَرَ بَعْدَ ذَلِكَ فَأُولَئِكَ هُمُ الْفَاسِقُونَ

– „Аллоҳ сизлардан иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотларга худди илгари ўтган (иймон-эътиқодли) зотларни (ер юзига) халифа-ҳукмрон

қилганидекуларни ҳам ер юзида халифа қилишни ва улар учун Ўзи рози бўлган (Ислом) динини ғолиб-мустаҳкам қилишни ҳамда уларнинг (аҳволини Маккада кўрган) хавфу-хатарлардан сўнг (Мадинада) тинчлик-хотиржамликка айлантириб қўйишни ваъда қилди. Улар Менга ибодат қилурлар ва Менга бирон нарсани шерик қилмаслар“.

[24:55]

«Нур» сурасидаги ушбу оятни ўқиган даъватчи Аллоҳнинг ваъдасига, Азиз ва Қудратли Аллоҳ унга халифалик давлатини тиклашга имкон яратишига ишонмоғи лозим, шунингдек у Мусо Адан ибрат олиб, халифалик давлатининг қулай шарт шароитларини кўрмаса-да, албатта, у шубҳасиз барпо бўлажакдир деб ишонмоғи зарур.

Даъватчи «Моид» сурасидаги Ҳақ Таолонинг:

وَمَنْ يَتَوَلَّ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَالَّذِينَ آمَنُوا فَإِنَّ حِزْبَ اللَّهِ هُمُ الْغَالِبُونَ

– „Кимки Аллоҳни, Унинг пайғамбарини ва мўминларни дўст тутса (нажот топгай). Зеро фақат Аллоҳнинг гуруҳигина ғолиб бўлгувчидир“.

[5:56]

деган оятини ўқигач, ғалабанинг шубҳасиз келишига, Аллоҳ ўзининг буйруқларини ижро қиладиган, қайтарикларидан қайтадиган, даъватни ҳақ ва ихлос билан етказадиган ҳизб-гуруҳга албатта шубҳасиз ёрдам беришига ишонади.

Даъватчи «Софф» сурасидаги Аллоҳ Таолонинг:

هُوَ الَّذِي أَرْسَلَ رَسُولَهُ بِالْهُدَىٰ وَدِينِ الْحَقِّ لِيُظْهِرَهُ عَلَى الدِّينِ كُلِّهِ وَلَوْ كَرِهَ الْمُشْرِكُونَ

– „У (Аллоҳ) Ўз пайғамбарини ҳидоят ва ҳақ дин билан - гарчи муширлар истамасалар-да - барча динларга ғолиб қилиш учун юборган Зотдир“.

[61:9]

деган муборак оятларини ўқиса, унинг Ислом дини барча динлар устидан ғолиб бўладиган кун шубҳасиз келади, деган ишончи янада кучаяди. Шунингдек бу бутун оламлар Роббиси берган ваъдаларни қатъий тасдиқ ва аниқ ишонч билан «бу ваъдалар - гарчи амалга оширадиган омиллари кўринмаса-да - шаксиз рўёбга чиқажақдир», деб қабул қилади.

6.

وَهِيَ تَجْرِي بِهِمْ فِي مَوْجٍ كَالْجِبَالِ وَنَادَىٰ نُوحٌ ابْنَهُ وَكَانَ فِي مَعْزِلٍ يَا بُنَيَّ ارْكَبْ مَعَنَا وَلَا تَكُنْ مَعَ الْكَافِرِينَ ﴿٤٧﴾ قَالَ سَأُوِي إِلَىٰ جَبَلٍ يَعْصِمُنِي مِنَ الْمَاءِ قَالَ لَا عَاصِمَ الْيَوْمَ مِنْ أَمْرِ اللَّهِ إِلَّا مَنْ رَحِمَ وَحَالَ بَيْنَهُمَا الْمَوْجُ فَكَانَ مِنَ الْمُغْرَقِينَ ﴿٤٨﴾

– „Кема уларни тоғлардек тўлқинлари орасида олиб кетар экан, Нуҳ бир четда қолган ўғилга нидо қилди: „Эй ўғилчам, биз билан бирга (кемага) мингин, у кофирлар билан бирга қолмагин!“ Ўғил деди: „Мен ўзимни сувдан сақлайдиган бирон тоғнинг устига чиқиб оламан“. Нуҳ айтди: „Бугун Аллоҳнинг амридан сақлагувчи йўқ, магар Ўзи раҳм қилган кишиларнигина

(сақлар)“. (Шу пайт) ўрталарини тўлқин тўсиб қўйди-да (ўғил) гарқ қилинувчилардан бўлди“. [11:42,43]

Даъватчи «Худ» сурасидаги ушбу оятларни ўкиб, тўфон киссаси ҳақида тафаккур қилар экан халқнинг нажоти ва унинг паноҳ топиши Аллоҳнинг амрига таяниш ва Унинг ҳукмларини ижро қилиш билан бўлишига, ҳалокат эса, илоҳий ҳидоятни тарк этиш билан ва чекланган ақлга таяниш оқибатида юз беришига амин бўлади. Агар Нухнинг ўғли ҳам илоҳий ҳидоятга эргашиб, роббисининг амрига итоат қилганда, албатта нажот топган бўлур эди. Лекин у илоҳий ҳидоятдан юз ўгириб, ўзига ишонганлиги ва ақлига таянганлиги сабабли ҳам ҳалок бўлди. Тўфон киссасининг мана бу жиҳати шунга далолат қиладики, агар мусулмонлар кофир давлатларнинг макр-ҳийлаларидан ҳалос бўлишни, улар устидан ғалаба қозонишни хоҳлашар экан, улар конун чиқаришда, жангларга тайёрланишда Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилишлари лозим бўлиб, ақлларига ва илоҳий ҳидоятдан ғафлатда қолган истеъдодларига таяниб олмасликлари зарур. Бу қисса яна шуни англатадики, мусулмонларнинг узоқ тарих мобайнида қўлга киритган ютуқлари илоҳий ҳидоятга эргашиш сабабли бўлса, уларнинг охириги 200 йил ичидаги мағлубиятлари эса, илоҳий ҳидоятни тарк этиш ва чекланган ақллар ишлаб чиққан конунларга ва истеъдодларга эргашиш оқибатида рўй берган.

7- Даъватчи фақат даъват ва унинг манфаатини мақсад-ғоя қилиб олиб, оқибат ва хатарларга парво қилмай, уни (даъватни) қувват, матонат билан, журъат билан етказмоғи вожиб. У билиб қўйсинки, одамлардан кўрқиб, сусткашлик, жони тинч бўлишини ўйлаш уни зафардан, ёрдам берувчи Роббисининг розилигидан узоқлаштиради.

Ҳақ Таоло «Марям» сурасида шундай марҳамат қилади:

يَا حَيُّ خُذِ الْكِتَابَ بِقُوَّةٍ وَآتِنَاهُ الْحُكْمَ صَبْرًا

– „Биз унга): „Эй Яхё китобни яъни (Тавротни) маҳкам ушлагин“, дедик ва унга гўдаклик чоғидаёқ ҳикмат-маъориф ато этдик“. [19:12]
«Худ» сурасида айтади:

قَالُوا يَا هُوْدُ مَا جِئْتَنَا بِبَيِّنَةٍ وَمَا نَحْنُ بِتَارِكِي آلِهَتِنَا عَنْ قَوْلِكَ وَمَا نَحْنُ لَكَ بِمُؤْمِنِينَ ﴿٥٢﴾ إِنْ نَقُولُ إِلَّا اعْتَرَاكَ بَعْضُ آلِهَتِنَا بِسُوءٍ قَالَ إِنِّي أُشْهِدُ اللَّهَ وَاشْهَدُوا أَنِّي بَرِيءٌ مِّمَّا تُشْرِكُونَ ﴿٥٣﴾ مَنْ دُونَهُ فَكَيْدُونِي جَمِيعًا ثُمَّ لَا تُنْظِرُونِي ﴿٥٤﴾

– „Улар дедилар: „Эй Худ сен бизга (ўзингни пайгамбар эканлигингни тасдиқлайдиган) бирон ҳужжат келтирмадинг. Бизлар сенинг қуруқ гапинг билан ўз худоларимизни тарк қилувчи эмасмиз. Бизлар фақат: „Сени худоларимиздан бири бир бало (яъни мажнун) қилиб қўйган“, деймиз холос. Худ айтди: Албатта мен Аллоҳни гувоҳ қиламан, яна ўзларингиз ҳам гувоҳ бўлингларки, мен сизларнинг Аллоҳни қўйиб (унга сохта-ёлгон худоларни) шерик қилишингиздан безорман. Ана энди барчангиз бир бўлиб, ҳеч кечиктирмай менга қариши билган ҳийлангизни қилаверинглар“. [11:53-55]

Аллоҳ Таолонинг Яхё А. учун Тавротни маҳкам ушлаш ҳақидаги буйруғига қаранг. Аллоҳнинг пайғамбари Худ А.нинг журъатига бир бокинг, у ёлғиз бўла туриб ўз қавмига хитоб қилмоқда: „барчангиз бир бўлиб, ҳеч иккиланмай, менга қарши билган ҳийлангизни қилаверинглар“.

Бу нақадар буюк қудрат! Бу қандай мислсиз журъат?!

Мана булар пайғамбар ва Расулларнинг қиссаларидан олинган ибрат ва намуналардир. Истинбот учун яроқли моддадир. Чунки булар юқорида айтиб ўтганимиздек - даъват етказишнинг намунасидир. Ушбу қиссаларнинг ҳар бир бўлагига даъватчига лозим бўлган фойдали ибрат ва намуналар мавжуд. Мусулмон киши борлиқ оятларида тафаккур қилишга амр этилганидек пайғамбар ва Расулларнинг қиссаларида ҳам тафаккур этишга буюрилган. Чунки бу қиссаларда ҳам борлиқ оятлари яъни мўъжизалар мавжуд. Пайғамбар ва Расуллар ўз қавмларини ҳидоятлашга эришиш учун мўъжизалиги кўриниб турган борлиқ оятларини келтирганлар. Масалан, Нух А.нинг тўфон балосидан нажот топиши борлиқ оятидир. Солих А.нинг туяси борлиқ оятидир. Лут А. қавмини хор этиши, Иброҳим А.нинг ўтдан нажот топиши, Мусо А. учун денгизнинг иккига бўлиниши, шунингдек пайғамбарлар келтирган бошқа мўъжизалар борлиқ оятларидир.

Ҳақ Таоло «Анъом» сурасида шундай марҳамат қилади:

يَا مَعْشَرَ الْجِنِّ وَالْإِنسِ أَلَمْ يَأْتِكُمْ رُسُلٌ مِنْكُمْ يَقُصُّونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِي وَيُزِدُّوكُمْ لِقَاءَ يَوْمِكُمْ هَذَا

– „Эй жин ва инс жамоаси, сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сўзлаган ва сизларни мана шу (яъни қиёмат) кунингиздаги учрашувдан қўрқитадиган ҳолларида келмадиларми?“ [6:130]
«Аъроф» сурасида эса бундай дейди:

يَا بَنِي آدَمَ إِنَّمَا يَأْتِيَنَّكُمْ رُسُلٌ مِنْكُمْ يَقُصُّونَ عَلَيْكُمْ آيَاتِي فَمَنْ أَتَقَى وَأَصْلَحَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

– „Эй Одам болалари, ҳар қачон сизларга ўзларингиздан бўлган пайғамбарлар Менинг оятларимни сўзлаган ҳолларида келганларида кимда-ким (ширкдан) сақланиб, ўзини ўнглаб олса, уларга хавф-хатар йўқдир ва улар ғамгин бўлмайдилар“.

[7:35]

Барча пайғамбар ва Расуллар келтирган далиллар борлиқ оятларидир. Мухаммад јдан бошқа бирор пайғамбар мўъжиза сифатида танзилий оятларни келтирмаган. Довуд А.нинг мазмурлари (пластирдаги диний оятлардан бири) Иброҳим ва Мусо саҳифалари, Инжил - гарчи булар танзилий бўлсаларда - бироқ, мўъжиза оятлари бўлмаган, яъни ўзларининг ҳақ пайғамбар эканликларига далил қилиб олишга қавмларини чорлаган мўъжиза бўлмаганлар. Улар фақат аҳком ва эътиқодлар олинниши учун ўрганиладиган шариятлардан ўзга нарсаси эмас эди.

Аммо Қуръон оятларининг икки жиҳати мавжуд бўлиб, биринчиси Холиқнинг борлигига ва Муҳаммад јнинг ҳақ пайғамбар эканлигига далолат қилувчи мўъжизалик жиҳати бўлса, иккинчиси аҳкомлар ва ақидалар олинадиган ташриъий жиҳатдир. Демак, жамики пайғамбар ва Расулларга берилган мўъжиза оятлари борлиқ оятлари бўлган бир пайтда, ёлғиз Расулulloҳ с.а.в.гагина мўъжиза сифатида танзилий оятлар нозил қилинган. Бунинг ҳикмати шуки, барча пайғамбар ва Расуллар муайян муддатга ва ўз қавмига ҳос қилиб юборилган эди. Агар пайғамбарлик муддати тугаса ва ундан сўнг янги пайғамбарлик келса, собиқ пайғамбарнинг мўъжизасига ҳеч қандай эҳтиёж қолмаган. Чунки унинг шариатиға амал қилиш ҳам ўз ниҳоясига етган. Ва ўз навбатида шу шариатни олиб келган пайғамбар мўъжизасига ҳам эҳтиёж қолмайди. Шундай қилиб пайғамбарларнинг мўъжизалари вақтинча бўлиб, пайғамбарлик билан бошланиб, унинг ниҳояға етиши билан тугаган. Бу сарвари олам Расулulloҳ с.а.в.дан ўзга барча пайғамбар ва Расуллар ҳаётидаги узлуксиз қоида эди. Ул зот то қиёматгача нубувват муддати ниҳояланмайдиган танҳо пайғамбардир. Шунинг учун ҳам ул зотнинг мўъжизалари нубувватлари онлиқ абадийдир. Бунинг учун эса, оят яъни мўъжизалар боқий ва танзилий бўлиши лозим. Ўтган барча пайғамбар ва Расулларнинг мўъжизаларида эса, бу сифат кўринмайди. Эндиликда мўъжизаларининг Қуръоннинг танзилий оятларидаги хабаригина қолган. Агар бу ҳам қолмаганда эди, уларнинг мўъжизалари ҳақида тафаккур қилишга бўлган буйруқ ҳам йўқ бўлар эди. Пайғамбар ва Расулларнинг қиссаларига назар солиш аслида, уларнинг борлиқ оятлари бўлган мўъжизаларига қарашдир, лекин улар борлиқ қонунларига тескари бўлган мўъжизалардир.

Шундай экан, борлиқ оятларида фикр қилиб, иймон ва ишончға эришишгани каби пайғамбар ва Расулларнинг мўъжизаларида ҳам тафаккур қилмоқ даркор.

Ҳақ Таоло «Бақара» сурасида шундай марҳамат қилади:

وَقَالَ لَهُمْ نَبِيُّهُمْ إِنَّ آيَةَ مُلْكِهِ أَنْ يَأْتِيَكُمُ التَّابُوتُ فِيهِ سَكِينَةٌ مِّنْ رَبِّكُمْ وَبَقِيَّةٌ مِّمَّا تَرَكَ آلُ مُوسَىٰ وَآلُ هَارُونَ تَحْمِلُهُ الْمَلَائِكَةُ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّكُم إِن كُنتُمْ مُّؤْمِنِينَ

– „Пайғамбарлари уларға айтди: „Унинг подшоҳлигининг аломати - сизларға бир сандиқ келишидирки, унда Парвардигорингиз томонидан хотиржамлик ҳамда Мусо ва Ҳорун оилаларидан қолган мерос мавжуд бўлиб, фаришталар кўтариб турадилар. Агар чиндан иймон эгалари бўлсангиз. Шубҳасиз бу воқеада сизлар учун оят аломат бордир“. [2:248] «Оли Имрон» сурасида Аллоҳ айтади:

وَرَسُولًا إِلَىٰ بَنِي إِسْرَائِيلَ أَنِّي قَدْ جِئْتُكُمْ بِآيَةٍ مِنْ رَبِّكُمْ أَنِّي أَخْلُقُ لَكُمْ مِنَ الطِّينِ كَهَيْئَةِ الطَّيْرِ فَأَنْفُخُ فِيهِ فَيَكُونُ طَيْرًا بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبْرِئُ الْأَكْمَهَ وَالْأَبْرَصَ وَأُحْيِي الْمَوْتَىٰ بِإِذْنِ اللَّهِ وَأُبَشِّرُكُمْ بِمَا تَأْكُلُونَ وَمَا تَدَّجِرُونَ فِي بُيُوتِكُمْ إِنَّ فِي ذَٰلِكَ لَآيَةً لِّكُمْ إِن كُنتُمْ مُؤْمِنِينَ

– „Ва уни (Исони) бани Исроил қавмига пайғамбар қилади. (Исо бани Исроилга дейди:) „Мен (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) сизларга Парвардигорингиздан оят далил келтирдим. Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб унга нүфласам, у Аллоҳнинг изни-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, нес касалларини тузата оламан ва Аллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман. Ҳамда сизлар еган ва уйлариңизда сақлаётган нарсаларингизни айтиб беришга қодирман. Агар мўмин бўлсангизлар, албатта бу ишларда сизлар учун аниқ далиллар бордир“. [3:49]

Лекин бу ерда умумий борлиқ оятлари билан яъни ушбу коинотдаги махлуқотлар билан пайғамбар ва Расулларга хос борлиқ оятлари орасида фарқ мавжуд. Фарқ шундан иборатки, умумий борлиқ оятлари фақат Халлоқи олам Қодири Худонинг мавжудлигига далолат қилувчи аломатлардир. Пайғамбар ва Расулларга хос борлиқ оятлари эса, бир вақтнинг ўзида икки нарсга яъни Қодир Худонинг мавжудлигига ва ушбу оят-мўъжизани келтирган киши қодир Худонинг элчиси эканлигига далолат қилади. Соддароқ айтганда, умумий борлиқ оятлари фақат Ҳақ Таологагина иймон келтиришга яроқли бўлса, хос борлиқ оятлари эса, Қодир Холиққа иймон келтиришга қўшимча, ушбу пайғамбар олиб келган шариат ва динга иймон келтириш учун ҳам ярайди. Хос борлиқ оятларини кузатиш натижасида уларни икки синф эканлигини кўрамиз; биринчиси: пайғамбар ва Расуллар борлиқ қонунларига хилоф бўлган оятларни келтирган бўлиб, бу оятлар - қавмларининг олдида уларнинг нубуввати ва рисолатига далолат қилувчи мўъжиза бўлган. Чунончи, Иброҳим А.нинг қиссаларида келганидек, ўт ўзининг ёндириш хусусиятини йўқотиб, совуқ бўлиб қолиши, Мусо А.нинг қиссаларида келганидек, қуруқ асони судралиб кетаётган илонга айланиб қолиши, Исо А.нинг ўликларни тирилтириши, кўзи ожиз кўрларнинг кўзларини очиши шулар жумласидандир; иккинчиси: бу синфдаги оятларни пайғамбар ўзининг пайғамбар эканлигини исботловчи мўъжиза сифатида келтирмаган бўлиб, балки пайғамбарнинг ўзи мўъжизадир. Масалан, Исонинг отасиз туғилиши ҳам Исо учун, ҳам онаси учун мўъжизадир.

Аллоҳ Таоло «Мўъминун» сурасида шундай марҳамат қилади:

وَجَعَلْنَا ابْنَ مَرْيَمَ وَأُمَّهُ آيَةً وَآوَيْنَاهُمَا إِلَىٰ رَبْوَةٍ ذَاتِ قَرَارٍ وَمَعِينٍ

– „*(Кейин) Марямнинг ўғли (Исони) ва унинг онаси (Марямни Бизнинг қудратимизга далолат қиладиган) оят-аломат қилдик ва иккисини оқар сувли баланд кўркам бир қароргоҳга жойладик*“. [23:50]

Узайрнинг бу дунёда ўлиб, қайта тирилиши мазкур иккинчи синф мўъжизаларига мисолдир. Узайр бани Исроил пайғамбарларидан биридир.

«Бакара» сурасидаги Аллоҳнинг қуйидаги сўзларидан кўзда тутилган пайғамбар ҳам Узайрдир.

أَوْ كَالَّذِي مَرَّ عَلَى قَرْيَةٍ وَهِيَ خَاوِيَةٌ عَلَى عُرُوشِهَا قَالَ أَنَّى يُحْيِي هَذِهِ اللَّهُ بَعْدَ مَوْتِهَا فَأَمَاتَهُ اللَّهُ مِائَةَ عَامٍ ثُمَّ بَعَثَهُ قَالَ كَمْ لَبِثْتَ قَالَ لَبِثْتُ يَوْمًا أَوْ بَعْضَ يَوْمٍ قَالَ بَلْ لَبِثْتَ مِائَةَ عَامٍ فَانْظُرْ إِلَى طَعَامِكَ وَشَرَابِكَ لَمْ يَتَسَنَّهْ وَانْظُرْ إِلَى حِمَارِكَ وَلِنَجْعَلَ آيَةً لِلنَّاسِ وَانْظُرْ إِلَى الْعِظَامِ كَيْفَ نُنشِزُهَا ثُمَّ نَكْسُوها لَحْمًا فَلَمَّا تَبَيَّنَ لَهُ قَالَ أَعْلَمُ أَنَّ اللَّهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ

– „Ёки бир зот (Узайр пайғамбар ҳақидаги масалани билмадингизмики) у зот томлари йиқилиб, хувилаб қолган бир қишлоқдан ўтаркан: „Аллоҳ бу хароб бўлган қишлоқни қандай тирилтирар экан-а?“, деди. Шунда Аллоҳ уни юз йил муддатга ўлдирди. Сўнгра тирилтириб сўради: қанча муддат (ўлик ҳолда) турдинг? „бир кун ё ярим кун“ - деди, у. Аллоҳ деди: „йўқ юз йил турдинг. Таом ва ичимлигинга қара - бузилган эмас. Энди эшагингни (чириб, суяклар ажраб кетганини) кўргин. Бу ҳодисани Аллоҳнинг қудратини кўрсатиши ва сени одамлар учун оят-ибрат қилиши учун (келтирдик)“. [2:259]

Демак Исо ва Узайрнинг ўзлари мўъжизадирлар.

АЛЛОҲНИНГ ДАЪВАТ ЁЮВЧИГА НУСРАТИ

Даъватни ёювчи пайғамбарларнинг ишини давом эттиради. Бироқ пайғамбарларнинг ўзига хос бўлган ишлар бундан мустаснодир. Пайғамбарлар диннинг асоси ва ақидалар хусусида ўрнак ва намунадир, деган эдик. Бу айтганларимиз Аллоҳ Таоло ўзининг пайғамбарлари ва элчиларига нусрат (ёрдам, ғалаба) бериши мавзусига ҳам тааллуқлидир. Зеро, Аллоҳ Таоло пайғамбарлари ва элчиларига нусрат берганидек, даъватни ёювчига ҳам нусрат беради. Аммо Аллоҳ Таолонинг пайғамбарлари ва элчиларига берадиган нусрати қандай бўлади, қачон нусрат беради, буларни билиш учун шу мавзуга алоқадор оятларни кўриб чиқиш лозим бўлади.

Пайғамбар ва элчиларнинг Қуръонда зикр қилинган қиссаларини кўриб чиқилса, Аллоҳ Таолонинг уларга берадиган нусрати уч турли эканлиги маълум бўлади.

1- Пайғамбарнинг ўзига қавми, муҳолифлари ва душманларига қарши бериладиган нусрат.

2- Пайғамбар ёки элчи олиб келган даъват ва мафкурага бериладиган нусрат.

3- Ҳам пайғамбарга, ҳам даъватга бериладиган нусрат.

Аллоҳ Таоло пайғамбарларидан Нух, Худ, Солиҳ, Шуъайб ва Лут (алайҳи-с-салоту ва-с-салом)лар учун қавмларига қарши нусрат берди. Яъни бу пайғамбарларнинг қавмларини ҳар хил азоб ва фалокатлар билан йўқ қилиб юборди. Бу нусрат пайғамбарлар учун қавмларига қарши берилган нусратдир.

Аллоҳ Таоло пайғамбарларидан Юнус ва Мусо А.лар олиб келган мафкура ва даъватнинг ёйилишига нусрат берди. Натижада Юнус А.нинг қавми иймон келтирди. Бану Исроил иймон келтирди. Бу нусрат мафкура ва даъватга берилган нусратдир.

Аллоҳ Таоло пайғамбари Муҳаммад А.га душманлари: қурайш, яҳудийлар, Арабистон ярим ороли ва атрофидаги бошқа арабларга қарши нусрат берди. Шу билан бирга у олиб келган мафкураси, даъвати ва динига ҳам нусрат берди. Натижада араб ва ажаллар Исломи динига иймон келтирди. Бу нусрат пайғамбарга ва у олиб келган даъватга берилган нусратдир.

Демак, Аллоҳ Таоло пайғамбарининг ўзига ёки пайғамбари олиб келган шариатга ёки пайғамбари ва у олиб келган шариатига нусрат беради. Бу масала очиқ-ойдин равшандир. Бу ерда унга далолат қилувчи оятларни келтиришга эҳтиёж йўқ.

Пайғамбар ва элчиларга берилаётган нусратни Аллоҳ Таоло бевосита Ўзи беради ёки уларга ёрдам берадиган одамлар орқали беради. Бу икки ҳолатга ҳам далолат қиладиган оятлар кўп бўлиб, улардан биринчи ҳолатга далолат қилувчи қуйидаги оятларни келтирамиз:

Аллоҳ Таоло «Анбиё» сурасида марҳамат қилади:

وَنُوحًا إِذْ نَادَىٰ مِنْ قَبْلُ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ فَنَجَّيْنَاهُ وَأَهْلَهُ مِنَ الْكَرْبِ الْعَظِيمِ ﴿٧٦﴾ وَنَصْرَانًا
مِنَ الْقَوْمِ الَّذِينَ كَذَّبُوا بِآيَاتِنَا إِنَّهُمْ كَانُوا قَوْمَ سَوْءٍ فَأَغْرَقْنَاهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٧٧﴾

– „Нуҳни (эсланг): Ўшанда - (мазкур пайғамбарларнинг давридан) илгари нидо қилганида Биз унинг (нидосини) мустажоб қилиб, ўзини ва тобеъларни катта ғамдан қутқардик. Ва унга Бизнинг оятларимизни ёлгон деган қавмдан мадад-нажот бердик. Дарҳақиқат улар ёмон қавм эдилар. Бас, Биз уларнинг барчасини гарқ қилиб юбордик“.

[21:76-77]

Аллоҳ Таоло «Анкабут» сурасида Лут А. тилидан марҳамат қилади:

قَالَ رَبِّ انصُرْنِي عَلَى الْقَوْمِ الْمُفْسِدِينَ

– „(Шунда) у айтди: „Парвардигорим, бу бузғунчи қавм устига Ўзинг мени ғолиб қил“.

[29:30]

Аллоҳ Таоло «Юсуф» сурасида айтади:

حَتَّىٰ إِذَا اسْتَيْسَسَ الرُّسُلُ وَظَنُوا أَنَّهُمْ قَدْ كُذِّبُوا جَاءَهُمْ نَصْرُنَا فَنُجِّيَ مِنْ نَشْءٍ وَلَا يُرَدُّ
بَأْسُنَا عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ

– „Ҳар қачон ўша пайғамбаримиз ноумид бўлиб: „Бизлар ёлгончи қилиндик - пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар“, дея ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз-ғалабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. Аммо гуноҳкор қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас“.

[12:110]

Иккинчи ҳолатга далолат қилувчи қуйидаги оятларни келтирамиз:

Аллоҳ Таоло «Анфол» сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ الَّذِينَ آمَنُوا وَهَاجَرُوا وَجَاهَدُوا بِأَمْوَالِهِمْ وَأَنْفُسِهِمْ فِي سَبِيلِ اللَّهِ وَالَّذِينَ آوَا
وَنَصَرُوا أُولَٰئِكَ بَعْضُهُمْ أَوْلِيَاءُ بَعْضٍ وَالَّذِينَ آمَنُوا وَلَمْ يُهَاجِرُوا مَا لَكُمْ مِنْ وَلَايَتِهِمْ مِنْ
شَيْءٍ حَتَّىٰ يُهَاجِرُوا وَإِنِ اسْتَنْصَرُوكُمْ فِي الدِّينِ فَعَلَيْكُمْ النَّصْرُ إِلَّا عَلَىٰ قَوْمٍ بَيْنَكُمْ
وَبَيْنَهُمْ مِيثَاقٌ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ بَصِيرٌ

– „Албатта иймон келтирган, ҳижрат қилган ва молу-жонлари билан Аллоҳ йўлида жиҳод қилган зотлар ва Маккадан ҳижрат қилиб келган муҳожиларга уй-жой бериб, ёрдам қилган зотлар - ана ўшалар, бир-бирларига дўстдирлар. (Яъни тириклари бир-бирига ҳамкор, ўрталарида ўлим бўлса, бир-бирларига меросхўрдирлар). Иймон келтирган, аммо ҳижрат қилмаган (яъни ҳали-ҳануз Маккада яшаб турган) кишилар эса то ҳижрат қилмагунларича сизлар уларга дўстлик қила олмайсизлар (яъни бир-бирларингизга ҳамкор, меросхўр бўла олмайсизлар). Агар улар дин йўлида сизлардан ёрдам сўрасалар, ёрдам қилиш зиммангиздадир. Магар уларга, ўрталарингизда (урушмаслик ҳақида) аҳд-паймон бўлган қавмга зарар етказиш билан ёрдам қилмайсизлар. Аллоҳ қилаётган амалларингизни кўргувчидир“.

[8:72]

Аллоҳ Таоло «Аъроф» сурасида марҳамат қилади:

فَالَّذِينَ آمَنُوا بِهِ وَعَزَّرُوهُ وَنَصَرُوهُ وَاتَّبَعُوا النُّورَ الَّذِي أُنْزِلَ مَعَهُ ۙ أُولَٰئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ

– „Бас, унга иймон келтирган, уни улуғлаб, унга ёрдам қилган ҳамда унинг (келиши) билан нозил қилинган нурга (яъни Қуръонга) эргашган зотлар - ана ўшаларгина нажот тоғувчилардир“.

[7:157]

Аллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасида марҳамат қилади:

وَإِذْ أَخَذَ اللَّهُ مِيثَاقَ النَّبِيِّينَ لَمَا آتَيْتُكُم مِّنْ كِتَابٍ وَحِكْمَةٍ ثُمَّ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مُّصَدِّقٌ لِّمَا مَعَكُمْ لَتُؤْمِنُنَّ بِهِ وَلَتَنْصُرُنَّهُ

– „Эсланг (эй аҳли китоб), Аллоҳ барча пайгамбарлардан: „Мен сизларга қандай Китоб ва Ҳикмат бермайин, кейин сизларнинг пайгамбарлигингизнинг тасдиқ этувчи бир пайгамбар келгач, албатта унга иймон келтирурсиз ва ёрдам берурсиз...“

[3:81]

Аввалги оятларда нусратнинг нисбати Аллоҳ Таолога берилаётган бўлса, кейинги оятларда эса одамларга берилмоқда.

Аллоҳ Таоло пайгамбарлар ва элчиларга нусрат берганидек, уларга иймон келтирган, Аллоҳга итоат қилувчи ва ёрдам берувчиларга ҳам нусрат беради. Яъни пайгамбарларнинг шариатларига иймон келтирган, бу шариатларда келган ҳукмларга қатъий амал қилган, буйруқларга итоат қилиб, ман қилинган нарсаларга яқинлашмаган мўмин бандаларига Аллоҳ Таоло ўз нусратини беради. Яъни Аллоҳ Таоло даъват ёювчига - бу ерда баҳс мавзуси ҳам удир - нусрат беради. (Баҳс мавзуси ҳам шудир).

Аллоҳ Таоло «Ғофир» сурасида марҳамат қилади:

إِنَّا لَنَنْصُرُ رُسُلَنَا وَالَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَيَوْمَ يَقُومُ الْأَشْهَادُ

– „Албатта Биз пайгамбарларимизга ва иймон келтирган зотларга ҳаёти дунёда ҳам, гувоҳлар (ҳозир бўлиб) турадиган Кунда (қиёматда) ҳам ёрдам берурмиз“.

[40:51]

«Муҳаммад» сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ

– „Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга Ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У Зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур“.

[47:7]

Аллоҳ Таоло бу оятда мўминларга берадиган нусрати уларнинг Аллоҳ Таолога берадиган ёрдамларига биноан бўлишини айтмоқда. Яъни дин ҳукмларига қатъий амал қилишлари эвазига бўлишини айтмоқда. Дин ҳукмларини маҳкам ушлаш даъват ёювчининг вазифасидир. Зеро, у қатъий амал қилиш ва итоат хусусида барчага ўрнақдир.

Юқорида айтилганлардан шундай хулосага келамиз:

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло пайгамбар ва элчилар - Нух, Худ, Солиҳ, Шуъайб ва Лут А.ларга ўзи нусрат бергани каби ёки пайгамбаримиз Муҳаммад А.га, одамлар орқали нусрат бергани каби нусрат беради. Шунинг учун улар

ансорлар - ёрдам берувчилар, деб номланишди. Шунингдек, Аллоҳ Таолонинг нусрати - Нух, Худ, Солиҳ, Шуъайб ва Лут Аларга бўлганидек - пайғамбарларнинг ўзларига бўлади ёки Мусо ва Исо Аларда бўлганидек уларнинг шариатларига нусрат беради. Пайғамбаримизда бўлганидек пайғамбарнинг ҳам ўзига ҳам шариатига ҳам нусрат бўлади. Аллоҳ Таоло пайғамбарлари ва элчиларига - уларнинг кўпчилигига бўлганидек - ҳаётлик пайтларида нусрат беради ёки Исо А.га бўлганидек, вафотларидан сўнг нусрат беради. Зеро, Аллоҳ Таоло Исо А.ни ўз хузурига чорлаганидан сўнг унинг шариати ғолиб бўлди. Аллоҳ Таоло даъват ёювчиларга ҳам шундай нусратлар беради. Унинг ўзи уларга бевосита ёки бошқалар орқали нусрат беради. Уларнинг ўзига ҳаётлик пайтларида ёки вафотларидан сўнг даъватларига нусрат беради ва ҳоказо. Бироқ даъват ёювчиларга бериладиган нусратни маълум бир ҳолатда бўлади - деб чеклаб, бошқа ҳолатни инкор этиш мутлақо мумкин эмас. Зеро, уларга бериладиган нусратни бундай чеклаб қўйиш асоссиздир, яъни у шаръий асосга эмас, ақлий асосга суянишдир. Даъват ёювчи бу хусусда шаръий ҳукмларга ҳилоф иш тутмаслиги ҳамда нафс-хоҳишига эргашиб муайян бир ҳолатни танлаб бошқаларини инкор этмаслиги лозим. Даъват ёювчи шуни яхши билиб олсинки, нусрат Аллоҳ Таолони хузуридан келади. Агар мўминлар нафс-хоҳишига, ақлга таянмасдан Аллоҳга итоат қилиш, шаръий ҳукмларни маҳкам ушлаш, фақат шаръий ҳукмларнинг ўзига боғланиш билан Аллоҳга ёрдам берсалар Аллоҳ ҳам уларга нусрат-ёрдам беради.

Нусрат ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, ёлғиз Унинг хузуридан келади, бу хусусда Аллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасида шундай дейди:

وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشْرَىٰ لَكُمْ وَلِتَطْمَئِنَّ قُلُوبُكُم بِهِ وَمَا النَّصْرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ الْعَزِيزِ الْحَكِيمِ

– „Бу (мададни) Аллоҳ фақат сизларга хушхабар бўлсин, деб ва дилларингиз таскин топиши учун қилди. Аслида ғалаба фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ хузуридан келур“.

[3:126]

«Бақара» сурасида марҳамат қилади:

حَتَّىٰ يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَتَىٰ نَصْرُ اللَّهِ أَلَا إِن نَّصْرُ اللَّهِ قَرِيبٌ

– „...Ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: „Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?“ дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: „Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир“.

[2:214]

«Наср» сурасида марҳамат қилади:

إِذَا جَاءَ نَصْرُ اللَّهِ وَالْفَتْحُ

– „(Эй Муҳаммад), қачон Аллоҳнинг ёрдами ва ғалаба келса;“

[110:1]

Шунингдек нусрат фақат Аллоҳнинг буйруғи билан келади. Бу хусусда Аллоҳ Таоло «Мулк» сурасида шундай дейди:

أَمَّنْ هَذَا الَّذِي هُوَ جُنْدٌ لَّكُمْ يَنْصُرُكُم مِّنْ دُونِ الرَّحْمَٰنِ إِنَّ الْكَافِرِينَ لَا فِي عُرْوَةٍ

– „(Эй мушириклар), Раҳмондан ўзга сизларга ёрдам берадиган, сизлар учун қўшин-ёрдамчи бўлган ўша Зот ким ўзи?! (Аллоҳдан ўзга бирон мададкор йўқдир). Кофирлар эса фақат гурур-алданишдадир“.

[67:20]

«Кахф» сурасида марҳамат қилади:

وَلَمْ تَكُنْ لَهُ فِئَةٌ يَنْصُرُونَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَا كَانَ مُنتَصِرًا

– „Шунингдек, унинг учун Аллоҳдан ўзга на бир ёрдам берадиган жамоат бўлди ва на ўзи (ўзига) ёрдам бера олгучи бўлди“.

[18:43]

«Қасос» сурасида шундай марҳамат қилади:

فَخَسَفْنَا بِهِ وَبِدَارِهِ الْأَرْضَ فَمَا كَانَ لَهُ مِنْ فِئَةٍ يَنْصُرُونَهُ مِنْ دُونِ اللَّهِ وَمَا كَانَ مِنَ الْمُتَنَصِّرِينَ

– „Бас, Биз (Қорунни) ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам (ерга) ютдирдик. Сўнг, унинг учун Аллоҳдан ёрдам берадиган ўзга бирон жамоат бўлмади. Ва унинг ўзи ҳам голиблардан бўлмади“.

[28:81]

«Бақара» сурасида шундай дейди:

أَلَمْ تَعْلَمْ أَنَّ اللَّهَ لَهُ مُلْكُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ وَلِيٍّ وَلَا نَصِيرٍ

– „Еру осмонлар ёлғиз Аллоҳнинг мулки эканини ва сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст ё ёрдам бергучи йўқ эканини билмадингизми?“

[2:107]

Демак нусрат фақат Аллоҳнинг қўлида ва у фақат Аллоҳнинг буйруғи билан келар экан, бундан шундай савол туғилади: Мусулмонлар бу нусратни албатта юзага келтирадиган сабабларга эгами ёки фақат унинг шартларига эга холосми? Бошқача қилиб айтсак: Мусулмонлар бу нусратнинг сабабларини рўёбга чиқариш орқали нусратни хоҳлаган вақтларида, хоҳлаган кайфиятда ҳосил қила оладиларми ёки иш бундан бошқачами? Мусулмонлар қанчалик ҳаракат қилишмасин, нусратнинг қачон келишини ҳам, қандай кайфиятда бўлишини ҳам белгилай олмайдилар. Балки улар фақат ўзларига вожиб бўлган шартларни амалга ошира оладилар холос. Шундай қилсалар Аллоҳ Таоло ўзи хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган кайфиятда уларга ўз нусратини бериш билан уларни улуғлайди.

Аллоҳ Таолонинг нусрат ҳақидаги оятларини диққат билан қаралса, нусрат ҳам ризқ каби қазо масалалари қаторига кириши, у ҳам ризқ каби ёлғиз Аллоҳнинг қўлида экани ҳамда қазо фақат Аллоҳнинг қўлида экани - пайғамбар ва элчи бўлсалар ҳам - одамларнинг қўлида эмаслиги маълум бўлади. Демак ризқ - қазо, умр - қазо, ёмғир ёғиши - қазо бўлганидек нусрат ҳам қазодир. Қазо эса махлуқотлардан бирортасининг қўлида эмас, балки ёлғиз Аллоҳнинг қўлидадир. Инсон ўз ризқини қачон келишини, қанча миқдорда бўлишини, ўз умрининг узун ёки қисқа бўлишини белгилай олмаганидек ёки ёмғирни ҳам ўзи хоҳлаган вақтда ва хоҳлаган миқдорда ёғдира олмаганидек - ҳеч ким ўзи хоҳлаган вақтда ва ўзи хоҳлаганидек нусрат вужудга келтира олмайди. Балки буларнинг барчаси қазодир. Нусрат ҳам Аллоҳ Таолонинг ҳукми билан вужудга келадиган қазолар жумласидан бўлгани туфайли ҳеч ким нусратни вужудга келтирадиган сабабларга эга

эмас. Агар нусратни вужудга келтирадиган сабаблар инсон қўлида бўлганда эди, аввало пайғамбар ва элчилар шу сабабларга эга бўлган ва муҳтож бўлиб қолган вақтларида нусрат келтирган бўлар эдилар. Модомики пайғамбар ва элчилар нусратнинг сабабларига эга эмас эканлар, улардан бошқа мўминлар қатъан нусратнинг сабабларига эга эмаслар.

Аллоҳ Таоло «Қамар» сурасида марҳамат қилади:

فَدَعَا رَبَّهُ أَنِّي مَغْلُوبٌ فَانْتَصِرْ

– „Шунда у Парвардигорига: „Мен (у кофир қавмидан) мағлубдирман. Ўзинг ёрдам қилгин“, деб дуо-илтижо қилган эди“. [54:10]

Агар нусрат Аллоҳнинг пайғамбари Нух А.нинг қўлида бўлиб, хоҳлаган вақтида амалга ошира оладиган бўлганда эди, мазкур сўзларни айтмаган бўлар эди.

Аллоҳ Таоло «Бақара» сурасида айтади:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُدْخِلُوا الْحَنَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسَّتْهُمُ الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَاءُ وَزُلْزِلُوا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصْرُ اللَّهِ أَلَا إِنَّ نَصْرَ اللَّهِ قَرِيبٌ

– „Ёки (эй мўминлар), сизлардан илгариги ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки, ҳатто пайғамбар ва иймонли кишилар: „Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?“ дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: „Огоҳ бўлингизким, Аллоҳнинг ёрдами яқиндир“. [2:214]

Агар нусрат Расулulloҳ с.а.в.нинг ва саҳобаларнинг имкониятларида бўлганда куйидаги сўзларни айтмаган бўлар эди.

Аллоҳ Таоло «Юсуф» сурасида марҳамат қилади:

حَتَّى إِذَا اسْتَيْسَسَ الرُّسُلُ وَظَنُوا أَنَّهُمْ قَدْ كُذِّبُوا جَاءَهُمْ نَصْرُنَا فَنُجِّيَ مَنْ نَشَاءُ وَلَا يُرَدُّ بَأْسُنَا عَنِ الْقَوْمِ الْمُجْرِمِينَ

– „Ҳар қачон ўша пайғамбарларимиз ноумид бўлиб: „Бизлар ёлгончи қилиндик - пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар“, деб ўйлай бошлаганларида, уларга Бизнинг мададимиз-ғалабамиз келиб, Биз хоҳлаган кишиларга нажот берилар эди. (Аммо) жиноятчи бўлган қавмдан бизнинг азобимиз қайтарилмас!“ [12:110]

Агар нусратни юзага келтириш пайғамбарларнинг қўлида бўлганида, улар асло ноумид бўлишмас ва бирор иш қила олмасдан „Бизларнинг пайғамбар эканлигимизга ишонмадилар“, деган ҳаёлга бормас эдилар. Зеро, ёлгончига чиқарилиб, ноумид бўлган киши нусратни юзага келтира олмайди. Шунинг учун оятда - „Уларга Бизнинг мададимиз (нусратимиз) келди“, деган сўзлар мавжуд. Кимда ким нусрат сабабларига эгаман, деб даъво қилса, бу

даъвосига шаръий ҳужжат ёки борлиқда мавжуд бўлган бирор (аклий) далил келтирсин.

Аллоҳ Таоло «Мухаммад» сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ

– „Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У Зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур“. [47:7]

Бу оят «нусратнинг сабабларига эга бўлиш» даъвосига далил бўлмайди. Расулulloҳ с.а.в. нусратни вужудга келтириш сабабларига эга бўлганда эди, Уҳуд ғазотида яъни, нусратга жуда ҳам муҳтож бўлиб турган пайтларида ва Ҳандақ ғазотида, яъни Расулulloҳ ва саҳобалар қамалда қолиб, қаттиқ ларзага тушган ва Аллоҳ Таоло ҳақида турли гумонлар қила бошлаган ҳолатларида нусратни вужудга келтирган бўлар эдилар.

Аллоҳ Таоло «Аҳзоб» сурасида марҳамат қилади:

إِذْ حَاوَوْكُمْ مِنْ فَوْقِكُمْ وَمِنْ أَسْفَلَ مِنْكُمْ وَإِذْ زَاغَتِ الْأَبْصَارُ وَبَلَغَتِ الْقُلُوبُ الْحَنَاجِرَ وَتَظُنُّونَ بِاللَّهِ الظُّنُونُ ﴿١﴾ هُنَالِكَ ابْتُلِيَ الْمُؤْمِنُونَ وَزُلْزِلُوا زِلْزَالًا شَدِيدًا ﴿٢﴾

– „Ўшанда улар сизларнинг юқори томонингиздан ҳам, сизлардан қуйроқ томондан ҳам (бостириб) келган эдилар. Ўшанда кўзлар тиниб, юраклар бўғизларига тиқилиб қолган ва сизлар Аллоҳ ҳақида (турли) гумонлар қила бошлаган эдинглар. Ана ўша жойда мўминлар (яна бир бор) имтиҳон қилиндилар ва (бу даҳшатдан) қаттиқларзага тушдилар“. [33:10,11]

Агар Аллоҳ Таоло мусулмонларга қарши турган гуруҳлар устига шамол юбориб, уларнинг қалбларига кўрқинч солгач, улар ҳеч нарсага қарамасдан ортларига қочиб кетмаганларида мусулмонлар ҳеч нарса қила олмас эдилар. Демак, нусрат қазо жумласидан бўлиб, у ҳам ризқ, умр, ёмғир ёғиши каби ёлғиз Аллоҳнинг қўлидадир. Аллоҳ Таоло нусратни мўминларга пала-партиш сувратда бермайди. Бундай қилиш Аллоҳ Таолога муносиб эмасдир. Балки мўминларга Аллоҳнинг нусрати келиши учун улар битта шартни адо қилишлари - Аллоҳга ёрдам беришлари лозим. Яъни улар Аллоҳнинг динидаги ҳукмларга қатъий амал қилишлари ҳамда барча ишларда фақат Аллоҳга итоат қилишлари лозим. Агар мусулмонлар Аллоҳ уларга шарт қилган ушбу шартни бажарсалар, Аллоҳ уларга ўз нусратини беради. Акс ҳолда уларни умуман ёрдамсиз ташлаб қўяди ва уларга нусрат юбормайди. Оқибатда улар на ўз қўллари билан ва на бошқаларнинг ёрдами билан нусратга эриша оладилар.

Аллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасида марҳамат қилади:

إِن يَنْصُرْكُمْ اللَّهُ فَلَا غَالِبَ لَكُمْ وَإِن يَخْذَلْكُمْ فَمَنْ ذَا الَّذِي يَنْصُرْكُمْ مِنْ بَعْدِهِ وَعَلَى اللَّهِ فَلْيَتَوَكَّلِ الْمُؤْمِنُونَ

– „Агар сизларга Аллоҳ ёр бўлса, ҳеч ким сизлардан ғолиб бўлмас. Ва агар сизларни ёрдамсиз қўйса, Ундан ўзга ҳеч бир Зот ёрдамчи бўлмас. Иймон келтирган зотлар Аллоҳнинг ўзигагина суянсинлар“.

[3:160]

Демак мусулмонлар ўзларига Аллоҳ Таолонинг нусрати келиши учун шу нусратни келиши учун лозим бўлган шартни бажаришлари вожиб. Агар шарт бажарилса, Аллоҳ Таолонинг нусрат бериш ҳақидаги ваъдаси ҳам амалга ошади. Шарт бажарилмаса, Аллоҳ Таоло уларга ўз нусратини бермайди.

Аллоҳ Таолонинг «Муҳаммад» сурасида келган ушбу оятни мана шундай тушунмоқ лозим:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِن تَنْصُرُوا اللَّهَ يَنْصُرْكُمْ وَيُثَبِّتْ أَقْدَامَكُمْ

– „Эй мўминлар, агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар (яъни Унинг йўлида жиҳод қилсангизлар), У Зот ҳам сизларга ёрдам берур ва жанг майдонида қадамларингизни собит-барқарор қилур“.

[47:7]

Бу оятдан кўриниб турибдики, Аллоҳ Таоло бизга ёрдам бериши учун биз Унга ёрдам беришимизни шарт қилмоқда. Бинобарин, агар биз Унга ёрдам берсак, У ҳам бизга ёрдам (нусрат) беради. Агар ёрдам бермасак, бизга ҳам ёрдам бермайди. Зеро, оятдаги «ин» (агар) сўзи шарт майлини билдиради. Шунга кўра оятдаги „Агар сизлар Аллоҳга ёрдам берсангизлар“, сўзлари «Аллоҳ Таолога ёрдам бериш сизларга шарт қилинди», деган маънони англатади. Оятни маъноси мана шу. Унга - у кўтармайдиган - бошқа маънолар бериш тўғри эмас.

Айтиб ўтганимиздек, бизнинг Аллоҳ Таолога ёрдам беришимиз Унинг амри-наҳйларига қатъий амал қилишимизни, Унга итоат қилишни ва бу итоатда бор имкониятларимизни сарфлашимизни англатади. Демак, агар биз Аллоҳнинг барча буйруқларини бажарсак, бизга ёрдам беради. Агар буйруқларидан бирортасини бажаришда бепарволикка йўл қўйсак, бизга ёрдам бермайди. Шунга кўра нусратдан илгариги тўла амалга оширилиш лозим бўлган барча омиллар нусратнинг шартларидир, нусратга олиб борадиган сабаблар эмас.

Демак, даъватни ёювчилар агар ўзларига Аллоҳ Таолонинг ҳузуридан нусрат келишини хоҳласалар, нусратнинг келиши учун лозим бўлган шартларни бажарсинлар, бирортасини бажаришда бепарволик қилмасинлар, акс ҳолда нусрат келмайди. Демак нусрат келишини хоҳласак, унинг муайян шартлари мавжуд бўлиб, уларни бажаришимиз лозим. Бу шартлар Исломи ақидаси ва ҳукмларига қатъий амал қилиш ва Аллоҳ рози бўладиган ишларни қилиш, яъни Аллоҳга ёрдам бериш билан тўла бажарилади. Шундан сўнг ёки шу ишлар мобайнида курашга ҳақиқий тайёрланиш, даъват ёювчилар даъват ёйишда имкони борича ҳамда тўғри ҳаракат қилиш навбати келади. Исломи қўшин шаръий бурчларни бажариш билан бир қаторда, ҳарбий талабларни ҳам имкони борича ва тўғри шаклда бажариши лозим. Шунингдек, даъват ёювчи ўз ишини холис Аллоҳ учун қилиши ва шаръий буйруқ ва қайтарикларга қатъий амал қилишнинг ўзи етарли эмас, балки у даъватни Расулulloҳ с.а.в. ёйганларидек тўғри шаклда ёйиши лозим бўлади. Демак,

ибодатнинг ўзи етарли эмас, ишни холис Аллоҳ учун қилишнинг балки ҳаромдан четлашишнинг ўзи етарли эмас, буларнинг ёнида ишни энг яхши сувратда қилиш ва мақсадга олиб борадиган восита ва услубларни қўллаш керак бўлади. Зеро, булар - агар Аллоҳ бизга нусрат беришини хоҳласак - тўла бажарилиши лозим бўлган шартлардир. Халифани тиклашга ҳаракат қиламизми ёки жангга қирамизми, Аллоҳ бу ишларимизга нусрат беришини хоҳласак мазкур шартларни тўла бажаришимиз лозим.

Даъватни ёювчилар шуни яхши билиб олсинларки, «Нусрат - қазо, унинг маълум шартлари мавжуд, у сабаблар оқибатида келмайди», деб билиш даъват ёювчининг ғайратига ғайрат, ҳимматига янада ҳиммат қўшади, фарзларни бажаришга, ҳаромлардан сақланишга ундайди. Зеро, Аллоҳнинг нусрати бизнинг қўлимизда эмас, балки у ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, Аллоҳ уни барча шартларни тўла бажарган бандаларига беришини билишимиз нусрат келмаслигига сабаб бўладиган бепарволикдан жуда ҳам эҳтиёт бўлишимизга ундайди. Бу бепарволик итоат қилиш хусусида ва ибодатларни адо қилишда бўладими ёки мақсадга олиб борадиган йўллар, восита ва услубларни қўллашда бўладими, буларнинг барчаси бепарволик бўлиб, нусрат шартларнинг бажарилмай қолишига сабаб бўлади.

Ибодат ва итоатдаги бепарволикка мисол сифатида Аллоҳ Таолонинг «Тавба» сурасидаги ушбу сўзларини келтирамиз:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ اللَّهُ فِي مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كُنُوزُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنْكُمْ شَيْئًا وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ الْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم مُّدْبِرِينَ

– „Аллоҳ сизларни кўп ўринларда қўлиб қилди. Хўнайн (Макка билан Тоиф ўртасидаги бир водий) кунини (эсланглар)! Ўшанда сизларнинг кўп эканлигингиз мағрур қилиб қўйган эди, аммо у (яъни, саногингизнинг кўплиги) сизларни ҳеч нарсадан беҳожат қила олмади (қутқариб олмади) ва сизларга кенг ер торлик қилиб қолди, сўнг юз ўғирган ҳолингизда чекиндингиз!“ [9:25] Демак, душмандан сон жиҳатидан кўп бўлиш ғалабани келтиради, деган гумонда ўзларининг кўплигига ғурурланиш шариятга ҳилоф ва ҳамда гуноҳ иш бўлиб, итоат ва ибодатга ҳамда нусрат ёлғиз Аллоҳнинг қўлида, уни садоқат билан ёрдам берган бандаларига беради, деган тушунчаларга зиддир. Бундай ҳилофлик ва бундай гуноҳ баъзи даъват ёювчилар нусрат Аллоҳнинг қўлидадир, уни Ўзига суянган ва Ўзидан умид қилган бандаларига беришини эътиборга олмасдан, қўлларидаги тўғри программа, пухта тартиб-интизом ва энг тўғри фикрларнинг ўзи бизни ҳокимиятни қўлга олишимизга олиб боради, деб ўйлашларига ўхшаб кетади. Даъват ёювчилардан кимда-ким «Биз нусратнинг сабабларига эга бўлдик, биз нусратни ўз қўлимиз билан амалга оширамиз», деса у шариятга ҳилоф ва гуноҳ иш қилган бўлади. Расулulloҳ с.а.в.нинг саҳобалари сон жиҳатидан душмандан устинликларига мағрурланиб, бу нусрат - ғалабани қўлга киритиш учун кифоя, деб ўйлаганларида нусрат уларга келмагани каби, бундай тушунчадаги даъват ёювчилар ҳам нусратга нолайиқ бўладилар. Иккинчи ҳолатга - яъни мақсадга кетказадиган тўғри йўллар, восита ва услубларнинг қўллашдаги

бепарволикка мисол сифатида Аллоҳ Таолонинг «Оли Имрон» сурасидаги ушбу сўзларини келтирамиз:

وَلَقَدْ صَدَقَكُمُ اللَّهُ وَعْدَهُ إِذْ تَحُسُّونَهُمْ بِإِذْنِهِ حَتَّى إِذَا فَشِلْتُمْ وَتَنَازَعْتُمْ فِي الْأَمْرِ وَعَصَيْتُمْ مِنْ بَعْدِ مَا أَرَاكُمْ مَا تُحِبُّونَ مِنْكُمْ مَنْ يُرِيدُ الدُّنْيَا وَمِنْكُمْ مَنْ يُرِيدُ الْآخِرَةَ ثُمَّ صَرَفَكُمْ عَنْهُمْ لِيَبْتَلِيَكُمْ وَلَقَدْ عَفَا عَنْكُمْ وَاللَّهُ ذُو فَضْلٍ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ

– „Аллоҳ ўз ваъдасининг устидан чиқди - сизлар Унинг изни билан кофирларнинг қира бошладингиз. То сусткашлик қилиб, (пайгамбар алайҳи-с-саломнинг) амру фармонлари борасида талашиб-тортишган ва Аллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани (яъни ғалабани) кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин пайгамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача (бу устунликларингиз давом этди). Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охираг истаган кишилар ҳам бор эди. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун уларнинг (устидан ғалаба қилиш ўрнига мағлубият томонга) буриб юборди. Энди гуноҳларингизни авф қилди. Аллоҳ иймон эгаларига фазлу марҳамат соҳиби бўлган Зотдир“. [3:152] Ухуд ғазотида айрим камончиларнинг тоғнинг тепасида туриш ва нима бўлган тақдирда ҳам у ердан тушмаслик ҳақидаги Расулulloҳ с.а.в.нинг буйруқларига ҳилоф қилиб, ўлжаларни тўплаш учун тушишлари мақсадга олиб борадиган восита ва услубларни қўллашдаги бепарволик ва гуноҳдир, айни шу бепарволик мусулмонлардан нусратни тўсиб қўйди. Нусратни тўсиб қўйган ушбу бепарволик - айрим даъват ёювчилар масъулларнинг буйруқлари, талаб қилинаётган ишларини бажаришдаги бепарволикларига ўхшаб кетади, чунончи ишларни тартибга солиш, етказилаётган фикр, раъй ва аҳкомларни қабул қилишига ёрдам берадиган услуб, воситаларни қўллаш. Одамларга даъватни етказиш мақсадида талаб қилинаётган бундай буйруқ, кўрсатма ва вазифаларни ижро қилмаслик баъзи камончилар тарафидан Ухуд ғазотида содир этилган ва ғалабани тўсган иш кабидир, деб эътибор қилинади.

Аллоҳ Таоло бизларни ўз нусрати билан улуғлаши ҳамда бизга ўз нусратини тезроқ бериши учун нусрат шартларни тўла бажаришимиз зарурдир. Улардан ибодат ва итоатларга алоқадорларини ҳам, масъуллар бераётган вазифа, кўрсатма ва буйруқларга алоқадор бўлганларини ҳам тўла бажаришимиз зарур. Булардан бирининг аҳамияти иккинчисиникидан кам эмас. Аллоҳ Таоло бизларга нусрат бериши учун биз Унга ёрдам беришимиз лозим. Бизнинг Аллоҳга ёрдамимиз ушбу икки ишни биргаликда амалга ошириш билан бўлади.

ҲАҚИҚАТНИ УШЛАГАН ГУРУҲ

Асримизнинг 50-йиллари бошларида яъни Усманий Халифалик ағдарилганидан роппа-роса 30 йил кейин шайх Тақийуддин Набахоний ҳазратлари исломий ҳаётни қайта бошлаш ва халифаликни қайта тиклаш учун муҳим ишга бел боғладилар. Шом диёридаги Байтил Мақдис шаҳрида бир ҳизб ташкил қилиб, унга «Ҳизб ут-Тахир» деб ном бердилар.

Бу ҳизб Ислом мабдаъси асосига қурилган бўлиб, Ислом ақидасига ва шу ақидадан келиб чиққан фикрларга таянади, соғлом ижтиҳод билан ишлаб чиқилган шаръий ҳукмларни табанний қилади, (танлаб олади) ва Ислом Давлатини барпо қилишда Расулulloҳ с.а.в.нинг тариқатига эргашади. Шунинг учун бу ҳизб халифаликни қайта тиклаш учун олиб бораётган ишларида Расулulloҳ с.а.в.нинг йўлларини ўзининг тариқати сифатида табанний қилган. Шу кунгача бўлган исломий ҳаракатлар тепасида турганларнинг бирортаси бундай ҳаракатни билмаган ва бу йўсинда ҳаракат қилмаган.

Ҳизб ўзининг биринчи босқичида ўзи билан бирга даъватни олиб чиқишга рози бўлган бир гуруҳ инсонларга маърифат бериш билан машғул бўлди. Улар исломий маърифатда етилиб, уларнинг фикрлашларида, ҳамда хатти-ҳаракатларида ислом намоён бўлгач, ҳизб уларни одамаларга даъват етказишга ундади. Натижада улар жамиятда фикрий ва сиёсий курашга киришиб, ундаги бузуқ фикрларга, хато раъйларга қарши ҳужум бошладилар, соғлом исломий фикрларни ва тўғри сиёсий раъйларни тарқатишга киришдилар. Шунда ҳокимлар бу ҳизбга қарши қаттиқ душманлик қилиб, ҳизб йигитларини ҳибсга олдилар, қийноққа солдилар, уларга тазйиқ ўтказиб, тирикчилик йўлларини беркитдилар. Ўз тинчини ўйлаб, ҳизб билан бирга даъват ишларини олиб боришни ташлаган айрим кишилардан ташқари иймони кучли, ҳолис, мўмин йигитларнинг барчаси бу курашда сабот ва матонат билан олға бордилар. Улар ҳокимларнинг қаршилигига ҳеч қандай ёрдам ва қўмакчисиз сабр қилдилар, асло заифлашмадилар, аксинча даъватни кучлироқ олиб чиқишда, ҳокимлар ва уларнинг гумашталари билан курашда давом этдилар. Уларнинг олиб бораётган сиёсатларини, режаларини ва ислому мусулмонларга қилган найрангларини очиб ташладилар. Улар одамлар орасида соғлом фикрларни ёйишда, исломга тесқари бўлган бузуқ фикрларига ҳужум қилишда, жамиятда одамлар орасида ҳукм сураётган исломга зид алоқа ва муносабатларга зарба беришда ва ҳизбни жамиятнинг фикри ва ҳиссига назоратчи раҳбар қилишда илдам сурат билан ҳаракат қилдилар. Натижада ҳукмрон фикрлардан лаззатланиб, эскиликларга ёпишиб олган кимсалар ҳизбга қарши чиқдилар, жамиятнинг аҳволини ўзгартиришни инкор қилдилар, улар Ислом Давлатини барпо қилиш учун Расулulloҳ с.а.в.нинг тариқатидан бориш вожиблигидан кўрқдилар, ҳукмга зўравонлик ёки моддий куч ишлатмасдан фикр йўли билан етишликда ҳизбга қарши чиқдилар. Ҳокимларга қарши ҳужум қилиш, уларнинг сиёсат ва режаларини очиб ташлашда ҳамда уларга лаганбардорлик қилмаслик ва

ялтокланмасликда - ўзларича булар зарар келтиради деб - ҳизбга қарши турдилар. Лекин ҳизб кураш майдонида уни ёрдамсиз қўйган кимсаларга эътибор қилмагани каби, бу қаршиликларга ҳам парво қилмади. У ўз мафкурасини маҳкам тутган ва ўз тариқатига эргашган ҳолда ва албатта ғалаба ҳақнинг устида собит туриш ва Аллоҳнинг амрини зоҳир қилиш билан биргадир, деган эътиқодда ўз йўлида давом этди. Ҳизб ҳақ устида сабот билан турувчи, динни зоҳир қилувчи, ўзини ва ўз фикрларини эълон қилувчи, Аллоҳнинг амрини бажарувчи ва жамиятнинг фикри ва ҳиссига назоратчи бўлиб келмоқда ва Аллоҳ хоҳаса келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Ҳокимларнинг қаршилиги, уларнинг ҳизб йигитларига қилган тазйиқлари, тириклик йўлларини тўсиб қўйишлари ҳизбни шу йўлда давомли ҳаракат қилишига асло тўсиқ бўла олмайди. Шунингдек ёрдамсиз қўювчиларнинг ёрдам бермаслиги, қарши чикувчиларнинг қаршилиги ва тўсиқлар - токи Аллоҳ бу ҳизбни ва барча мусулмонларни ўзининг азиз ёрдами ва хулофаи рошидани барпо қилиш билан икром қилмагунига қадар - ҳизбни ўз йўлидан асло қайтара олмайдилар.

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг пайдо бўлиши, мафкураси, тариқати, ғояси ва ҳаракат мобайнида дучор бўладиган тўсиқлар шулардан иборатдир.

Термизий ҳасан санад билан Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилади: айтадики, «Бир куни Расулulloҳ с.а.в. биз билан кундаги аср намозини ўқидилар. Сўнг хутба ўқиб, қиёматгача нимаики бўладиган бўлса, барчаси ҳақида бизга хабар қилдилар. Уни ёдлаган ёдлаб олди, унутган унутди...». Ҳузайфадан: у айтади: «Расулulloҳ орамизда тик туриб хутба қилдилар ва шу тик туришларида қиёматга қадар нимаики бўладиган бўлса, барчасини гапирдилар. Ёдлаган ёдлаб олди, унутган унутди. Дарҳақиқат Расулulloҳнинг асхоблари у нарсаларни билиб олдилар». Абу Довуд ва ибн Ҳаббон ривояти.

Шу ўринда савол туғилади - ўз умматига қаттиқ эътибор билан насихат қилувчи Расулulloҳ с.а.в. ўша хутбасида мана бу ҳизбга ҳам ишора қилдиларми? Расулulloҳ с.а.в. унинг исмини ёки сифатини тилга олдиларми?

Биз Пайғамбар А.нинг ҳадиси шарифларини мутолаа қилар эканмиз «Ҳизб ут-Таҳрир» исми очиқ зикр қилинганини топа олмадик. Бироқ, бир неча ҳадисларни учратдикки, улар бир тоифанинг сифатларини келтиради. Биз бу тоифани «Ҳизб ут-Таҳрир» деб ҳисоблаймиз ва шундай бўлишини умид қиламиз. Чунки сифатлар ҳизбга бутунлай тўғри келяпти ва уларни ундан бошқа бирор ҳизб ёки тоифада кўрмадик. Рўбарў бўлинаётган тўсиқлар, ёрдамсиз қўйишлар, қаршиликлар, булардан таъсирланмаслик, Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таолонинг буйруқ ва қайтарувларидан четга чиқмаслик, ҳақни маҳкам ушлаш, динни туттиш, фаолият майдонини белгилаш, яқинда нусрат келиб, замон охирларида душманларга жиҳод қиладиган давлат барпо қилиш - бу сифатларнинг барчаси «Ҳизб ут-Таҳрир»га далолат қиляпти деб умид қиламиз.

Бу сифатлар бир неча ҳадисларда келган. Қуйида шу ҳадислардан келтириб ўтамыз:

1- Бухорий, Муслим ва Аҳмад Муовиядан ривоят қиладилар. Муовия деди: Расулуллоҳ с.а.в.дан қуйидаги сўзларини эшитдим: «Умматимнинг бир гуруҳи доимо Аллоҳнинг амрини бажариб келади. Ёрдамсиз қўйганларнинг ёрдамсиз қўйиши, қарши чиққанларнинг қаршилиги уларга зарар етказа олмайди. Ва нихоят шу ҳолатда Аллоҳнинг амри келади». Умайр деди: Молик ибн Юҳомир Муознинг «улар Шом шаҳрида» деган гапни айтган. Шунда Муовия, мана бу Молик Муознинг «улар Шом шаҳрида» деган сўзини эшитган деб ўйлайман.

2- Аҳмад ва Тиброний ишончли кишилар санади билан Абу Амомадан ривоят қилади. Абу Амома деди: Расулуллоҳ айтдилар: «Умматимнинг бир тоифаси доимо динни ушлайди ва душманларига қаҳр қилади, қарши чикувчилар қаршилиги зарар бермайди, фақат уларга қийинчиликлар етиши мумкин. Ва нихоят шу ҳолда Аллоҳнинг амри келади». Айтдиларки, ё Расулаллоҳ улар қерда бўладилар? «Байтил Макдис ва унинг атрофларида» - дедилар.

3- Аҳмад ва Абу Довуд Савбондан ривоят қилади. Расулуллоҳ дедилар: «Умматимнинг бир тоифаси доимо ҳакни ушлаб келади. Қаршилиқ қилганлар қаршилиги уларга зарар етказа олмайдилар. Ва нихоят шу ҳолда Аллоҳнинг амри келади». Аҳмад, Муслим ва Теримизийларнинг бошқа ривоятида «ёрдамсиз қўйган кимсалар уларга зарар етказа олмаслар» деган ибора зикр қилинади.

4- Муслим ва Бухорий Муовиядан Расулуллоҳнинг қуйидаги сўзларини эшитганлигини ривоят қиладилар: «Умматимнинг бир тоифаси Аллоҳнинг амрини бажарувчи ҳолда доим бўлади, ёрдамсиз қўйганлар ёки қарши чиққанлар уларга зарар етказа олмаслар. Ва нихоят улар одамлардан устун ҳолатларида Аллоҳнинг амри келади».

5- Ибн Можжа Расулуллоҳдан ривоят қилади. Расулуллоҳ с.а.в. дедилар: «Умматимнинг бир тоифаси доимо Аллоҳнинг амрларини бажариб келади. Қаршилиқ қилганлар бу тоифага зарар бера олмайдилар».

6- Ҳоким ҳасан санад билан Умар ибн Хаттобдан ривоят қилади: Расулуллоҳ дедилар: «Умматимдан бир гуруҳи то қиёматгача ҳакни ушлаб келади».

7- Баззор ҳам яхши санад билан Абу Хурайрадан ривоят қилади: Расулуллоҳ дедилар: «Умматимдан бир гуруҳи доим шу иш устида бўлади. Қаршилиқ қилганларнинг қаршилиги уларга зарар етказа олмайдилар ва нихоят Аллоҳнинг амри келади».

8- Дормий Муғира ибн Шўъбдан ривоят қилади. Расулуллоҳ дедилар: «Умматимдан бир қавм доимо одамлардан устун келади. Ва нихоят уларнинг шу ҳолатида Аллоҳнинг амри келур».

Расулуллоҳнинг «тоифа», «уммат», «гуруҳ» деган сўзлари ҳизбга далолат қилади. Бу лафзлар Муовия Али р.а.га нисбатан тугатган позициясини тасдиқлаш учун тафсирлагани каби бутун Шом аҳлига далолат қилмайди.

Расулulloҳнинг «Аллоҳнинг амрини бижаради, ушлайди» каби сўзлари ҳизбнинг барпо бўлишига, исломни маҳкам ушлашга, жамиятнинг фикри ва ҳиссини назорат қилишига далолат қилади.

«Уларни ёрдамсиз қўйганлар, қарши чиққанлар уларга зарар етказа олмайди» деган сўзлари эса, ёрдамсиз қўювчиларнинг ёрдамсиз қўйишига, қарши чиқувчилар қарши чиқишига ҳамда ҳақиқат улар томонда эмас, ҳизб томонида эканлигига, ёрдамсиз қўйиш ва қаршиликлар ҳизбга зарар етказа олмаслигига далолат қилади. «Ҳизб ут-Таҳрир» ҳаётда ҳам шундай ҳолатларга дуч келмоқда.

Расулulloҳнинг «Ва нихоят шу ҳолда Аллоҳнинг амри келади» деган сўзлари ҳизб ўз йўлида давомли юришига ва тўхтаб қолмаслигига далолат қилади. Шунингдек бунга Ҳокимнинг ҳадисидаги «то қиёматгача» деган сўзлари ҳам далолат қилади.

Расулulloҳнинг «динни тутати», «ҳакни ушлайди» деган сўзлари мазкур тоифа ёки ҳизб динни ва ҳақиқатни ушлашга, ундан оғишмаслигига далолат қилади. Бу барчага маълумдир.

Расулulloҳнинг «фақат уларга қийинчиликлар етиши мумкин» деган сўзлари етишмовчилик ва ризкнинг торлиги сабабли ушбу тоифа ёки ҳизб аъзоларига қийинчиликлар етишига далолат қилади.

Нихоят «улар Шом шаҳрида ва Байтил Макдис ва унинг атрофларида» деган сўзлари мана бу ҳизб яъни Ҳизб ут-Таҳрирнинг келиб чиқиш жойига далолат қилади. Чунки Ҳизб ут-Таҳрирдан бошқа мана бундай сифатларга эга бўлган бирор ҳизб Қуддус шаҳрида пайдо бўлгани маълум эмасдир. Мана булар тоифа ёки ҳизбнинг сифатлари ва унинг келиб чиқиш жойлари ҳақида. Бу сифатларнинг барчаси ҳеч истисносиз Ҳизб ут-Таҳрирга тўғри келади.

Аммо имоми Аҳмаднинг «улар (уммат ичидаги тоифа ё ҳизб) аҳли ҳадис бўлмаса, ким бўлиши мумкин, билмайман» деган гапи, Бухорийнинг «улар аҳли илмлар» деган гапи, Қозий Иёзнинг «улар аҳлу-с-сунна ва-л-жамоа», Али ибн Мадинийнинг «улар араблар» деган сўзлари очикдан очик хатодир. Зеро, ҳадис илми ва ривояти билан шуғулланувчи аҳли ҳадис ҳамда аҳли илм фақат Байтил Макдисда ёки атрофларида яшаган деб ҳеч ким даъво қила олмайди, бунга қўшимча, қолган сифатлар уларга тўғри ҳам келмайди. Аҳли сунна вал жамоа ҳам фақат Шомда яшамаганлиги маълумдир, бундан ташқари улар ҳадисларда келганидек тоифа ҳам, гуруҳ ҳам эмаслар. Аммо «улар араблар» деган гап ҳам хато, бу кундек аниқ. Мазкур ҳадисларни шарҳлаганлар ушбу ҳадислар манотини яъни Ҳизб ут-Таҳирни билмай яшаганлар деб узр айтиш мумкин. Акс ҳолда улар бошқа фикрда бўларди. Ушбу ҳизбни, унинг сифатларини, келиб чиқиш жойини била туриб, ўзидан олдингиларнинг фикрида қолганларни эса, оқлаш мумкин эмас.

Пайғамбар А. муборак сўзлари билан шу сифатларни айтиб ўтишгагина чекланмадилар. Балки ушбу ҳизбнинг қўл остида ислом давлатининг барпо бўлишига далолат қиладиган бошқа сифатларни ҳам айтиб ўтдилар:

1. Муслим, Абу Довуд, ибн Можжа ва Аҳмад Жобирдан ривоят қиладилар: Расулulloҳ дедилар: «Умматимдан бир тоифаси қиёматгача

ҳақиқатни ушлаб курашда давом этади. Сўнг Исо ибн Марям тушади, шунда у тоифанинг амири «келинг намозга ўтиб беринг», дейди. «Йўқ» - дейди Исо, Аллоҳ бу умматни ҳурмат қилгани туфайли баъзиларинг баъзиларингизга амирсиз»

2. Муслим Укба ибн Омирдан ривоят қилади. Расулulloҳ дедилар: «Умматимнинг бир гуруҳи доимо Аллоҳнинг амри юзасидан уруш қилади ва душманларига қаҳр қилади. Қаршилиқ қилганлар уларга зарар етказа олмайдилар, ҳатто уларнинг шу ҳолатида қиёмат қоим бўлур».

3. Аҳмад Салама ибн Нуфайдан ривоят қилади, Расулulloҳ с.а.в. дедилар: «Уруш келди. Умматимдан бир гуруҳ доимо одамлардан устун келади. Аллоҳ қавмлар кўнглини кўтаради. Улар билан урушадилар. Аллоҳ уларга улардан ризқ беради. Ва ниҳоят шу ҳолда Аллоҳнинг амри келади. Билинги, мўминлар ховлиси Шом. Қиёматга қадар отлар пешонасига яхшилик бириктирилган».

Расулulloҳнинг «ҳақиқат устида ва Аллоҳнинг амри юзасидан уруш қиладилар», «уруш келди..., улар билан урушадилар, Аллоҳ уларни ризклантиради» деган сўзлари шунга далолат қиладики, бу тоифанинг давлати мавжуд бўлиб, у жиҳод ва уруш эълон қилади, ҳамда душманлар устидан ғалаба қозанади. «Ҳизб ут-Таҳрир» пайдо бўлган кундан бошлаб айни шу мақсадда яъни тўғри халифаликни қайта тиклаш учун ҳаракат қилиб келмоқда.

Ниҳоят энг сўнгги сифат қолди. У фақат динни тутувчи, Аллоҳнинг амрини бажарувчи мана бу тоифагагина тўғри келади, деб ҳисоблайман. У маъсиятлар кўпайган ва бузуқликлар тарқалган ёмон жамиятдаги ғурбат ва ғариблиқ сифатидир. Бугунги кунда исломий оламдаги барча жамиятларнинг аҳволи шундай. Жамиятдан ғариб бўлган бу тоифа исломнинг ғариблиқ ҳолатида, асхоблари исломий деб даъво қилаётган, аслида эса исломий бўлмаган, ғарбий маърифий ҳужум натижасида мусулмонлар орасига сизиб кирган демократия, ижтимоий адолат ва шу каби бузуқ куфр фикрларини ислоҳ қилади. Бу сифат ҳам Пайғамбар А.нинг ҳадиси шарифларида келган. Муслим ва Аҳмад Абу Хурайрадан ривоят қиладилар. Расулulloҳ дедилар: «Ислом ғариб ҳолда бошланди ва бошланишдаги ғариб ҳолига қайтади. Шу вақтда ғариб бўлганларга толе ёр бўлсин». Аҳмад, Баззор, абу Яъла Саъд ибн аби Ваққосдан ривоят қиладилар. Расулulloҳ дедилар: «Иймон ғариб ҳолда бошланди ва бошланишдаги ғариб ҳолатига қайтади. Шу кунда, инсонлар бузуқ бўлган вақтда ғариб инсонларга толе ёр бўлсин». Аҳмад Абдулрахмон ибн Сунна томонидан қуйидаги ибора билан ривоят қилади. «Ислом ғариб ҳолда бошланди ва бошланишдаги ғариб ҳолатига қайтади. Ғарибларга жаннат бўлсин. Айтилди: ё Расулаллоҳ, ғариблар қимлар? Улар, дедилар - одамлар, жамиятлар бузулса, уларни ислоҳ қиладилар».

Мана бу уч ҳадис жамият ва одамлар бузулади, Ислом ғариб бўлади ва динни ушлаганлар ғариблардир - деб баён қилади. Лекин бу сифатлар биз ишора қилган мана бу тоифага очиқ далолат қилмайди. Чунки, фасодлик замонида шариат аҳкомларини маҳкам тутган бир неча кишиларга ҳам

ғариблик ва солихлик сифати берилиши мумкин. Шундай экан, ҳадисларда кўзда тутилган «ғариблар» айнан шу тоифа (ҳизб) дейиш тўғрими? Термизийнинг Расулulloҳ томонидан қилган ривояти бу саволга яққол жавобдир: «Дин ғариб ҳолда бошланди ва ғариб ҳолига қайтади. Мендан сўнг одамлар бузуб юборган суннатимни ислоҳ қиладиган кимсалар қандай яхшидирлар». Мана бу ҳадис ғурбат сифати фасодлик замонида шариат аҳқомларини мажам тутган инсонларгагина тегишли эмаслигини очик англатади. Демак ғурбат сифатига эга бўлмоқ учун одамлар бузиб юборган фикрларни ва шаръий ҳукмларни ислоҳ қилиш лозим. Маълумки, бир ёки бир неча шахс у ер бу ерда таркок ҳолда бўлсалар, жамиятдаги бузуқ фикрларни ислоҳ қила олмайдилар. Қачонки бундай оғир ва муҳим вазифани бажарадиганлар тоифа ёки ҳизб бўлсаларгина бу ишни уддасидан чиқадиладар. Демак, мусулмон кишида мазкур тўрт ҳадисда келган сифат топилиши учун жамиятдаги бузуқ фикр ва қонунларни ислоҳ қилишга киришадиган тоифа ёки ҳизб доирасида бўлмоғи лозим. Чунки, унинг ҳеч қачон тоифа ёки ҳизбсиз бу ишни қила олмаслиги аниқ. Шундай экан, мана бу ҳадисларда келган мактовни бузуқ жамият ислоҳ қилишга бош-қош бўлаётган мусулмонларга қаратилгандир.

Бинобарин, ҳадислар динни ушловчи, Аллоҳнинг амрини бажарувчи ва кофирларга уруш қиладиган давлатни барпо қилувчи тоифа ёки гуруҳни тилга олиб ўтди. Демак Муҳаммад с.а.в.нинг одамлар бузиб юборган суннатини яъни шариатни, динни ислоҳ қиладиган «ғариблар» сифати ҳозирги жамиятда, аъзолари ҳақиқатда ғариб бўлган айни шу тоифа ёки ҳизб аъзоларига берилиши лозим. Шунга кўра бахту-саодатли ғариблар биз тилга олган ва бир неча ҳадисларда зикр қилинган тоифа ёки ҳизб аъзоларидир.

Фазлу қарам Аллоҳнинг қўлидадир, уни хоҳлаган бандасига тортиқ қилади. Аллоҳ ўз фазли қарами билан икром қилган мусулмон киши Унга ҳамду-сано айтиши, шукур қилиши, Унга кўп ибодатлар қилиши ҳамда яхшиликка бўлган даъватида янада фаолият кўрсатиши вожиб. Даъватни етказишда, қийинчиликларга сабр қилишда Расулulloҳдан ибрат олиш нақадар буюк ва афзал ишдир. Чунки Ислому даъват етказиш орқали ғарибликдан сўнг яна ҳаётга қайтади, уммат юксалади, даъватни етказиш билан бузуқ фикр ва қонунлардан, мусулмонларга мажбуран татбиқ қилинаётган бузуқ қонунлардан халос бўлинади. Даъватни Расулulloҳ етказгандек етказиш билан Аҳмад Ҳузайфа томонидан ривоят қилган ҳадиснинг тасдиқи ўлароқ Ислому Давлати - тўғри халифалик давлати барпо бўлади. Расулulloҳ дедилар: «Нубувват сизлар орангизда Аллоҳ хоҳлаган муддатгача бўлади, сўнг Аллоҳ уни хоҳлаган вақтда кўтаради (яъни у тугайди). Сўнг нубувват асосидаги халифалик бўлади. У ҳам Аллоҳ хоҳлаган вақтгача туради. Сўнг Аллоҳ хоҳлаган вақтда уни ҳам кўтаради. Сўнг ёвуз подшоҳлик бўлади, у ҳам Аллоҳ хоҳлаган муддатгача туради, сўнг Аллоҳ хоҳлаган вақтда уни кўтаради. Сўнг зўравон подшоҳлик бўлади, у ҳам Аллоҳ хоҳлаган вақтгача туради. Аллоҳ хоҳлаган вақтда уни ҳам кўтаради. Сўнг эса нубувват асосидаги халифалик бўлади». Сўнг сукут сақладилар.

Тўғри халифаликни - нубувват асосидаги халифаликни қайтаришга ҳаракат қилаётган кимсалар Расулуллоҳнинг буюк мақтовларига лойиқдир. Бироқ Расулуллоҳдек буюк зотнинг мақтовига лойиқ бўлиш учун мустаҳкам иймон, холис ихлос, қувват ва қасд ҳамда сабр-бардош лозим. Ҳақ Таоло Ўзига ҳожа, мустақил Зотдир.

ИБРАТ ВА НАМУНА

Аслида исломга, давлат яъни халифа даъват қилади, халифаликни иши давлат ичкарасида исломни татбиқ этиш, ташқарида эса жиход билан одамларга даъватни етказишдир. Бу иш Расул с.а.в. Мадинада исломий давлатни кургандан бошлаб охирги усмоний халифагача бўлган даврда давом этиб келиб, Осиё, Африка ва Европада кўпчилик халқларнинг исломга киришига сабаб бўлган. 1924 йили халифалик давлати тугатилгач ушбу даъват тўхтаб халқларнинг исломга кириши ҳам тўхтади. Савол туғилади, нима учун халифалик тугатилгач халқларнинг исломга кириши тўхтади?

Аллоҳ Таоло инсонни ғойиб нарсаларга ва фикрлардан кўра кўпроқ моддий ва ҳис қилинадиган нарсаларга ишонадиган қилиб яратди. Шунинг учун инсон ҳис этадиган нарсани кўрганда унинг борлигига ишониб, уни тасдиқлайди, бундан ташқари ушбу нарса яхши ва дуруст бўлса, уни ёқтиради. Лекин у худди мана шу нарсани бошқа бир ёки бир неча одамлардан эшитса, гоҳида тасдиқласа, гоҳида тасдиқламаслиги ҳам мумкин. Ҳатто у ишониб тасдиқлаганда ҳам унинг иймон ва тасдиқи ўзи ҳис этиб, кўргандаги иймони ва тасдиқи каби бўлмайди. Инсониятни шундай табиатда яратган, Ўз элчиси Расулulloҳга исломий шариатни нозил қилиб, ишониб тасдиқлашлари учун одамларга етказишга буюрган Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло Расулига бу шариатни давлатда яъни фикр ва қонунлар тўплами бўлган шариатни исломий давлатда гавдалантиришни буюрди. Шариатнинг давлатда татбиқ этилиши натижасида одамлар Исломга тўп-тўп бўлиб кириб келдилар. Даъватнинг бошланишида даставвал Расул с.а.в. давлат қуришдан олдин ўн уч йил исломга даъват қилдилар, лекин унинг рисоласига жуда озчилик иймон келпирди. Мадинада Ислом Давлати қурилгач ёки бошқача қилиб айтганда, Ислом ҳис этиладиган воқеда гавдалангандан сўнг Мадина ва унинг атрофидаги одамлар тўп-тўп бўлиб исломга кирди. Бунинг сабаби эса юқорида айтиб ўтганимиздек, фикр ва назариялар қанчалик тўғри ва яроқли бўлмасин инсон моддий ва ҳис этиладиган нарсаларга кўпроқ ишонадиган қилиб яратилганлигидир. Шунинг учун Ислом воқеда яъни давлатда гавдаланган вақтда одамлар исломга тўп-тўп бўлиб кирганини кўрамыз. Ҳа, Ислом Давлати соясида араб, форс, турк, курд, барбар, афғон ва бошқа кўп халқлар исломга кирди, агар мана шу давлат мавжуд бўлмаганда эди ушбу халқлар исломга кирмаган ва Ислом бунчалик уч қитъага кириб бормаган бўлар эди. Бундан ташқари инглизлар ва ғарбий иттифок давлатлари ва уларнинг малайи бўлмиш Мустафо Камол қўли билан Ислом Давлати қулатилишидан олдин ҳам халифаликни заифлашиши ва даъватнинг ёйишдаги эътиборсизлиги оқибатида исломнинг ёйилиши тўхтаб қолганини кўрамыз.

Халифалик давлати таркибига кириб, исломни воқеда татбиқ қилинган ҳолда кўрган, исломнинг халифалик давлати фуқароларига бахт-саодат, фаровонлик берганини кўриб унинг тўғри ва яроқчилигига гувоҳ бўлган ушбу халқлар жамоат-жамоат бўлиб Ислом динига кирган. Лекин халифалик

давлати таркибига кирмасдан давлат чегараларидан ташқарида қолган халқлар ҳамда халифалик тугатилгандан кейин келган халқлар исломни воқеликда кўрмасдан қуфр ҳолатида қолди, китоб ва журналлар ҳамда эшиттиришлар орқали Ислом ҳақида маълумот олган бўлса-да иймон келтирмади. У ер бу ерда айрим кишиларгина исломга кирди. Мадинада Ислом Давлати қурилмасдан олдин Ислом бошланишида ҳам худди шу каби озчилик иймон келтирган эди. Шубҳасизки, ушбу халқлар халифалик барпо бўлиб, ичкарида исломни татбиқ этиш ва ташқарида жиҳод қилиш орқали исломга даъватда фаолият бошлангандан сўнг тезлик билан Ислом динига киришга ошиқади. Хуллас қисқасини айтидиган бўлсак, инсон назарий фикр ва қонунлардан кўра кўпроқ моддий ва амалдаги нарсаларга ишонадиган қилиб яратилган. Фикр ва қонунлардан иборат Ислом агар давлатда татбиқ этилиб, воқеда гавдаланса, одамлар уни ҳаётда кўриб унга киришга шошиладилар. Агар Ислом амалда татбиқ этилмасдан даъват этувчилар оғзидагина қолиб кетса, тўп-тўп одамлар эмас айрим кишиларгина иймон келтиради ҳолос.

Биз тарихимиздан шу нарсага гувоҳ бўлдикки, Ислом давлат микёсида тўла ва ҳақиқий суратда гавдаланганда яъни давлат Хулофай Рошида бўлганда жуда кўпчилик исломга кириб келди. Исломнинг Давлатда шундай тўла ва ҳақиқий суратда гавдаланиши сусайган вақтда исломга кириш ҳам сусайди. Ушбу гавдаланиш Усмоний халифалик давридагидек ўзининг энг тубан даражаларига тушиб кетган вақтда эса жуда озчилик исломга кирди, халифалик қулатилгандан кейин эса, аҳвол янада ёмонлашди.

Шу сабабли ҳамда Аллоҳ Таоло мусулмонларга халифалик барпо қилишни буюргани учун ҳамма мусулмонлар халифаликни қайта тиклашлари ва халифа сайлашлари, сўнг ушбу халифалик давлати даъватни оламга ёйиши, бошқа диёрларни фатҳ қилиб, у халқларни давлат таркибига қўшиши ва уларга исломни татбиқ этиши вожибдир. Токи халқлар исломни воқеда кўрсин ва Ислом кенгроқ ёйилиб мусулмонлар кўпайсин. Бу ниҳоятда зарур иш ва албатта Аллоҳнинг изни билан яқин кунларда рўёбга чиқажак.

Исломни воқеда гавдаланиши асосий ишдир, бунда сусткашлик ва эътиборсизлик қилиш ярамайди. Балки, даъват ёювчилар бу масалани тўла идрок этиб, Аллоҳ Таоло халифалик давлатини улар қўлида тиклаш билан нусрат бергунга қадар ҳаракатни кучайтиришлари ва ҳолис Аллоҳ учун ҳаракат қилишлари вожибдир.

Лекин исломни воқеда гавдаланиши фақат давлатдагина бўладими?

Даъват давлат бўладими, бўлмайди ҳеч қачон тўхтаб қолмаслиги керак. Расул с.а.в. Маккада ўн уч йил даъват қилган вақтда давлат йўқ эди, демак ҳозир ҳам даъват тўхтамаслиги керак, балки халифалик давлатининг ўзи ҳам даъват орқали барпо бўлади. Вақти келиб давлат барпо бўлганда ҳам даъват тўхтамайди ва Аллоҳ ер ва ундаги нарсаларни қайтиб ўзига олмагунча даъват ҳамма мусулмонларга вожиб бўлиб қолади. Даъват қилиш давлатнинг иши бўлганидек шахсларнинг ҳам ишидир. Даъватдан бирор лаҳза ҳам тўхташ мумкин эмас, чунки Ислом тўлалигича даъватга асослангандир.

Давлат даъватни ёйиб, исломни ичкари ва ташқарида гавдалантириши вожиб, агар гавдалантирмаса, исломий давлат бўлмайди ва даъватни ёймаётган бўлади. Худди шунингдек мусулмон кишилар ҳам агар даъват қилмоқчи бўлсалар, аввало ўз шахсида, гапида, ишида ва сифатларида исломни гавдалантирмоқлиги керак, агар ундай қилмаса у даъватчи эмас, фақат одди мусулмонлардан бири бўлиб қолаверади. Даъватчи Ислом Давлати йўқ бўлган вақтда Ислом дини намунасиدير, демакки у гапирган вақтда шаръий фикр ва ҳукмларни гапирмоғи вожибдир. Бундан ташқари у шариат буюрган чиройли аҳлоқларни эгалламоғи ва Ислом қайтариб, қоралаган аҳлоқлардан узоқ бўлмоғи керак. Мусулмон киши агар шундай қилмаса, даъватчи бўла олмайди. Чунки у исломнинг намунаси, одамларга ўрнак ва уларга имом-рахбардир. Ислом унинг гапи, ишлари, юриш-туриш ва аҳлоқларида қанчалик гавдаланса, у даъватни ёйишга, муваффақиятга шунчалик лойиқ бўлади. Шу сабабдан даъват ёювчи ушбу мартабага лойиқ бўлиши учун фақат ҳақни гапириши, шариат буюрган ишларни қилиши ва чиройли аҳлоқ билан сифатланиши керак. Агар у шундай қилмаса, даъват ёйяпман деб куруқ даъво қилаётган бўлади холос. Афсуски, Ислом оламидаги давлатлар ҳам шу каби Ислом давлатимиз деб куруқ даъво қилишяпти, ҳолбуки улар ички сиёсатда ҳам ташқи сиёсатда ҳам Ислом татбиқ этилмагани сабабдан исломий давлат эмас, аксинча улар Ислом даъватини ёймаётган балки, даъватга ва даъват ёювчиларга қарши курашаётган куфр давлатидир.

Даъватчи англаб, ҳеч ҳам унутмаслиги вожиб бўлган иш мана шудир. Билсинки исломнинг катта намунаси бўлган халифалик давлати мавжуд эмас экан, унинг ўзи исломнинг мўъжазгина намунасиدير. Демак даъватчи Расулulloҳ с.а.в.нинг асҳобларидек тирик исломга айланиши, исломий шахсияти учун керак бўлган мазкур уч омилдан ҳеч бирида сусткашлик қилмаслиги лозим. Кимда Ислом тўла суратда гавдаланса, у даъватчи бўлишга лойиқ бўлади ва ҳаракатида ҳамда одамларни ўзи чақираётган фикр ва ҳукмларнинг тўғрилигига қаноатлантиришда муваффақият қозонади. Кимки мазкур уч омилни йўқотса, даъват ёювчи бўла олмайди, демакки фаолиятга, фаолиятни давом эттиришга қодир эмас ва муваффақият қозонмайди.

Мусулмон киши ҳақиқий даъват ёювчи бўлиб, исломнинг фикр ва шаръий аҳкомларини гапириши ва уларга зид фикр ва аҳкомларни кўтариб чиқмаслиги учун ўз ишларига алоқадор шаръий аҳкомларни ва исломий фикрларни билмоғи вожиб. Чунки, булардан беҳабар жоҳил Ислом айтган ва буюрган ишларни айтишдан йироқда бўлади, бинобарин даъватни тўғри йўсинда олиб боришдан ожиздир. Шунинг учун фикр ва аҳкомларни билиш ҳар бир мусулмонга вожиб, даъват ёювчиларга эса вожиброқдир. Шариат илм излашга тарғиб қилиб, олимлар мартабасини улуг ортик қилди.

Аллоҳ Таоло «Мужодаला» сурасида айтадики:

يَرْفَعُ اللَّهُ الَّذِينَ آمَنُوا مِنْكُمْ وَالَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ دَرَجَاتٍ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ

– „Аллоҳ сизлардан иймонли ва илмли кишиларнинг мартабаларини баланд қилгай ва У сизларнинг қилган амалларингиздан хабардор Зотдир“. [58:11] Расул с.а.в. айтдиларки: «Кимки илм талаб қилиб йўл юрса Аллоҳ уни жаннат йўлларида бирига юргизади, фаришталар толиби илмга хурсандликдан ўз қанотларини ёзади. Олимга еру осмондаги ҳар бир нарса ва денгиздаги балиқлар истиғфор айтади. Олимнинг бошқа бандаларга нисбатан улуғлиги тўлин ойнинг бошқа юлдузларга нисбатан улуғлиги кабидир. Олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Пайғамбарлар бир дирхам ёки динорни эмас, балки илмни мерос қолдиришди, ким уни олса, жуда катта насибага эга бўлибди».

Аслида даъватчи олим бўлиши керак, у ўзи аётаётган гапларида бошқаларга ўрнак бўлиши лозимки бошқалар ундан эшитиб олаётган нарсани шариат деб олсин. Ҳар қандай ҳолат ва шароитда ҳам у мана шу ишда суствашилик ва эътиборсизлик қилмаслиги вожиб. Даъватчи ҳазиллашса ҳам, ғазабланса ҳам, ёмон кўрса ҳам ҳақиқатни маҳкам ушламоқлиги лозим. Ўшандагина у Аллоҳнинг буйруғини бажарган ва Расул с.а.в.га эргашган бўлади. Абу Ҳурайра ривоят қилади: Расул с.а.в.га айтдиларки: «Сиз биз билан ҳазиллашдингизми деганларида, у киши ҳа, лекин мен фақат ҳақиқатни айтаман дедилар». Абдуллоҳ ибн Умар ривоят қиладилар: Расул с.а.в.га «Эй Расулulloҳ сиздан нимани эшитсам шуни ёзаманми? деган эдим у киши ҳа дедилар. Рози бўлган ва ғазабланганингизда ҳам ёзаманми? деган эдим, у киши ҳа дедилар, чунки мен фақат ҳақиқатни гапираман», дедилар.

Даъватчи қилаётган ишларида-ю юраётган йўлларида фақат шариат аҳкомларига риоя қилмоғи лозим, чунки «ишлардаги асос шаръий ҳукмни маҳкам ушлаш» деган шаръий қоида бор. Ушбу нарса даъватчи шаръий ҳукмларни билиши кераклигидан ташқари ичида-ю ташқарида Аллоҳдан кўрқадиган такволи, Аллоҳнинг розилигига ҳаракат қиладиган, унга итоат қиладиган бўлишини тақозо этади. Шунингдек у ўзидан бошқаларга юриштиришларида намуна бўлиши лозим токи одамлар ундан бирор ношаръий ишни кўриб, уни ҳам шаръий деб, унга эргашмасинлар, чунки у бундай ҳолда Роббисига гуноҳор ва атрофидагиларни алдаган бўлади.

Бундан ташқари даъватчи мактовли сифатлар, чиройли хулқлар, тўғри сўз ва ихлос, фидокорлик ва бошқаларни ўзидан устун кўриш, сабр, тавозеълик ва инсонларнинг муҳаббатини қозониш, Аллоҳдан кўрқиш ва Уни севиш ва одамлар ҳақида яхши гумонда бўлиш каби сифатларни эгаллаши ва баҳил, мутақаббир, мағрур, ҳасадчи, гиначи, золим, қариндошчиликни узиб қўядиган ва одамлар ҳақида ёмон гумонда бўлмаслиги керак. Чунки Аллоҳ бундайларнинг ишларига ёрдам бермайди ва яхшилиқни уларнинг қўллари билан рўёбга чиқармайди. Одамлар бундайлардан ибрат олмайди, балки улардан қочиб, уларни айблаётганлигини, охир-оқибат барча даъватчиларни қоралаётганини кўрасиз, муваффақиятсизлик ва натижасизлик сабаби ҳам мана шунда. Алий ибн Абу Толиб айни шу жиҳатни сезган эдилар. Зайд ибн Ваҳбдан ривоят қилинади: «Алий басралик хавориж ҳузурига келди, улар орасида Жаъд ибн Баъжа деган киши бор эди. Ўша киши Алийга қарата: «Эй

Алий Аллоҳдан қўрқкин, эртага ўласан»,... деди ва уни кийган либосида қоралади. Шунда Алий либосим билан нима ишларинг бор, у кибрдан холи ва мен мусулмон киши ибрат олишига лойиқ кишиман» - деб жавоб берди.

Ислом чиройли ахлоқлар билан сифатланишга қаттиқ қизиқтирган. Расул с.а.в. айтдиларки: «Мўминларнинг иймони комилроғи хулқи чиройлироғидир». Ойша р.а. ривоят қиладилар: Мен Расул с.а.в.ни «Мўмин чиройли хулқи билан кундузи рўза тутиб, туни билан намоз ўқиган кишининг мартабасига етади» деганини эшитганман. Абу Дардоъ ривоят қиладилар. Расул с.а.в. айтдилар: «Қиёмат кунда мўминнинг амаллари тортилганда чиройли хулқидан кўра яхшироқ нарсаси бўлмайди, Аллоҳ Таоло ахлоқсиз одамдан газабланади». Анас ибн Молик ривоят қилади: Расул с.а.в. айтдилар: «Мен кафиллик бераманки, жаннатнинг чеккидаги уй - ҳақ бўла туриб - тортишувни ташлаган одамники, жаннатнинг ўртасидаги уй ҳазиллашса ҳам ёлғон сўзламаган одамники ва жаннатнинг энг юқорисидаги уй эса хулқи чиройли одамникидир».

Даъватчи Аллоҳнинг фазлига етиш учун мактовли сифатлар билан чиройли хулқлар билан безансин ва ўзида исломни тўла гавдалантирсин, шундагина у исломнинг тирик намунаси бўлади ва одамлар исломни қабул қилиб унинг йўлида юридилар. Аллоҳ даъват ёйиш шарафига мушарраф айлаб, одамларга ибрат қилиб қўйган ва одамлар эргашадиган имом этиб қўйган кишиларга Аллоҳнинг Ўзи қувват берсин. Уларнинг охиратдаги мукофоти ҳақида Расул с.а.в. шундай дейди: «Кимки ҳидоятга чақирса, унинг мукофоти унга эргашганларнинг ҳаммасининг мукофоти билан баробар бўлади, ҳатто уларнинг мукофотидан озгина ҳам камиб қолмайди». Ушбу мартабага холис Аллоҳга даъват қиладиган, Аллоҳдан қўркиб Унинг ҳукмларини биладиган ва чиройли ахлоқу шариат буюрган сифатларга эга бўлган кишигина етади.

Даъват ёйиш иши оғир ва машаққатли бўлиб, Аллоҳ бу билан унинг розилигини олишга ҳақли бўлган, одамларга имом бўлишга ва уларни ҳидоятлашга яроқли бўлган ва одамларни исломга амал қилишга ва исломнинг тирик намунаси бўлган Ислом Давлати томонга етаклайдиган кишини ҳурматлайди.

Даъватчи шариат аҳкомларига риоя этмоғи ва ҳар қандай гуноҳлардан узоқ бўлмоғи керакки, Аллоҳ унинг қўли билан яхшиликни рўёбга чиқарсин ва у сабабли умматга нусрат берсин. Унинг ўзини эса ер юзида олий қилиб, қиёмат кунда жаннатнинг энг олий даражаси - Фирдавс билан бахтиёр айласин.

ИЙМОН ВА АМАЛ

Иймон шундай таърифланди, у далилдан келиб чикиб, воқега мувофиқ бўлган қатъий тасдиқ ёки қалбий эътиқоддир. Қуръон ва суннат далиллари ушбу таърифни қувватлайди. Бироқ, қатъий тасдиқ ва қалбий эътиқод иймоннинг энг тўғри таърифи бўлсада, уни амал ёки гап ёки амал деб аташ ҳам мумкин. Ва уламоларнинг кўпчилиги иймонни шундай қилганлар. Чунки, иймон сўзидан гоҳ қатъий тасдиқ қалбий эътиқод, гоҳида эса, ундан намоз, амри маъруф, наҳй мункар, жиҳод, хусни хулқ, рамазон рўзасини тутиш каби шаръий амаллар кўзда тутилади. Бунинг боиси иймон билан шаръий тақлифлар орасида узвий боғлиқлик мавжудлигидадир. Агар бу боғлиқлик мавжуд бўлмаганда эди, иймонни амал деб аташ тўғри бўлмасди.

Иймоннинг аслига далолат қилувчи далиллар жуда кўп бўлиб, уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз.

Аллоҳ Таоло «Бақара» сурасида шундай марҳамат қилади:

لَيْسَ الْبِرَّ أَنْ تُولُوا وَجُوهَكُمْ قِبَلَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ وَلَكِنَّ الْبِرَّ مَنْ آمَنَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ
الْآخِرِ وَالْمَلَائِكَةِ وَالْكِتَابِ وَالنَّبِيِّينَ

– „Юзларингизни Маширқ ва Мағриб томонларига бураверишингиз яхшилик эмас, балки Аллоҳга, охират кунига, фаришталарга, китобга, пайгамбарларга иймон келтирган, ...кимсала яхши кишилардир“. [2:177] яна шу суранинг ўзида марҳамат қилади:

آمَنَ الرَّسُولُ بِمَا أُنْزِلَ إِلَيْهِ مِنْ رَبِّهِ وَالْمُؤْمِنُونَ كُلٌّ آمَنَ بِاللَّهِ وَمَلَائِكَتِهِ وَكُتُبِهِ وَرُسُلِهِ لَا
نُفِرْقُ بَيْنَ أَحَدٍ مِنْ رُسُلِهِ

– „Пайгамбар ўзига Парвардигоридан нозил қилинган нарсга иймон келтирди ва мўминлар (ҳам иймон келтирдилар). Аллоҳга, фаришталарига, китобларига ва пайгамбарларига иймон келтирган ҳар бир киши (айтди): „Унинг пайгамбарларидан бирон кишини ажратиб қўймаймиз“. [2:285]

Умар ибн Хаттоб Жибрил А. қиссаси ҳақида, унинг Расулulloҳга исломни, иймонни, эҳсонни таълим берганлиги ҳақида қуйидаги ривоятни келтиради: Расулulloҳ Жибрилга дедилар: «Иймон ҳақида менга хабар беринг». Жибрил дедилар: «Иймон Аллоҳга, фаришталарига, китобларига, элчиларига, охират кунига ва қадарнинг яхшиси ҳам, ёмони ҳам Аллоҳдан эканига ишонишингиздир». Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривояти. Бухорий эса, Абу Ҳурайрадан қуйидаги лафз билан ривоят қилади: «Эй Аллоҳнинг элчиси, иймон нима?» Жибрил дедилар: «У Аллоҳга, фаришталарига, элчиларига, у билан учрашишга ва охири қайта тирилишга ишонишингиздир». Ушбу далиллар иймон қалб иши яъни тасдиқ ва эътиқод эканлигига далолат қилади.

Лекин бу ерда бир неча далиллар мавжудки, улар иймоннинг бошқа шаръий таклиф ва амаллар каби бир амал эканлигига ҳам далолат қилади.

Ҳақ Таоло «Бақара» сурасида марҳамат қилади:

وَمَا جَعَلْنَا الْقِبْلَةَ الَّتِي كُنْتَ عَلَيْهَا إِلَّا لِنَعْلَمَ مَنْ يَتَّبِعُ الرَّسُولَ مِمَّنْ يَنْقَلِبُ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ ۚ وَإِنَّ كَانَتْ لَكَبِيرَةً إِلَّا عَلَى الَّذِينَ هَدَى اللَّهُ ۚ وَمَا كَانَ اللَّهُ لِيُضِيعَ إِيمَانَكُمْ ۚ إِنَّ اللَّهَ بِالنَّاسِ لَرَءُوفٌ رَحِيمٌ

– „Сиз илгари қараган қиблани Биз фақатгина ким пайғамбарга эргашиб, ким орқасига қайтиб кетишини билиш учун қилганмиз, холос. Шубҳасиз, бу оғир иш. Магар Аллоҳ ҳидоят қилган зотларгагина (оғир эмасдир). Аллоҳ иймонларингизни (яъни иймон билан ўқиган намозларингизни) зое қилувчи эмас. Албатта, Аллоҳ одамларга меҳрибон ва раҳмдилдир“. [2:143]

Аллоҳнинг „иймонингизни“ деган сўзи Масжидул Ақсода „намоз ўқишингизни“ англатади. Намоз амалдир. Саҳобалардан ибни Аббос ва Барро ибн Озиб шу тафсирини айтганлар. Абу Ҳурайра ривоят қиладилар: «Расулulloҳ амалларнинг қай бири афзал деб, сўралганларида Аллоҳга иймон келтириш», деб жавоб бердилар. Муслим ривояти. Бухорийда эса, қуйидаги ибора билан ривоят қилинади: «Қайси амал афзал?» Расулulloҳ дедилар: «Аллоҳ ва Расулига иймон келтириш (афзал)?». Шундай қилиб Расулulloҳ иймонни амал маъносида қўладилар.

Демак далиллар - гарчи «иймон қатъий тасдиқ ва эътиқод, унинг ўрни қалб» эканлигига далолат қилса ҳам, бироқ шаръий таклиф амалларга ҳам бир неча бор иймон лафзи берилган.

Айтилиши зарур бўлган жиҳат шундаки, иймон аслида қатъий тасдиқ ва эътиқоддир. Тасдиқ ва эътиқод аъзоларнинг эмас, қалбнинг вазифасидир. Бу маъно аниқ. Иймонни зикр қилиб, тилга олган кўпгина далиллардан ҳам бу маъно очиқ-ойдин тушунилади. Лекин, иймондан гоҳида унинг ҳақиқатига қўшимча ҳолда намоз, жиҳод ва ҳоказо шаръий таклифлар мақсад қилинади. Агар намоз иймондан, рўза иймондан, жиҳод иймондан десак - буларнинг барчаси амал ҳисобланса-да - нотўғри гапирмаган ва далилларга қарши чиқмаган бўламиз. Лекин бу гап «ушбу амаллар ҳам иймоннинг бир жузи, иймоннинг асли ва ҳақиқатига қиради» дегани эмас. Балки, бу дегани, ушбу амаллар билан иймон орасида чамбарчас алоқа мавжуд. Чунки иймон тоат билан кучайиб камолга етади. Мусулмон бажараётган ҳар бир амали билан унинг иймони бақувват бўлади. Унинг қилаётган маъсияти билан эса, иймони сусаяди. Шунинг учун амалларни иймон деб аташ дуруст бўлгани каби иймонни ҳам амал деб қўллаш мумкин. Пайғамбар А.нинг ҳадисларини мутолаа қилиш билан амин бўламизки, ул зот кўпгина амалларга иймон исмини бердилар ва уларни иймондан деб санадилар. Мисол тариқасида уларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз:

а) Абу Хурайрадан ривоят қилинади: Расулulloҳ дедилар: «Иймоннинг етмишдан ортиқ тармоғи бўлиб, ҳаё унинг бир тармоғидир». Муслим ривояти. Бухорий эса «олтмишдан ортиқ» деган лафз билан ривоят қилган.

б) Абу Саид Расулulloҳдан қуйидаги сўзларини эшитганлигини ривоят қилади: «Сизлардан қай бирингиз мункарни кўрса, уни қўли билан, қодир бўлмаса тили билан, унга ҳам қодир бўлмаса дили билан ўзгартирсин. Бу иймоннинг энг заифидир». Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Нисоий, Ибни Можжа ва Аҳмад ривоят қилган.

в) Ибни Аббос Абдул қайс элчиларининг Расулulloҳга келганлигига алоқадор бўлган узун ҳадисда шундай дейди. Расулulloҳ дедилар: «Ёлғиз Аллоҳга иймон келтириш нима эканлигини биласизларми?» Улар: «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ» дедилар. Расулulloҳ дедилар: «Аллоҳга иймон келтириш - Ундан ўзга маъбуд йўқлигига, Муҳаммад унинг элчиси эканлигига гувоҳлик бериш, намозни қоим қилиш, закотни адо этиш, рамазон рўзасини тутиш ва ўлжадан бешдан бирини беришингиздир». Бухорий ривояти.

г) Абу Амомадан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Кимки Аллоҳ учун яхши кўрса, Аллоҳ учун ғазабланса, Аллоҳ учун берса ва Аллоҳ учун ман қилса, иймони мукамал бўлғай». Абу Ҳасан ва Термизийнинг ҳасан санад билан қилган ривояти.

д) Ибн Маолик ал-Ашъарийдан ривоят қилади. Расулulloҳ дедилар: «Поклик иймоннинг бир қисмидир». Муслим, Термизий, Нисоий, ибн Можжа, Доримий ва Аҳмад ривояти. Шундай қилиб Расулulloҳ ҳаёни, мункарни қалб билан ўзгартириш, намоз, закот, рўза, ўлжани бешдан бирини бериш, Аллоҳ учун яхши кўриш, Аллоҳ учун ғазабланиш, Аллоҳ учун бериш, Аллоҳ учун ман қилиш ҳамда поклик амалларини иймондан деб санадилар. Бу амалларнинг бирортаси қатъий тасдиқ ва эътиқод бобига кирмайди. Агар иймон билан амаллар орасида чамбарчас боғлиқлик бўлмаганда эди, иймон сўзини амаллар устидан қўллаш ҳам дуруст бўлмасди. Демак иймон амаллардан олисдаги нарса эмас, балки у амалларга чамбарчас боғлиқдир. Иймон кучайиш ва сусайишда амаллар билан таъсирланади. Ушбу боғлиқлик нусусларда ўз аксини топадики, бу нусуслар гуноҳ ва маъсият амаллари билан иймонсизлик ва иймоннинг сусайишини орасини яқинлаштиради, яна бу алоқа шундай нусусларда зоҳир бўладики, бу нусуслар солиҳ амаллар билан иймоннинг ортиб бориши орасини яқинлаштиради, яъни гуноҳ ва маъсият амалларини қилиш билан иймон қирланиб, сусайиб боради, солиҳ амалларни қилиш билан эса иймон кучаяди. Гуноҳ ва маъсият амаллари билан иймонсизлик ёки иймоннинг заифлигини ортиб бориши орасини яқинлаштирадиган нусусларнинг айримларига тўхталиб ўтамиз:

а) Аллоҳ Таоло «Нисо» сурасида марҳамат қилади:

فَلَا وَرَبِّكَ لَا يُؤْمِنُونَ حَتَّى يُحَكِّمُوكَ فِيمَا شَجَرَ بَيْنَهُمْ ثُمَّ لَا يَجِدُوا فِي أَنْفُسِهِمْ حَرَجًا مِمَّا قَضَيْتَ وَيُسَلِّمُوا تَسْلِيمًا

– „Йўқ, Парвардигорингизга қасамки, то улар ўз ўрталарида чиққан келишмовчиликларда сизни ҳакам қилмагунларича ва кейин сиз чиқарган ҳукмдан дилларида ҳеч қандай танглик топмай, тўла таслим бўлмагунларича - зинҳор мўмин бўла олмайдилар“.

[4:65]

б) Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Банда ҳатто ҳазиллашганда ҳам ёлғонни тарк этмагунча ва агар ростгўй бўлса ҳам тилёғламаликни тарк этмагунча мукаммал иймон соҳиби бўла олмайди». Аҳмад ривояти.

в) Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Агар киши зино қилса, бошида соябон каби турган иймони ундан чиқади, агар зинодан узилса унга иймони қайтади». Абу Довуд ва Термизий ривояти.

г) Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Зинокор зино қилаётган вақтда мўмин ҳолида зино қилмайди, ўғри ўғрилик қилаётган вақтда мўмин ҳолида ўғрилик қилмайди, ароқ ичувчи ичаётган вақтда мўмин ҳолида ичмайди (яъни улар бу ишларни қилаётган вақтларида уларда иймон бўлмайди)». Муслим ва Абу Довуд ривояти. Аҳмад ҳам ушбу ҳадисни ривоят қилиб, қуйидаги иборани зиёда қиладилар: «адоват сақлаган вақтда мўмин ҳолида адоват сақламайди, босқинчилик қилаётган вақтда мўмин ҳолида босқинчилик қилмайди».

д) Абу Шурайҳдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Аллоҳга қасамки, мўмин бўлмайди, Аллоҳга қасамки мўмин бўлмайди, Аллоҳга қасамки мўмин бўлмайди». «Ким ё Расулаллоҳ», дедилар. «У шундай инсонки, қўшнисининг жабру-балосидан тинч бўлмайди». Бухорий, Муслим, Термизий ва Аҳмад ривояти.

Расулуллоҳ Аллоҳнинг шариатини ҳакам қилмаслиқни, ёлғон гапиришни, тилёғламаликни, зинони, ўғриликни, ароқ ичишни ва қўшнига озор беришни - ҳолбуки буларнинг барчаси амаллар - иймонни йўқотадиган, унинг камолига путур етказадиган ва уни сусайтирадиган нарсалар деб санадилар.

Солиҳ амаллар (ораси) билан иймоннинг кучайиши орасини яқинлаштирадиган нусусларнинг айримларига ҳам тўхталиб ўтамиз:

а) Аллоҳ Таоло «Оли Имрон» сурасида қуйидагича марҳамат қилади:

الَّذِينَ قَالَ لَهُمُ النَّاسُ إِنَّ النَّاسَ قَدْ جَمَعُوا لَكُمْ فَاخْشَوْهُمْ فَزَادَهُمْ إِيمَانًا وَقَالُوا حَسْبُنَا اللَّهُ وَنِعْمَ الْوَكِيلُ

– „Ундай зотларга айрим кимсалар: „Қурайш одамлари сизларга қарши (саноксиз лашкар) тўплаган. Қўрқингиз!“ - деганларида бу гап уларнинг иймонларини зиёда қилди ва „Бизга ёлғиз Аллоҳнинг ўзи кифоя, У Зот энг яхши ишончли вакилдир!“ - дедилар“.

[3:173]

б) «Анфол» сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ الَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ اللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ آيَاتُهُ زَادَتْهُمْ إِيمَانًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ

– „Фақат Аллоҳ (номи) зикр қилинганида қалбларига қўрқинч тушадиган, Унинг оятлари тиловат қилинганда иймонлари зиёда бўладиган ва Парвардигорларигагина суянадиган кишилар (ҳақиқий) мўминдирлар“. [8:2]

в) «Фатх» сурасида эса, қуйидагича марҳамат қилади:

هُوَ الَّذِي أَنْزَلَ السَّكِينَةَ فِي قُلُوبِ الْمُؤْمِنِينَ لَيَزِدَّادُوا إِيمَانًا مَعَ إِيْمَانِهِمْ وَلِلَّهِ جُنُودُ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَكَانَ اللَّهُ عَلِيمًا حَكِيمًا

– „У (Аллоҳ) ўз иймон-ишончларига яна ишонч қўшишлари учун мўминларнинг дилларига сакинат-ором туширган Зотдир. Осмонлар ва ер қўшинлари (яъни коинотдаги барча жонзот ва кучлар) ёлғиз Аллоҳникидир. Аллоҳ билим ва ҳикмат эгаси бўлган Зотдир“. [48:4]

Аввалги оят душманнинг қувватидан қўрқитиш билан иймон қувватининг зиёда бўлиши орасини яқинлаштиради, иккинчи оят эса, Қуръон тиловати билан иймон қувватининг зиёда бўлиш орасини, учинчи оят эса, Қурайш билан сулҳ битимини тузишда хотиржамлик ҳосил бўлиши билан иймон қувватининг зиёда бўлиши орасини яқинлаштиради.

Лекин, бу - «ушбу амаллар иймоннинг аслидан ёки феълан иймонни йўқ қиладиган нарсалардан» дегани эмас, балки бу - «ушбу ва ушбуга ўхшаш бошқа шаръий амалларни, шаръий таклифларнинг иймонга бевосита алоқаси бор» деганидир. Гуноҳ ва маъсият амаллари иймонни сусайтиради. Яхшилик амаллари эса, уни кучайтиради. Бу ерда бундан бошқа маъно йўқ. Иймон билан амаллар орасида чамбарчас алоқа бор экан, шубҳасиз иймонни кучайтирадиган амалларни иймон, амалларни кучайтирадиган иймонни эса, амал деб қўллаш дурустдир. Ушбу узвий алоқа Аллоҳнинг Китобида 70 дан ортиқ ўринда очик-ойдин баён қилинади. Унда иймоннинг зикри солиҳ амал билан яқинлаштирилган ҳолда келади. Шундай бўлсада, яна такрорлаб, таъкидлаб айтамизки, иймон бир боб бўлса, амал бошқа бобдир. Ораларида чамбарчас алоқа мавжудлиги сабаблигина уларнинг бирини иккинчисига қўллаш мумкин. Бу ҳақиқат бобидан эмас, балки мажоз бобидандир.

Хуллас, иймон далилдан келиб чиққан, воқега мос келувчи қатъий тасдиқ ва ёки қалбий эътиқод бўлса-да, амаллардан ажралган нарса эмас, балки, у амалларга боғлиқки, улар билан салбий ёки ижобий таъсирланади. Масалан, яхшилик амаллари ва тоатлар иймоннинг қувватини зиёда қиладди. Гуноҳ ва маъсият амаллари унинг заифлигини оширади. Демак, иймон билан амаллар орасидаги алоқа мустаҳкам бўлиб, уларнинг ҳар иккаласи бошқасига таъсир кўрсатади. Шунинг учун уларнинг бир-биридан фарқи бўлсада бирини бошқасига қўллаш мумкин.

Шунга кўра, иймон диннинг асоси бўлиб, мўминлар жаннатда шу иймон сабабли бир-биридан афзал бўлар эканлар, демак умуман мусулмонлар, хусусан даъватчилар иймонни энг кучли ҳолатларида сақлаб қолишга қаттиқ ҳарис бўлишлари ва унга заифлик оралаб қолишдан бутунлай эҳтиёт бўлишлари вожиб. Мукаммал ва бақувват иймонни сақлаб қолишга, қолаверса жаннатдаги олий даражаларга етишга фақат вожибларни адо этиш

билан, мандуб ва тоат феълларини кўпайтириш билан эришилади. Вожибларнинг энг буюги Хулофай Рошидани барпо қилиш орқали Ислом ҳаётини қайта бошлашга ҳаракат қилиш билан ислом умматини юксалтиришга интилишдир. Чунки, халифаликни барпо қилиш орқали шаръий ҳукмлар бекор қилинганидан сўнг яна қайта тикланади, Ислом қайтадан ҳаётга келади. Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилиш вожибларнинг энг буюги ва Аллоҳнинг наздида вожибларнинг энг савоблисидир. Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Ер юзида ижро қилинадиган битта ҳад инсонлар учун ўттиз ёки қирқ кун ёмғир ёққанидан яхшироқдир». Аҳмад, Нисойй, ибн Можжа ривояти. Шундай экан Аллоҳнинг барча ҳадларига амал қилиш қандай яхши? Аллоҳнинг барча ҳадларини ижро қилиш бахтига фақат халифаликни барпо қилиш билан эришилади. Абдуллоҳ ибн Умардан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Кимки тоатдан қўлини тортса, киёмат кунида Аллоҳга ҳужжатсиз йўлиқади. Кимки гарданида байъат масъулияти бўлмаётган бўлса, жоҳилият ўлимида ўлади». Муслим ривояти. Ушбу ҳадиснинг маъноси шуки, кимки халифалик (замониға) етса ва халифага итоат қилса, жоҳилият ўлимидан халос бўлади. Аммо, кимки бугунги мусулмонлар каби халифаликка етолмаса, улардан халифаликни қайта тиклаш ва халифа сайлаш учун ҳаракат қилмасдан ўлганлари жоҳилият ўлимида ўлган бўлади. Демак, халифаликни тиклашга ҳаракат қилиш энг буюк амал ва вожибларнинг энг вожибидир. Бу ҳаракат иймон қувватининг зиёда бўлишига олиб келади. Шунинг учун умуман мусулмонлар, хусусан даъватчилар гуноҳ иш қилишдан, алаҳусус гуноҳи кабира қилишдан эҳтиёт бўлмоғи вожиб. Чунки бу иймонни ниҳоят даражада сусайтиради. Солиҳ амаллар ҳасанотлардан бўлиб, фақат савобни ошириш учунгина эмас, балки - бунга қўшимча - иймонни кучайтириш учун ҳам қилинади. Маъсиятлар фақат ёмон амаллар бўлиб, улардан фақат гуноҳни тарк этиш учунгина тийилинмайди. Шундай қилиб, иймон масаласига бир томонлама эмас, икки томонлама қараш вожиб. Бу умуман мусулмонни, хусусан даъватчини вожибларни адо этишга, мандуб феълларни ва тоатларни кўп қилишга ҳамда маъсият ва гуноҳлар ботқоғига ботиб қолмасликка қаттиқ тиришишга ундайди. Вожиб ва мандублардан иборат солиҳ амалларни қилиш билан иймон қуввати зиёда бўлар экан, даъватчи вожиб амалларни давомий бажариши, ҳамда тоат-ибодатларни шу қадар кўпайтириши лозимки, у вақт ўтган сайин вожиб ва мандуб амаллари билан зийнатланувчи бўлсин. Қуръонни кироат қилиш, уни ёдлаш, Аллоҳни кўп зикр қилиш, борлиқ оятларида тафаккур қилиш мандуб амаллар жумласидандир. Даъватчи ўз Павардигори билан доимий алоқада бўлиб туриши учун нафл ибодатларни бажариши лозим. Шунда унинг доими иймони кучли қолади.

Сўзимизнинг охирида шуни айтмоқчимизки, бақувват иймон қиёмат кунида фазилатлар мезони бўлибгина қолмай, у даъватчига яна шунинг учун ҳам зарурки, у даъватни етказиш мобайнида дуч келадиган машаққат ва тўсиқларга шу иймон билан ғолиб келади. Ўзига рўбарў қилинаётган алдов ва имтиёзлардан ҳам шу иймон сабабли халос бўлади, ўзи билан тортишаётган

нафс-хохиши ва шахватлардан ҳам иймон сабабли нажот топади. Натижада у порлоқ чироқ, доимий ҳаракат, узлуксиз фаолият, барча тўсикларни ёриб ўтувчи, ҳар хил игво-васвасалардан ғолиб келувчи ва барча нафс-хохишию шахватларни улоқтирувчи бўлиб қолади. Шундай қилиб у, Аллоҳнинг риояси, ёрдами ва тавфиқиға бурканган, Унинг ёрдам беришиға ва барча яхшиликларни уни қўли орқали рўёбға чиқаришиға ҳақли бўлган исломнинг тирик намунасиға айланади.

ДУНЁ МУҲАББАТИ

Тангри Таоло «ал-Вокеъа» сурасида шундай марҳамат қилади:

وَكُنتُمْ أَزْوَاجًا ثَلَاثَةً ﴿٧﴾ فَأَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ مَا أَصْحَابُ الْمَيْمَنَةِ ﴿٨﴾ وَأَصْحَابُ
الْمَشْأَمَةِ مَا أَصْحَابُ الْمَشْأَمَةِ ﴿٩﴾ وَالسَّابِقُونَ السَّابِقُونَ ﴿١٠﴾ أُولَئِكَ الْمُقَرَّبُونَ ﴿١١﴾

– „Сизлар уч тоифа бўлдингиз. Бас, (у уч тоифадан биринчиси) ўнг томон эгаларидир. Ўнг томон эгалари (бўлмоқ) не (саодатдир). Иккинчи тоифа шум-гап томон эгаларидир. Шум-гап томон эгалари (бўлмоқ) не (бахтсизлик)дир. (Учинчи тоифа бўлмиш барча яхши амалларга) пешқадам бўлгувчи зотлар (жаннат неъматларига эришишда ҳам) пешқадам бўлувчи зотлардир. Ана ўшалар ноз-неъмат боғларида (Аллоҳ Таолога) яқин қилингувчилардир“.

[56:7-11]

Агар инсон иймон келтириб, итоат қилса, Аллоҳ унга ўрин қилиб жаннатни яратди, агар кофир бўлиб, осийлик йўлига кирса, уни азоблаш учун жаҳаннамни яратди. Дунёни эса, имтиҳон ҳовлиси қилди. Имтиҳонда муваффақият қозонган инсон жаннатга, муваффақият қозонолмагани эса, жаҳаннамга дохил бўлур. Инсон ушбу бири бошқасидан каттароқ бўлган икки довонни босиб ўтади. Агар у ҳар икки довондан ошиб ўтса катта зафарга эришади ва мангу жаннатга қиради. Агар довонларни босиб ўтолмаса, бутунлай зафарсиз бўлиб, абадул абад жаҳаннамга равона бўлади. Аммо агар инсон бо довонлардан фақат бирини босиб ўтса, иккинчисидан ўтолмаса, унча аҳмияти бўлмаган, арзимас ғалабага эришади. Маълум вақт жаҳаннамда бўлиб, сўнг абадий жаннатга қиради. Биринчи довон куфр довонидир, иккинчиси эса, дунёга муҳаббат қўйиш довонидир. Иккала довонни ҳам босиб ўтолмаган инсон кофир саналаби, шум-гап томон эгаларидан бўлади. Кимда-ким энг катта довон бўлмиш биринчи довонни босиб ўтса, иккинчи довонни босиб ўтолмаса ҳам у мўмин саналади ва ўнг томон эгаларидан бўлади. Агар у иккинчи довонни ҳам босиб ўтса, тақводор мўминлардан ва Аллоҳга яқин қилингувчи пешқадамлардан бўлади.

Демак, инсонлар уч қисмга бўлинадилар.

1. Кофирлар.
2. Мўминлар.
3. Тақводор мўминлар.

Аммо куфр довони бўлмиш биринчи довонни «Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ, Муҳаммад Унинг элчиси» дея гувоҳлик бериш билан босиб ўтилади. Кимки мана бундай ҳақиқий гувоҳлик берса, кофирлар гуруҳидан чиқиб, мўминлар гуруҳига қўшилади. Аммо дунё муҳаббатидан иборат бўлган иккинчи довон эса, охиратни яхши кўриш, охиратга ҳаракат қилиш ва уни дунё муҳаббатидан афзал кўриш билан босиб ўтилади. Бундай қилган инсон тақводор мўминлар сафига қўшилади.

Юқоридаги гаплардан маълум бўладики, Аллоҳ мусулмонларни жаҳаннамда мангу азобланишдан қутқарар экан ва У уларни жаннатга

киритишга ваъда берар экан, мусулмонлар ҳатто жаҳаннамнинг вақтинча азобидан қутилиш учун ҳам дунёни севиш доводидан ўтиб кетишлари лозим. Ким бу доводдан ўтиб кетса, жаҳаннамда азобланишдан омон қолади. Бу доводдан ўтиб кетолмаган инсон эса, жаҳаннамда озми-кўпми азобланади. Демак, дунё муҳаббати мусулмонлар олдидаги ягона тўсиқки, агар бу тўсиқдан ўтиб кетсалар, ўз жонларини азобдан сақлаб қолиб, жаннатдаги олий даражаларга лойиқ бўладилар. Агар дунёга муккасидан кетиб, уни севиб, охиратдан афзал билсалар, уларнинг ишини Аллоҳ ҳал қилади; хоҳласа уларни қилмишларига кўра азоблайди, хоҳласа мағфират қилади. Аллоҳ мағфират қилган тақдирда ҳам, агар жаннатга кирсалар ундаги олий даражаларга асло эга бўла олмайдилар. Демак мусулмонлар устида иккинчи довод хавфи яъни дунё муҳаббати, дунё талашиш хавфи бор. Улар биринчи доводни босиб ўтиб кетганларидан сўнг, унга яна қайтиб келишлари хавфи йўқдир. Уқбатубни Омирдан ривоят қилинади: «Расулulloҳ Ухуд жангида ҳалок бўлган шаҳидларга жаноза ўқидилар, сўнг ўликлар билан ҳам, тириклар билан ҳам хайрлашувчи каби минбарга кўтарилиб», дедилар: «Мендан сўнг мушрик бўлиб кетишингиздан асло кўркмасман. Лекин дунё талашиб, бир-бирларингизни ўлдиришингиздан кўрқаман. Бу аҳволда сизлар ўзингиздан олдин ўтган инсонлар каби ҳалок бўлурсизлар». Муслим, Бухорий ва Аҳмад ривояти. Абу Саид ал-Худрийдан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Сизларнинг устингизда энг кўп хавфсирайдиган нарсам - Аллоҳ сизлар учун чиқариб берган ер баракотларидир. Нима у ер баракотлари? - дейилганда, у - дунёнинг зеб-зийнатидир», - дедилар.

Дунё муҳаббатидан ва дунёни охиратдан афзал билишдан огоҳлантириб, кўпгина оятлар ҳам келган.

Аллоҳ «Анфол» сурасида марҳамат қилади:

مَا كَانَ لِنَبِيٍّ أَنْ يَكُونَ لَهُ أَسْرَى حَتَّى يُثْخِنَ فِي الْأَرْضِ تُرِيدُونَ عَرَضَ الدُّنْيَا وَاللَّهُ يُرِيدُ
الْآخِرَةَ وَاللَّهُ عَزِيزٌ حَكِيمٌ

– „Бирон пайгамбар учун, то ерда золиб бўлмагунча асир олиш жоиз эмас эди. (Эй мўминлар) сизлар дунё нарсаларини истамоқдасиз. Аллоҳ эса, охират (неъматлари сизларники бўлиши)ни истайди. Аллоҳ қудратли, ҳикматлидир“.

[8:67]

«Тавба» сурасида айтади:

يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا مَا لَكُمْ إِذَا قِيلَ لَكُمْ انْفِرُوا فِي سَبِيلِ اللَّهِ أَتَأْتِلُمْ إِلَى الْأَرْضِ أَرْضَيْتُمْ
بِالْحَيَاةِ الدُّنْيَا مِنَ الْآخِرَةِ فَمَا مَتَاعُ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا قَلِيلٌ

– „Эй мўминлар сизларга нима бўлди Аллоҳ йўлида (жиҳодда) чиқинлар дейилса, ўз ерингизга ёпишиб олдингиз?! Охират (неъматларидан) юз ўгириб, ҳаёти дунё (лаззатлари)га рози бўлурмисиз?! Охират олдидан бу дунё матоси арзимас нарсасу?“

[9:38]

«Аъла» сурасида айтади:

بَلْ تُؤْثِرُونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿١٦﴾ وَالْآخِرَةَ خَيْرٌ وَأَبْقَى ﴿١٧﴾

– „Йўқ, сизлар (эй кофирлар) ҳаёти дунёни устун қўюрсизлар. Ҳолбуки, охираат яхшироқ ва боқийроқдир“. [87:16,17]

Булардан бошқа яна бир неча оятлар мавжудки, бу оятларнинг барчаси охираатни кўйиб, дунёни яхши кўришдан ва бунинг оқибати жаҳаннам эканлигидан огоҳ этади. Ушбу оятлар дунёни севиш ва охираатдан устун кўриш жаҳаннам аҳли бўлмиш кофирларнинг маслаки эканини маълум қилади.

Аллоҳ «Худ» сурасида марҳамат қилади:

مَنْ كَانَ يُرِيدُ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا وَزَيَّنَتَهَا ثُوفًا لِّبَنِيهِمْ أَعْمَالُهُمْ فِيهَا وَهُمْ فِيهَا لَا يُنْحَسُونَ ﴿١٥﴾ أُولَٰئِكَ الَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِي الْآخِرَةِ إِلَّا النَّارُ وَحِطَّ مَا صَنَعُوا فِيهَا وَبَاطِلٌ مَّا كَانُوا يَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾

– „Ким (фақат) шу ҳаёти дунё ва унинг зебу-зийнатларини хоҳласа, уларга қилган амалларини (ажр-мукофотини) шу дунёнинг ўзида берамиз. (Улар бу дунёда ҳамма нарсга эга бўлурлар) зиён кўрмайдилар. Ундай кимсалар учун охираатда дўзах ўтидан ўзга ҳеч нарса йўқдир. Уларнинг бу дунёда қилган яхши амаллари бекор бўлур ва ҳамма амаллари бефойдадир“. [11:15,16] «Иброҳим» сурасида айтади:

اللَّهُ الَّذِي لَهُ مَا فِي السَّمَاوَاتِ وَمَا فِي الْأَرْضِ وَوَيْلٌ لِّلْكَافِرِينَ مِنْ عَذَابٍ شَدِيدٍ ﴿٢﴾ الَّذِينَ يَسْتَحِبُّونَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا عَلَى الْآخِرَةِ وَيَصُدُّونَ عَنْ سَبِيلِ اللَّهِ وَيَعْنُونَهَا عَوًّا ﴿٣﴾ أُولَٰئِكَ فِي ضَلَالٍ بَعِيدٍ ﴿٤﴾

– „Аллоҳ еру осмонлар Унинг ўзиники бўлган Зотдир. Кофирлар учун қаттиқ азоб бўлғай. Улар ҳаёти дунёни охираатдан афзал кўрадиган (ҳамда одамларни) Аллоҳнинг йўлидан тўсадиган ва уни (эгиб-букишни) истайдиган кимсалардир. Ана ўшалар (ҳақ йўлдан) йироқ бўлган гумроҳдирлар“. [14:2,3] «ан-Наазият» сурасида айтади:

فَأَمَّا مَنْ طَغَى ﴿٢٧﴾ وَآثَرَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿٢٨﴾ فَإِنَّ الْحَجِيمَ هِيَ الْمَأْوَىٰ ﴿٢٩﴾

– „Бас, кимки (ҳаёти дунёда) тугён қилса ва ҳаёти дунёни (охираатдан) устун қўйса унинг жойи жаҳаннамдир“. [79:37-39]

Шунинг учун ақлли ва зийрак мусулмон ўзини дунё тузоқларига илиниб қолишдан халос этиши ва ҳақиқий ҳаёт ва барқарор ҳовлиси бўлмиш охираат учун амал қилиши вожиб. Шаддод ибн Авсдан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Нафси бўйсунадиган ва ўлимдан кейинги ҳаёт учун амал қилган инсон энг зийракдир. Нафс-ҳавоси кўйига кирган ва Аллоҳдан орзу-умидлар қилган инсон эса, энг ожиз, нотовондир». Термизий ривоят қилган ва ҳасан деган. Бу ҳадисни Аҳмад, ибни Можжа ва Ҳоким ҳам ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадиси шарифдаги «ал-каййис» сўзи ақл-заковатли ва зийрак инсонни англатади. Оиша р.а.дан ривоят қилинади: «Дунё ҳовлисиз одамнинг ҳовлисидир. Ақли йўқ инсон шу ҳовли учун тўплайди». Аҳмад ва Бухорий ривояти. Энг ажаблиси шундаки, инсонлар итдек ташланаётган мана бу дунёнинг ҳеч қандай қадр қиммати йўқдир. Унинг қадри охират олдида сарик чақага тенгдир. Бани Фаҳд иниси Муставриддан ривоят қилади. Расулulloҳ дедилар: «Охиратнинг олдида дунёнинг қиммати шунчаликки, бирортангиз бармоғини денгизга солса, қарасинки қўлида нима қолади?!» Термизий, Муслим, ибн Можжа ва Аҳмад ривояти. Маскар ибн Саъддан ривоят қилади. Расулulloҳ дедилар: «Агар дунёни Аллоҳнинг назарида пашшанинг қанотичалик қадри бўлганда эди Аллоҳ бирор кофирни дунёдан бир қултум ҳам тоттирмас эди». Термизийнинг саҳиҳ санаб билан қилган ривояти. Муставрид ибн Шаддоддан ривоят қилади: «Расулulloҳ билан бирга ўлакса қўзи устида тўхталган отлиқлар орасида мен ҳам бор эдим». Расулulloҳ дедилар: «Мана бу қўзини кўряписизларми, ўз аҳлига арзимас-хор бўлгани учун уни улоқтириб юборибдилар». Саҳобалар: «Хор бўлганидан кейин улоқтириб юборганларда, ё Расулаллоҳ»- дедилар. Расулulloҳ дедилар: «Дунё Аллоҳнинг наздида ўз аҳлига хор бўлган мана бу ўлакса қўзидан ҳам хорроқдир». Термизий ривояти. Муслим ҳам ушбу ҳадисни Жобир томонидан шу маънода ривоят қилган. Демак дунёнинг қадри сув юқисига тенг экан, уни Аллоҳнинг наздида пашшанинг қанотичалик қиммати йўқ экан, у Аллоҳга ўлик қўзидан ҳам хорроқ экан, қандай қилиб ақлли, зийрак мусулмон киши кенглиги еру-осмончалик жаннатлардаги мангу ва абадий неъматларни қўйиб дунё билан ғурурланади. У Расулulloҳнинг қуйидаги муборак сўзларини эшитмаганмиди? «Жаннатдаги бир камчининг ўрни дунёдан ва дунёдаги нарсалардан яхшироқдир. Аллоҳнинг йўлида эртаю кеч юриш дунёдан ва ундаги нарсалардан яхшироқдир». Бу ҳадисни Бухорий, Термизий ва Аҳмад Саҳл томонидан ривоят қилганлар. Шундай экан, Аллоҳ Таоло жаннатда тайёрлаб қўйган кенг боғу роғларни, ундаги нарсаларни роҳатлантирадиган ва қўзларни қувонтирадиган неъматларни тарк этиб, камчининг ўрничалик нарса устида муккадан кетиш ва итдек талашиш не учун?, не сабаб? Мусулмон Расулulloҳнинг муборак қўлларини Абдуллоҳ ибн Умарнинг елкаларига қўйиб, унга гапирган гапларини эшитмаганмиди: «Дунёда ғарибдек ёки йўловчидек бўлгин». У Расулulloҳнинг «Дунё мўминнинг қамокхонаси, кофирнинг жаннатидир» деган сўзларини эшитмаганмиди? Муслим, Термизий, ибн Можжа ва Аҳмад ривояти. Нечук у дунёда сафар қилмайдиган муқим янглиқ яшамокда? Ҳолбуки бу дунё қамокхона, ўзининг жойига жаннатдаги уйига факат шу қамокхонадан чиқиш билан қайтар эди. Бунга жавоб шуки, мусулмон ушбу ҳадисларни эшитган бўлса ҳам бироқ, бир «наrsa» унинг ақлини пардалаб, ундан заковат ва ҳидоятини тортиб олган бўлиши мумкин. У наrsa ҳавои-нафсдир. Ҳавои-нафс ўрта хорликни остин-устин қилиб юборишга, ақлли, зийрак мусулмонни охиратдан дунёни афзал биладиган қилиб қўйишга, мусулмон билан Аллоҳнинг шариатига чекланиш орасини тўсиб қўйишга ҳамда уни маъсият

ва гуноҳлар ботқоғига ботириб қўйишга кафилдир. Буларнинг барчаси охират неъматларига ва Аллоҳнинг розилигига олиб борадиган нарсаларни тарк этиб, дунёвий лаззатлар, дунёвий манфаатлар ортидан югуриш сабабли вужудга келади. Демак ҳавои-нафс ва дунё муҳаббати битта нарса бўлиб, бири бошқасидан ажралмайди. Уларнинг қаршисида Аллоҳдан қўркиш ва охират учун амал қилиш туради.

Аллоҳ «ан-Назият» сурасида айтади:

فَأَمَّا مَنْ طَغَى ﴿٢٧﴾ وَآثَرَ الْحَيَاةَ الدُّنْيَا ﴿٢٨﴾ فَإِنَّ الْحَجِيمَ هِيَ الْمَأْوَى ﴿٢٩﴾ وَأَمَّا مَنْ خَافَ مَقَامَ رَبِّهِ وَنَهَى النَّفْسَ عَنِ الْهَوَىٰ ﴿٣٠﴾ فَإِنَّ الْجَنَّةَ هِيَ الْمَأْوَى ﴿٣١﴾

– „Бас, ким (ҳаёти дунёда қуфру исён билан) тугёнга тушган ва ҳаёти дунёни охиратдан устун қўйган бўлса, у ҳолда фақат жаҳаннамгина (унинг учун) жой бўлур. Аммо ким (ҳаёти дунёдалиқ пайтида қиёмат куни маҳшаргоҳда) Парвардигорининг (ҳузурида) туриши (ва У Зотга ҳисоб-китоб бериш)дан қўрққан ва нафсини ҳавои-хоҳишларидан қайтарган бўлса, у ҳолда фақат жаннатгина (унинг учун) жой бўлур“.

[79:37-41]

Кимки дунёни севса, нафс-хоҳишига берилган ва унга бўйсунган бўлади. Нафс-хоҳишга берилган инсон эса, дунёни ва унинг зеб-зийнатларини яхши кўради. Нафс-хоҳишнинг табиати шундайки, у инсон ақлини тўғрилиқ ва ҳақиқатдан буради, унга ботил ва мункарни зийнатлаб кўрсатади. Кимки зино қилса ёки ароқ ичса ёки ўғрилиқ қилса, судхўрлик қилса, бирор мусулмонни ноҳақ ўлдирса ёки намозни тарк этса ёки закот беришдан бўйин товласа ёки даъватни етказишдан ва унинг йўлида азоб-укуботларни кўтаришдан чекинса, у бу ишларнинг барчасини нафс-хоҳиш ва дунё муҳаббати ундови билан қилади. Акс ҳолса, ақл охиратнинг яхшилиги билан дунёнинг ёмонлиги ва фитналиги орасини ажратиб олишга қодирдир. Ақл Аллоҳнинг розилиги учун шариат аҳкомларига амал қилишнинг улўғлиги билан Аллоҳнинг ғазабига олиб келувчи маъсият амалларини қилиш ва шариат аҳкомларига қарши чиқишнинг тубанлиги орасини ажратиб олишга ҳам қодирдир. Агар ақлни пардалайдиган ҳавои нафс бўлмаганда эди, мусулмон - тақлиф юклатилмаган жинни ёки тентак бўлмаса - дунёга муққасидан кетмаган ва охират учун амал қилишни тарк этмаган бўларди.

Аллоҳ Таоло «Каҳф» сурасида марҳамат қилади:

وَاصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَدَاةِ وَالْعَشِيِّ يُرِيدُونَ وَجْهَهُ وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الْحَيَاةِ الدُّنْيَا وَلَا تُطِعْ مَنْ أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ عَنْ ذِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوَاهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرْطًا

– „Сиз ўзингизни эртаю-кеч Парвардигорларининг юзини-розилигини истаб унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг. Кўзларингиз ҳаёти-дунёнинг зийнатларини кўзлаб (улардан ўтиб) ўзга аҳли дунёларга боқмасин. Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан ғофил қилиб қўйган, ҳавои-нафсга эргашган ва қилар иши исрофгарчлик бўлган кимсаларга итоат этманг“.

[18:28]

Аллоҳ «Мухаммад» сурасида айтади:

وَمِنْهُمْ مَنْ يَسْتَمِعُ إِلَيْكَ حَتَّى إِذَا خَرَجُوا مِنْ عِنْدِكَ قَالُوا لِلَّذِينَ أُوتُوا الْعِلْمَ مَاذَا قَالَ آنفًا
أُولَئِكَ الَّذِينَ طَبَعَ اللَّهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ

– „*(Эй Мухаммад)* уларнинг *(мунофиқларнинг)* орасида шундай кимсалар ҳам борки, улар сизга қулоқ солиб турурда, хузурингиздан чиққан вақтларида илм ато этилган зотлардан *(масхара қилишиб)*: „*Ҳозиргина (Мухаммад) нима дедди?*“ деб сўрарлар. Ана ўшалар Аллоҳ дилларини муҳрлаб қўйган ва ўзларининг ҳавои-нафсларига эргашган кимсалардир“.

[47:16]

Нафс хоҳиш қалбни ҳақдан ғофил қилади, у ўз соҳибининг қалбига ўрнашиб олади. Кимки ҳақдан ғофил бўлса ва қалбига ҳаво ўрнашиб олса, маъсиятлар унинг амали, мункаротлар унинг қилмиши бўлади. Шу иборанинг 2-варианти: Ҳақдан ғофил бўлган ва қалбига ҳавоий-нафс ўрнашиб олган инсоннинг эса, амали маъсият, қилмиши мункарот бўлади. Дунё унинг энг катта ғами бўлади. Буларнинг натижаси эса, залолат ва ёмон оқибатга олиб келади.

Аллоҳ «ал-Қасос» сурасида айтади:

فَإِنْ لَمْ يَسْتَجِيبُوا لَكَ فَاعْلَمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَاءَهُمْ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنْ اتَّبَعَ هَوَاهُ بَغْيِرَ هُدًى
مِنَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَهْدِي الْقَوْمَ الظَّالِمِينَ

– „Энди улар сизга жавоб бера олмасалар, бас билингки, улар фақат нафс-ҳаволарига эргаширлар. Аллоҳ томонидан ҳидоятланмаган ҳолда ўз ҳавои-нафсларига эргашган кимсадан ҳам йўлдан озган ким бор?! Албатта Аллоҳ бундай золим қавмни ҳидоят қилмас“.

[28:50]

Аллоҳ «Мухаммад» сурасида айтади:

أَفَمَنْ كَانَ عَلَىٰ يَتِيَةٍ مِّن رَّبِّهِ كَمَنْ زُوِّنَ لَهُ سُوءُ عَمَلِهِ وَاتَّبَعُوا أَهْوَاءَهُمْ

– „Аллоҳ томонидан очиқ-равшан ҳужжатга эга бўлган зотлар *(яъни Расулulloҳ ва мўминлар)* қилган ёмон амаллари чиройли кўринган ва ҳавои-нафсларига эргашган *(кофир у кимсалар)* каби бўлурми?!“

[47:14]

Бугунги кунда барча мусулмонлар дунёга муҳаббат қўйдилар. Уларнинг амаллари Аллоҳнинг шариатидан узоқлашиш бўлди. Натижада уларни Худо уриб, уларнинг устидан насронийларни, яҳудийларни ва ҳиндуларни ҳукмрон қилиб қўйди. Улар мусулмонларга хорлик ва хўрликнинг энг аччиқ турларини тоттириб келмоқдалар, ҳамда уларнинг тақдирларига бир сиқим аҳли жаҳаннам орқали ҳукм қилиб келмоқдалар. Яҳудий ва насронийлар (ўша бир сиқим аҳли жаҳаннамни) мусулмонлар устидан ҳоким қилиб сайлаб қўйганлар. Ушбу ҳокимларнинг бутун ташвиши исломга ва даъватни етказувчи, мусулмонларни мана бу кофир душманлар ҳукмронлигидан озод этишга ҳаракат қилувчи муҳлис мусулмонларга қарши курашишдир. Шундай бўлгач, арзимас қушчалар бўлган яҳудийлар бизларнинг устимизда ўзларини бургут санашлари, айрим мукаддас нарсаларимизни тортиб олишлари

гаройиб эмасдир. Аслида уларнинг қуввати баҳайбат шер олдидаги сичқоннинг қувватидан ортиқ эмас. Бизнинг бу аҳволга тушиб қолишимиз сабаби шуки, бизлар дунёга муҳаббат қўйиб, уни охиратдан афзал билдик. Натижада, Аллоҳ қалбларимизга кофир душманлардан қўрқиш ва заифликни солди. Савбондан ривоят қилинади: Расулulloҳ дедилар: «Емиш ўз идишига солинганидек умматлар сизларнинг устингизга ташланадилар». Шунда бир киши «Ўша вақтда биз озчилик бўламизми?»- деди. Расулulloҳ дедилар: «Йўқ, ўшанда сизлар жуда кўпчилик бўласизлар, лекин дарёда оқиб келаётган хас-чўпга ўшаб қоласизлар. Аллоҳ душманларингизни қалбидан сизлардан қўрқишни чиқариб ташлайди, дилларингизда заифлик пайдо қилади». Шунда бир киши «ё Расулalloҳ, заифлик недир» деб сўради. Расулulloҳ дедилар: «У - дунёни яхши кўриш ва ўлимни ёмон кўришдир». Абу Довуд ривояти. Аҳмад ушбу ҳадисни куйидаги ибора билан ривоят қилади: «Сизлар ўша кунда кўпчилик бўласизлар. Лекин дилларингизга заифлик солинади». Шунда улар заифлик нима? дедилар. «У - дедилар Расулulloҳ - дунёни яхши ва урушни ёмон кўришингиздир».

Дунёни яхши кўриш шахс ва жамоат ҳолларида мусулмонларнинг юзларига тушган қаттиқ тарсаки бўлди. Бу тарсаки дин аҳкомларини маҳкам ушлашдан чиқариб, золим ва адашувчиларнинг йўлига тортди ва уларни бугунги кундаги хорлик ва тубанлик ёқасига олиб келди. Жуда озчилик бўлган айрим узрли кимсаларни олмаганда бирор мусулмон ушбу тарсакидан саломат қолган эмас ва иккинчи довонни босиб ўтолган эмас. Магар айрим мусулмонлар даъватни етказишдан ўзларини жавобгар ҳис этганлар. Мусулмонларни дунёни севишдан ва Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни ёмон кўришдан огоҳ этдилар. Мусулмонларни охиратни яхши кўришга, шариат аҳкомлари билан чекланишга ҳамда кофирларнинг ҳукмронлигидан бутунлай халос бўлиш учун ва азизлигу ғалаба яна ўзимизга қайтиб келиши учун ер юзида Аллоҳнинг ҳукмини барпо қилишга ундадилар. Ислом даъватчининг гап-сўзида, амалларида ва хулқ-атворида намоён бўлиб турмоғи лозим. Даъватчи Аллоҳнинг шариатини мукамал ушлайдиган кимсадир. Чунки даъватни тарқ этган одам қаттиқ гуноҳкор бўлади. Кўпинча у - гарчи ҳар доим рўздор, намозхон, ибодатгўй бўлса ҳам - жоҳилият ўлимида ўлади. Шундай экан, агар мусулмон Аллоҳнинг шариатини тўғалигича ушлашни ва Роббисининг розилигига етишни хоҳласа, - намоз, рўза, закот, ҳаж ибодатларини бажариш ва маъсият, мункарлардан четланиш билан бирга - даъватни етказиши ва исломга амал қилишни тирилтириши вожиб. Акс ҳолда у заиф, гуноҳкор бўлади.

Ислом биздан икки асосий ишни талаб қилади:

1. Исломга амал қилиш.
2. Уни инсонларга етказиш.

Исломга уни инсонларга етказмаган ҳолда амал қилиш талабнинг ярмидир. Амал қилмаган ҳолда уни етказиш ҳам талабнинг ярмидир. Ҳам амал қилиш, ҳам инсонларга етказиш билан талаб тўла амалга ошади. Маълумки, Аллоҳнинг шариати билан чекланадиган даъватчида Ислом шаклланади, у

талабни тўқис адо этади, Аллоҳдан ҳақиқий такво қилади. Ана ўша даъватчи дунё муҳаббатидан иборат бўлган иккинчи довонни босиб ўтиб, охиратни афзал билган ва охират учун амал қилган инсондир. У бутун оламлар Парвардигорининг изни-иродаси билан жаннат неъматларига «пешқадам» бўлгучилардир.

Ислом мусулмонни дунёдан ўз насибасини олиб ва дунё тоййиботларидан фойдаланишдан ман қилмайди.

Аллоҳ «ал-Қасос» сурасида айтади:

وَابْتَغِ فِيمَا آتَاكَ اللَّهُ الدَّارَ الْآخِرَةَ وَلَا تَنْسَ نَصِيبَكَ مِنَ الدُّنْيَا

– „Аллоҳ Таоло берган бойлик билан охират ҳовлисини умид қилгин ва дунёдаги насибангни ҳам унутмагин“. [28:77]

«Аъроф» сурасида айтади:

قُلْ مَنْ حَرَّمَ زِينَةَ اللَّهِ الَّتِي أَخْرَجَ لِعِبَادِهِ وَالطَّيِّبَاتِ مِنَ الرِّزْقِ قُلْ هِيَ لِلَّذِينَ آمَنُوا فِي الْحَيَاةِ الدُّنْيَا خَالِصَةً يَوْمَ الْقِيَامَةِ كَذَلِكَ نُفَصِّلُ الْآيَاتِ لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ

– „Айтинг (эй Муҳаммад) „Аллоҳ бандалар учун чиқарган безак (либосларни) ва ҳалол-пок ризқларни ким ҳаром қилди?!“ Айтинг, „Улар (безак ва ҳалол ризқлар) ҳаёти-дунёда иймон эгалари учун (бўлиб, кофирлар ҳам уларга шерик бўлур) қиёмат кунда эса, фақат (мўминларнинг) ўзларига ҳосдир. Биладиган қавм учун оятларни мана шундай муфасссал қилурмиз“. [7:32]

Бироқ дунёдан насибани олиш ва ҳалол-пок нарсалардан фойдаланиш, ҳалол йўл билан, Аллоҳнинг шариатига мувофиқ бўлиши шарт. Масалан, мол-бойлик дунёдандир, уни савдо-сотик билан ҳосил қилиш дуруст бўлгани ҳолда ёлғончилик ёки судхўрлик билан ҳосил қилиш ножоиздир. Бойликни емоқ-ичмоққа, кийим-кечакка, уй жойга, ҳожатларни чиқаришга, муҳтожларга садақа қилишга сарфлаш дуруст. Ароқ сотиб олиш, хўжа кўрсинга зиёфатлар уюштириш, ракс ва ўйин кулгу биноларини куришга сарфлаш мумкин эмас. Никоҳ ҳам дунёдан, унга зино билан эмас, зивож билан эришилади. Кийим кечаклар дунёдан. Улар кибру-ҳаво ёки зийнат учун эмас, балки авратни тўсиш учун, иссиқ-совукдан сақланиш учун кийилади. Ўйин-кулгу дунёдан. Шунинг учун отларни тарбиялаш, камондан ўқ отиш ва шунга ўхшаш ўйинларни ўйнаш мумкин. Расулуллоҳ дедилар: «Мусулмон киши ўйнайдиган ўйинларнинг барчаси ботилдир. Магар, камондан ўқ отиш, отни тарбиялаш ва ўз аҳли-аёли билан ўйнаши мумкин. Булар ҳақдандир». Термизий, Абу Довуд, Доримий, Нисоий, Аҳмад ва ибн Можжаларнинг Уқба ибн Омирдан қилган ривояти. Демак қимор ўйнаш, ракс ва куй йиғинларига бориш, эркак хотин аралаш бўлган пляжларда чўмилиш дуруст эмас. Ҳовли жой ҳам дунёдан. Эҳтиёжга яраша уй куриш дуруст. Аммо бойликни кўз-кўзлаш учун бир неча оилани сиғдирадиган, хоналари ва айвонлари кўп бўлган дабдабали иморатлар солиш дуруст эмас. Молик ибн Анасдан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ бир куни чикдилар ва баланд гумбазни кўриб, «Бу нима?» - дедилар. Асхоблари «Бу ансорлардан

фалончининг уйи» - дедилар. Шунда Расулulloҳ сукутта берилдилар. Уй эгаси одамлар орасида турган Расулulloҳга салом берган ҳолда келгач, Расулulloҳ у кишидан юзларини ўгириб олдилар. Бир неча бор шундай қилдилар. Ҳатто у киши Расулulloҳдаги ғазаб ва юз ўгиришни билди. Буни асхобларига шикоят қилиб, мен Расулulloҳга тушунмай қолдим, - деди. Сахобалар дедилар: Расулulloҳ чикиб сенинг гумбазингни кўрдилар...». Сўнг у киши гумбазни парча-парча қилиб, ер билан теккислаб, кўйди. Яна бир куни Расулulloҳ чикдилар ва гумбазни кўрмадилар. «Гумбазга нима бўлди?» - деб сўрадилар. Сахобалар дедилар: Уй эгаси сизнинг юз ўгиришингиздан шикоят қилувди, унга нега юз ўгирганлигингиз ҳақида хабар бердик. Натижада, у гумбазни бузиб ташлади. Шунда Расулulloҳ «Эҳтиёждан ортик барча бино ўз соҳиби учун балодир» - дедилар. Абу Довуд, ибн Можжа ривояти.

Душманлар билан урушиш, уларга қаҳр қилиш ва шаҳарларини фатҳ этиш ҳам дунёдандир. Демак, дунё матоларини хоҳлаб эмас, Аллоҳнинг динини ёйиш, Аллоҳ йўлида жиҳод қилиш учун уруш қилиш, фатҳ этиш дурустдир. Абу Ҳурайрандан ривоят қилинади. Бир киши деди: «Ё Расулаллоҳ, бир киши Аллоҳ йўлида жиҳодга чиқишни хоҳлайди-ю, лекин дунё матоларини талаб қилади». Расулulloҳ «У киши учун ҳеч қандай ажр-мукофот йўқдир», дедилар. Бу гап одамларга оғир туюлди. Улар ҳалиги кишига: «Расулulloҳга бор, сен яхши тушунмагандирсан», дедилар. У киши келиб, Расулulloҳга деди: «Ё Расулаллоҳ, бир киши Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни хоҳлайди, лекин у дунё матоларини талаб қилади». Расулulloҳ «У учун ажр-мукофот йўқдир», дедилар. Одамлар ҳалиги кишини учинчи бор юбордилар. Расулulloҳ бу сафар ҳам: «У учун ажр-мукофот йўқдир», дедилар. Абу Довуд ва Аҳмад ривояти. Шунинг учун мусулмонлар ва даъватчи дунёга муҳаббат қўйишдан, ундан ношаръий йўл билан фойдаланишдан ҳамда уни охирадан афзал билишдан эҳтиёт бўлсинлар. Улар охирагга ҳаракат қилсинлар, Ҳақ Таолога тавба билан яқинлашсинлар, жаннатга ҳисоб-китобсиз кирувчи, Аллоҳга яқин, пешқадам кимсалар гуруҳига қўшилсинлар.

АЛЛОҲНИНГ КИТОБИ ИЛА

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло Қуръони Каримни ўз Расулига 23 йил мобайнида нозил қилди. Ўн уч йил Маккадалик вақтларида, ўн йил Мадинадалик вақтларида. Аллоҳ Таоло уни очик араб тилида Муҳаммад ибн Абдуллоҳнинг ҳаққи-рост пайғамбар эканлигини исботлайдиган мўъжиза қилиб ёки фақат мусулмонлар амал ва татбиқ учун чироқ, манба қилиб олишлари учунгина нозил қилгани йўқ. Балки, уни - буларга қўшимча - ўрганиш ва ўргатиш билан, ёдлаш ва такрорлаш билан, тиловат ва тартил - донда-дона ўқиш билан ибодат қилиш учун ҳам нозил қилди. Қуръон барча каломлардан олий ва устун каломдир. Шунинг учун уни ўрганиш ва ўргатиш таъаллум ва таълимнинг энг афзалидир. Уни ёдлаш ва такрорлаш ҳам, тиловат қилиш ва тартил билан ўқиш ҳам энг афзал ишдир. Фақат Қуръонгина тартил билан тиловат қилинади. Шунинг учун барча мусулмонлар, хусусан даъватчи Аллоҳнинг Китобини ўрганмоғи лозим. Унинг маънолари ва аҳкомлари олдида тўхталиб, унинг нуру ҳидояти билан ҳидоятланмоғи зарур. Чунки Аллоҳ Қуръонни одамлар билсин учун нозил қилди.

Аллоҳ Таоло «Фуссилат» сурасида марҳамат қилади:

كِتَابٌ فُصِّلَتْ آيَاتُهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ

– „У биладиган қавм учун арабий Қуръон ҳолида (нозил қилиниб) оятлари муфассал баён қилинган китобдир“. [41:3]

Айтиб ўтганимиздек Қуръонни ўрганиш ва ўргатиш энг афзал ишдир. Абу Хурайрадан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Сизларнинг энг яхшироғингиз Қуръонни ўрганган ва уни ўргатган инсондир». Бухорий, Муслим, Аҳмад ва асҳоби сунна ривояти. Абу Хурайрадан яна ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Қуръонни ўрганишлар, уни кироат қилишлар. Қуръон уни ўрганиб, кироат қилган ва ундаги ҳукмларга амал қилган инсон учун энг хушбўй миски-анбарларга лик-тўла тўрва халпага ўхшайди. Бу миск ҳамма жойда ўзининг хушбўй ҳидини таратади». Термизий ва ибн Можжа ривояти. Расулуллоҳнинг саҳобалари мана бу илоҳий ҳидоятга бўйсундилар. Улар Қуръонни Абу Абдуллоҳ ривоят қилган нарсаси ривоят қилган ҳолларида ўрганган ва амал қилган эдилар. Абу Абдуллоҳ деди: «Бизга Қуръон ўргатадиган Расулуллоҳнинг айрим саҳобалари айтиб берганларки, улар Расулуллоҳдан 10 оят Қуръон ўрганардилар, ушбу 10 оятдаги илмни билиб, унга амал қилмагунларича бошқа ўнтасига ўтмасдилар. Улар илм ва амални шундай ўргандик, - дейишади». Аҳмад ва Ҳоким ривояти.

Даъватчи даъватни етказишда ақидани, ақидага оид фикрларни ва шаръий ҳукмларни билиш билан курулганишга муҳтож. Илмнинг энг муҳими ва энг афзали ушбу нарсалар ҳақида Аллоҳнинг Китобида келган нарсаларни билишдир. Демак, даъватчи Аллоҳнинг Китобидаги ақида, ақидага оид фикрлар ва шаръий ҳукмлар қаршисида тўхталиши вожиб.

Шунингдек у Қуръондан муяссар бўлган миқдорда ёд олиши лозим, токи у намозларида, айникса кўпроқ кироат қилиш суннат бўлган бомдод намозларида узун суралардан кироат қилишга қодир бўлсин.

Аллоҳ Таоло «Исро» сурасида айтади:

أَقِمِ الصَّلَاةَ لِذُلُوكِ الشَّمْسِ إِلَى غَسَقِ اللَّيْلِ وَقُرْآنَ الْفَجْرِ إِنَّ قُرْآنَ الْفَجْرِ كَانَ مَشْهُودًا

– „Қуёш оғишидан то кун қоронғусигача намозни тўқис адо қилинг ва тонги ўқишни (бомдод намозини) ҳам (тўқис адо қилинг). Зеро тонги ўқиш (кеча ва кундуз фаришталари) ҳозир бўладиган намоздир“. [17:78]

Шунга қўшимча, Аллоҳнинг оятларини ёдлаш қанча кўп бўлса, мусулмон ўзи учун шунча фазилатни касб этади ва Роббисининг олдидаги мартабаси улуғ бўлади. Даъватчи бу нарсга ҳарис бўлмоғи лозим. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Қуръон соҳиби учун дейилади: ўқи ва парвоз қил, дунёда тартил билан ўқиганингдек дона-дона қилиб ўқи. Албатта сенинг мартабанг ўқиган охирги оятинг олдидадир». Абу Довуд, Аҳмад, Ибн Можжа, Ибни Хаббон ва Термизий ривояти. Термизий «бу ҳасан, саҳиҳ ҳадис» - деди. Зийрак оқил агар бир яхши нарсани ҳосил қилса, уни ёдлаб олади, унда сустлик қилмайди. Қуръонни кўтарган, уни ёд олган ҳофизи Қаламуллоҳ ҳам шундай бўлмоғи лозим. Кимки Қуръондан ёдласа сустлик қилиб уни унутиб ёки ташлаб юбормаслиги керак, Қуръонни қочиб, эсдан чиқиб кетишга йўл қўймаслик лозим, балки ёд бўлиб дилда муҳрланиб қолиши учун доимо такрорлаб ва эсга олиб туриш лозим. Акс ҳолда, у кўпгина яхшиликни қўлдан бой берган ва уни зое кетказган бўлади. Абу Мусодан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Қуръонни такрорлаб туринглар. Жоним Унинг қўлида бўлган Зотга қасамки, у боғланган туядан ҳам тезроқ қочувчидир». Бухорий ва Муслим ривояти. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Бирортаси фалон-фалон оятларни унутиб қўйдим, эсдан чиқиб қолди - дейиши яхшimas. Қуръонни эсга олиб туринглар. Чунки у кишиларнинг дилларидан ҳайвондан ҳам тез қочади». Доримий, Бухорий, Муслим, Термизий ва Нисои ривояти. Бу борада ибни Аббоснинг Расулуллоҳдан қилган ривояти етарлидир. «Қалбида Қуръондан бирор сура бўлмаган инсон ҳароба уйга ўхшайди». Термизий ҳасан санад билан ривоят қилган. Доримий, Аҳмад ва ибни Можжа ривояти. Демак даъватчи Аллоҳнинг оятларини кўпроқ ёдлашга ҳарис бўлсин ва у ёдлаган оятларини унутиб юборишдан эҳтиёт бўлсин. Аммо Қуръонни тиловат қилиш, уни тартил билан ўқиш хусусида шунини айтиш мумкинки, Қуръон барча нафис нарсаларнинг нафисроғи ва бутун мавжудот орасидаги энг қимматбаҳо, ноёб нарсадир. Шундай экан, ундан узоқлашиш асло мумкин эмас. Уни чанг бостириб тоқчаларга иргитиб қўйиш дуруст эмас. Балки, аслини олганда мусулмон одам хусусан даъватчи Қуръонни ўзининг ёнида олиб юриши, қаерга борса кўтариб бориши, ҳар куни кучи еганича ундан ўқиши лозим. Ўқиганида ҳам дили яйраб, ўқиётган нарсасига берилиб ўқиши лозим. Агар чарчаса ёки ўқиш малол келса кироатни тўхтатиб, ўқишга рағбат қилган вақтда ўқисин.

Аллоҳ «Муззаммил» сурасида айтади:

فَاقْرَءُوا مَا تَيَسَّرَ مِنَ الْقُرْآنِ

– „Қуръондан муяссар бўлган миқдорда ўқийверинглар“. [73:20]

Жандаб ибн Абдуллоҳдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ дедилар: «Қуръонни қалбларингиз рози бўлган миқдорда ўқинглар. Агар ўқишдан чарчаб қолсанглар, ундан туринглар». Бухорий, Муслим ва Аҳмад ривояти. Қуръон 30 порадир. Агар у ҳар куни ўртача бир порадан яъни 20 бетдан ўқилса, 30 кун ичида ўқиб чиқилади. Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ менга дедилар: «Қуръонни бир ойда ўқигин». Мен дедим: «Мени бундан тез ўқишга ҳам қувватим бор». «Унда йигирма кунда ўқи». «Мен бундан тез ўқишга ҳам ўзимда куч топаман». «Унда бир ҳафтада ўқиб чиқ, бундан ошириб юборма (яъни Қуръонни бир ҳафтадан озроқ кунда хатм қилма)». Муслим, Бухорий, Абу Довуд, Нисой ва Аҳмад ривояти. Шундай қилиб Расулуллоҳ Қуръонни ҳар ойда бир мартадан ўқиб чиқишни ўртача деб белгиладилар. Магар камокқа тушган маҳбус ёки касал бўлиб тўшақда ўтириб қолган бемор ёки ишга ярамайдиган қари чол ёки бошига мусибат тушиб фақат Қуръонни кироат қилиш билан овунишни хоҳлаган инсон ёки шуларга ўхшаган аҳволдаги инсонларгина бир ойдан озроқ муддат ичида Қуръонни хатм қилишлари мумкин. Чунки бир ойда ўқилсин деган сўз Пайғамбар А.нинг буйруқларидир. Бир ойдан озроқ муддат ичида ўқиб чиқишга Абдуллоҳ ибн Амрга ва ҳолати унга ўхшаган инсонларгагина рухсат берилган. Даъватчи билсинки, даъватни етказиш вожиб, Қуръон тиловат қилиш эса мандубдир. Шунинг учун Қуръонни кироат қилиш даъватчи билан вожиб бўлган даъват етказиш орасини тўсиб қўймаслиги лозим. Модомики у даъватни етказишга қодир экан, даъватни етказсин, агар чарчаш ёки кутилмаган шароитлар учун даъватни давомий олиб боришга имкон бўлмаса, шу вақтларда Қуръонни тиловат қилсин, гарчи бу тиловат бир ойдан ошиб кетса ҳам. Лекин даъватчи ҳар куни, гарчи бир жуздан озроқ бўлса ҳам, бир ҳизбдан озроқ бўлса ҳам (бир ҳизб жузнинг ярми) Қуръондан муяссар бўлган миқдорда тиловат қилишга ҳарис бўлмоғи лозим. Унинг умуман Қуръон ўқимай қўйиши дуруст эмас. Агар Қуръон ўқиса тартил билан ўқиши лозим. Тартил - дона-дона қилиб, аста-секин ҳарфларини ажратиб, ўз ўрнидан чиқариб ўқишдир. Қуръон мад билан, чўзиб ва шошмасдан ўқилади. Қатодадан ривоят қилинади. Анасдан Расулуллоҳнинг қироати қандай эди, деб сўралганида шундай деди: «Расулуллоҳ мад билан ўқирдилар, масалан, «Бисми-л-лаҳи-р-роҳмани-р-роҳийм»-да, бисмиллони, ар-роҳмани, ар-роҳиймни чўзар эдилар». Бухорий, Абу Довуд ривояти.

Аллоҳ Таоло ўз Расулини секин-аста тиловат қилишга амр этди. «Исро» сурасида марҳамат қилади:

وَقْرَأْنَا فَرَقْنَاهُ لِتَقْرَأَهُ عَلَى النَّاسِ عَلَى مُكْثٍ وَنَزَّلْنَاهُ تَنزِيلًا

– „Сиз Қуръонни одамларга аста-секин ўқиб беришингиз учун биз уни бўлақларга бўлдик ва бўлиб-бўлиб нозил қилдик“. [17:106]

Ва яна Куръонни тартил билан ўқишга буюрди. Бизлар ҳам бу борада Расулulloҳга эргашишга амр этилганмиз.

Аллоҳ «Муззаммил» сурасида айтади:

وَرَتِّلِ الْقُرْآنَ تَرْتِيلاً

– „Қуръонни тартил билан яъни дона-дона қилиб ўқинг“. [73:4]

Аслида даъватчи доимий равишда Қуръонни тиловат қилиши, тартил билан ўқиши шу қадар лозимки, у ҳар куни Қуръон ўқиши зарур. Агар хатм қилса, янгидан «Фотиҳа» сурасидан бошлаб ўқиши лозим. Шунингдек, у бир марта хатм қилса, яна бошқадан кироатни бошлаши зарур. Зарора ибн Аби Авфондан ривоят қилинади. «Расулulloҳдан «Қайси амал афзал» деб сўраганларида «ал-халул муртаҳил» деб жавоб бердилар. У нима дейилганда, айтдиларки, у Қуръон соҳибидирки Қуръонни бошидан охиригача, охиридан бошигача ўқиб чиқади. Қачонки етиб борса яна қайтади». Доримий ва Термизий ривояти. Агар бундай қилса, кўп шуғуллангани учун кироатда жуда мохир бўлиб кетади ва олий мартабаларга эришади. Оиша р.а.дан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Қуръон ўқишга мохир қори улуг, пок фаришталар билан биргадир. Қуръонни жуда берилиб ўқиган одам учун иккита ажр бордир». Бухорий, Муслим, ибни Можжа, Нисой, Термизий ва Аҳмад ривояти. Ҳадисдаги «ас-сафарот» лавҳул махфузда ёзиб турувчи фаришталардир. Қуръонни маҳорат билан кироат қилувчи инсон ўша фаришталар билан бирга бўлади. Шунинг учун даъватчи мана бундай улуг мартабани билганидан кейин унга эришишдан ғафлатда қолиши дуруст эмас. Холбуки у барча яхшиликларга ҳарис ва барча фазилатларга ошиқдир.

Қуръон 114 сурадан иборат бўлиб, бу суралар 6 мингдан кўпроқ оятни ва 300 мингдан зиёдроқ ҳарфни ўз ичига олади. Агар Қуръондаги ҳар бир ҳарфни ўқиш битта ҳасанага - яхши амалга тенг эканини ва бу битта ҳасананинг савобига ўн баробар ошириб берилишини билганда эдик, Қуръонни тиловат қилувчи қорининг эришаётган ҳасаналари қай даражада кўп эканини билиб олардик ва биз ҳам имкон бўлди дегунча Қуръонни тиловат қилишга шошилардик ва мана бундай умумий яхшиликни қўлдан бой бермасликка ҳаракат қилардик. Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Кимки Аллоҳнинг Китобидан бирор ҳарф ўқиса бу билан унга битта ҳасана ёзилади ва битта ҳасана ўнта қилиб берилади. ﷻ ни битта ҳарф демайди, балки алиф битта ҳарф, лом битта ҳарф, мим битта ҳарфдир». Термизий ривоят қилиб, бу ҳасан, саҳиҳ, ғариб ҳадис деди. Бу ҳадисни ибн Шийба ҳам ривоят қилган.

Аслини олганда мусулмон Аллоҳнинг Китобини фикрини йиғиб, ўқиётган нарсасини англаб ва тушуниб ўқиши лозим. У кироат қилаётган вақтда тилидан чиқаётган калом Аллоҳнинг каломи эканини билсин. Шундай экан, у Аллоҳнинг каломини ҳардам ҳаёлик билан, бошқа нарсаларга машғул бўлиб ўқиши асло тўғри эмас. Агар кироатдан бошқа нарса билан шуғулланмоқчи бўлса, дарҳол кироатни тўхтатсин ва ишларини битирсин. Ўқиётган

нарсасига фикрини жамлаб оладиган бўлгандан сўнг кироатга ўтирсин. Агар раҳмат оятини ўқиса, Роббисидан ўзига ва барча мусулмонларга раҳм қилишини сўрайди. Агар азоб ҳақида хабар берган оятларни ўқиса, Аллоҳдан Унинг азобидан паноҳ тилайди. Аллоҳни поклаш ҳақидаги оятларни ўқиса Уни поклайди ва тасбеҳ айтади. Шундай қилиб у кироат билан таъсирланиб, унинг ичига шўнғиб кетади ва фақат шу билан машғул бўлади. Хузайфа ибн Ямандан ривоят қилинади: «Расулulloҳ кироат қилаётган вақтларида, агар раҳмат оятини ўқисалар, (Аллоҳдан раҳм қилишини) сўрардилар, агар азоб ҳақидаги оятни ўқисалар Аллоҳнинг азобидан паноҳ сўрардилар, агар унда Аллоҳни поклаш бўлган оятларни ўқисалар, Аллоҳни поклаб, тасбеҳ айтардилар». Аҳмад, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Нисойий ривояти. Масалан даъватчи Аллоҳнинг «Бақара» сурасидаги қуйидаги оятини ўқиса:

أَمْ حَسِبْتُمْ أَنْ تُدْخِلُوا الْحَيَّةَ وَلَمَّا يَأْتِكُمْ مَثَلُ الَّذِينَ خَلَوْا مِنْ قَبْلِكُمْ مَسَّتْهُمُ الْبَأْسَاءُ وَالضَّرَاءُ وَزُلْزِلُوا حَتَّى يَقُولَ الرَّسُولُ وَالَّذِينَ آمَنُوا مَعَهُ مَتَى نَصُرَ اللَّهُ إِنْ نَصَرَ اللَّهُ قَرِيبٌ

– „Ёки (эй мўминлар) сизлардан илгариги ўтган зотлар ибрати сизларга келмай туриб жаннатга киришни ўйладингизми? Уларга бало ва мусибатлар (устма-уст) келиб, шундай ларзага тушган эдиларки ҳатто пайгамбар ва иймонли кишилар „Ахир қачон Аллоҳнинг ёрдами келади?“ дейишган эди. (Шунда) уларга бундай жавоб бўлган эди: „Огоҳ бўлингизким Аллоҳнинг ёрдами яқиндир“.

[2:214]

Айтиш лозимки, эй Аллоҳ бизга ўз ёрдамингни туширгин, ёрдамингни бизга яқин қилгин, ё роббал аламин.

Агар «Моида» сурасидаги қуйидаги оятни ўқиса:

وَكُلُوا مِمَّا رَزَقَكُمُ اللَّهُ حَلَالًا طَيِّبًا وَاتَّقُوا اللَّهَ الَّذِي أَنتُمْ بِهِ مُؤْمِنُونَ

– „Аллоҳ сизларга ҳалол-пок қилиб берган ризқлардан енглар. Сиз ўзингиз иймон келтирувчи бўлган Аллоҳдан тақво қилинглар“.

[5:88]

Айтиш лозимки, эй Аллоҳ менинг ризқимни ҳалол-пок қилгин, мени тақводорлардан айлагин.

Агар «Шувро» сурасидаги Аллоҳнинг қуйидаги оятини ўқиса:

وَهُوَ الَّذِي يَقْبَلُ التَّوْبَةَ عَنْ عِبَادِهِ وَيَعْفُو عَنِ السَّيِّئَاتِ وَيَعْلَمُ مَا تَفْعَلُونَ

– „У шундай Зотки ўз бандаларидан тавбаларини қабул қилади, гуноҳларни кечиради ва сизлар қилаётган нарсаларни билиб туради“.

[42:25]

Аллоҳга дуо қилиши лозимки, эй Аллоҳ, сенга тавба қилдим, тавбамни қабул этиб, гуноҳларимни авф айла.

«Қоф» сурасида ушбу оятни ўқиганда:

فَاصْبِرْ عَلَىٰ مَا يَقُولُونَ وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ قَبْلَ طُلُوعِ الشَّمْسِ وَقَبْلَ الْغُرُوبِ

– „Бас, (эй Муҳаммад) улар (кофирлар) айтаётган сўзларга сабр тоқат қилинг ва қуёш чиқишидан илгари ва ботишидан аввал Парвардигорингизга ҳамду-сано айтиш билан (У Зотни) покланг-намоз ўқинг!“ [50:39]

Айтиш лозимки, Аллоҳни поклайман, Унга ҳамд айтаман. Буюк Аллоҳ пок Зотдир.

ДАЪВАТНИ ЕТКАЗИШДАГИ ИХЛОС

Бутун борлик, шу жумладан инсон Аллоҳнинг махлукидир. Танҳо Аллоҳгина ушбу борлиқнинг, ундаги инсоннинг яратувчи Холикидир. Бу уламо ва укалорлар олдидаги ҳақиқат ва мўминларнинг акидасидир. Демак, инсон Аллоҳнинг махлуқи, ёлғиз Аллоҳгина унинг Холикидир. У инсоннинг руҳини, жисмини, ғаризаларини, узвий ҳожатларини ва фитрий сифатларини яратди. Ушбу фитрий сифатлардан бири шуки, инсон ўзига неъмат ато этган кимсага ташаккур айтади, ўзига фазлу қарам қилган кимсага ҳамду сано айтади. Акс ҳолда чиройли ишни инкор қилган, неъмат ва фазилатга нонқўрлик қилган бўлади. Бу фитрий сифат барча инсонда умумийдир. Агар сизга бирор киши бир неъматни инъом қилса, сизга бирортаси совға берса, дарҳол миннатдорчилик билдиришга шошасиз, ҳеч ўйлаб ўтирмай, иккиланмай унга раҳмат айтгингиз келади. Чунки бу сиздаги табиий, асл сифатдир. Сиз шундай яралгансиз. Ушбу фитрий сифат сизни инъом қилмовчига мурувват кўрсатмовчи учун миннатдорчилик билдиришга, раҳмат айтишга ундамайди. Кимки сизга ҳадя ато этса, ўша инсонга раҳмат айтасиз, кимки сизга совға берса, ўша одамга миннатдорчилик изҳор қиласиз. Ҳадя берувчидан бошқасига ташаккур айтишингиз, совға берувчидан бошқасига раҳмат айтишингиз ҳам, маъқул ҳам эмасдир. Шунингдек, ҳадя берувчи билан бирга ундан бошқасига шукр қилишингиз, совға берувчи билан бирга бошқа шахсга раҳмат айтишингиз ҳам ақлга тўғри келадиган иш эмасдир. Чунки бу инсондаги фитрий сифатга тескаридир, соғлом ақл бундай ишни эътироф этмайди.

Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таоло инсонни шу сифат билан яратди. Шунинг учун бу сифат инсонда ақл ва унинг нафсига чуқур ўрнашиб олгандир. Аллоҳ Таоло яратувчи Холиқ экан, У бизларга йўқдан бор қилиш неъматини ато этиб, бизларга беҳисоб фазлу қарамлар кўрсатувчи экан ва бу борада бирортаси Унга шерик бўлмас экан, бизлардаги фитрий сифат бизни фақат Унгагина ташаккур ва ҳамду сано айтишга, ҳамду санода ҳам бирортасини Унга шерик қилмасликка ундайди ва биздан шуни талаб қилади. Ушбу маъно диннинг аслидир. Бутун шариатларни туширишдан асосий ғоя ҳам шудир. Демак, Аллоҳ фазлу қарам ато этувчи Холиқдир. Инсон эса неъматларни ва фазлу қарамни қабул қилувчидир. Шундай экан, инсон ёлғиз Аллоҳгагина ҳамду сано айтиши вожибдир. Ушбу маънони «Рум» сурасидаги Аллоҳнинг оятида учратиш мумкин:

فَأَقِمْ وَجْهَكَ لِلدِّينِ حَنِيفًا فِطْرَةَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ

– „Бас (Эй Муҳаммад) ўзингизни доимо тўғри бўлган динда (Исломда) тутинг! Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Аллоҳнинг яратиши ўзгартирилмас. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин кўп одамлар билмаслар“.

[30:30]

Демак, энг тўғри дин - Аллоҳ инсонни уни устида яратган ўзгармас хилқатдир. У шукр айтиш, ҳамд айтишда ва ибодатда ёлғиз Аллоҳагина юзланишдир. Бизлар «Ислом фитрат дини» деб айтамыз. Мана бу ояти карима фитрий диннинг аслини шундай шарҳлайдики, у ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш яъни ҳеч кимни шерик қилмаган ҳолда Аллоҳни ибодат билан бир билишдир.

«Зориёт» сурасидаги ояти каримада ҳам худди шу маъно кайд этилади:

وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّ وَالْإِنْسَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِي

– „Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишлари учунгина яратдим“.

[51:56]

Айнан шу маънонинг ўзини «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасида ҳам топамиз. Бунинг маъноси «Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқ», демакдир.

Диннинг аслини шу маънода тушунганимиздан кейин ширкнинг нақадар қабиҳ эканини идрок қилишга қодир бўламиз. Чунки ширк фитратга қарши чиқиш, диннинг аслига қарама-қарши чиқишдир. Бу дегани фазлу қарам инъом этувчи холиққа ҳамду сано, мақтов билан юзланишга қўшимча, фазлу қарам инъом этувчи Зотдан бошқасига ҳам шукр ва ибодат билан юзланишдир. Кўпинча ширк неъмат ато этувчига шукр айтишни, фазлу қарам қилувчига ҳамд айтишни ва Холиққа ибодат қилишни умуман тарк этиб, фақат неъмат ато этувчидан бошқасига ташаккур айтишга, фазлу қарам ато этувчидан бошқасига ҳамд айтишга ва Холиқдан бошқасига ибодат қилишгача олиб боради. Мушрикларнинг ҳолати шундайки, улар динга - диннинг асли фақат ҳақли бўлган Зотга холис ибодат қилиш бўлган бир вақтда - талаб қилингандан бошқачароқ қарайдилар. Шунинг учун айтишга ҳақлимизки, мушрикнинг фитрати бузук, ўзининг фитрий сифатида нормал ва ибодатида бошқа томонга бурилгандир. Шунинг учун у «Нисо» сурасининг икки жойида келган қаттиқ ваъидга ҳақли бўлади:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

– „Албатта Аллоҳ Ўзи (бирон нарсанинг) шерик қилинишини кечирмас. Шундан бошқа гуноҳларни ўзи хоҳлаган бандалари учун кечирур“.

[4:48]

Абу Хурайра ривоят қилган ҳадисни ўқиган вақтимизда ҳам шу маънони чиқариб олишимиз вожиб: Расулulloҳ дедилар: «Ҳар бир бола табиий хилқатда - Исломда дунёга келур. Сўнг уни ота-онаси ё яхудий қилурлар, ё насроний қилурлар, ё мажусий қилурлар». Сўнг Абу Хурайра дедилар: «Агар хоҳдасанглар Аллоҳнинг мана бу оятини ўқинглар»:

فِطْرَةَ اللَّهِ الَّتِي فَطَرَ النَّاسَ عَلَيْهَا لَا تَبْدِيلَ لِخَلْقِ اللَّهِ

– „Аллоҳ инсонларни яратган табиий хилқатни сақлангиз! Аллоҳнинг яратиши ўзгармас“.

[30:30]

Муслим ривояти. Аллоҳ инсонни соф хилқатда яъни энг тўғри, энг пок динда, Аллоҳга холис ибодат қилувчи қилиб яратди. Яхудий, насроний ва мажусийлар ўз фарзандларининг фитратини ўзгартириб, уларнинг

ибодатларини Аллоҳдан бошқасига қаратиб ёки Аллоҳ билан бирга Ундан бошқасига юзлантириб қўядилар. Бу билан ёлғиз Аллоҳга ибодат қилиш ҳақидаги илоҳий буйрукка хилоф иш тутадилар. Чунки ёлғиз Аллоҳгина ибодатга ҳақли Зотдир. Чунки У Зотнинг ўзигина яратган, неъмат ато этган ва фазлу қарам қилгандир. Ислому неъматини учун яъни ибодатга ҳақли бўлган, фазлу қарам ато этувчи ёлғиз Холиққа ибодат қилувчи, шукр айтувчи қилиб яратгани учун Аллоҳга ҳамду сано бўлсин. Ҳар бир мусулмон ушбу ҳақиқатни идрок қилиши, ушбу ақидага эътиқод қилиши лозим. У Роббисига ибодат қилишда Унга бошқасини шерик қилишдан эҳтиёт бўлсин. Чунки бу ширк, чунки бу зулм, чунки бу залолат. Бунинг оқибати жаҳаннамда абадий бўлишдир. Мусулмон ўзининг хилқатига ва аслий сифатига яъни ўзини яратган, неъмат ато этган, фазлу қарам кўрсатган ёлғиз Аллоҳгагина шукр қилишга, ҳамду сано айтишга ва Унгагина ибодат қилишга тиришсин.

Аллоҳ Таоло барча динни фитрат асосида нозил қилди. Масалан, Аллоҳнинг пайғамбари Мусога нозил қилинган дин ҳам, Аллоҳнинг пайғамбари Исога нозил қилинган дин ҳам фитрат асосидадир. Сўнг бу динларнинг кейинги тобеълари Таврот ва Инжилни ўзгартириб ташладилар. Натижада улар тўғри динни ва фитратни фасод қилдилар. Узайр ва Масихни Аллоҳга шерик қилдилар. Оқибатда ширк ботқоғига ботдилар. Сўнг Аллоҳ одамларни ўзларидан олдинги ота-боболари каби ширк тузоғига илиниб қолмасликлари учун уларни энг тўғри динга ва ўз хилқатлари бўлмиш Аллоҳни бир билиш, Унга ҳолис ибодат қилишга қайтармоқ учун шу пайғамбари Муҳаммад с.а.в.ни Ислому дини билан юборди. Ҳақ Субҳонаху ва Таоло ўзи нозил қилган китобни ҳар қандай ўзгартиришдан сақлаяжагини қафилликка олди. Ҳижр сурасида айтади:

إِنَّا نَحْنُ الذَّكْرُ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

– „Албатта биз зикрни - Қуръонни нозил қилдик ва албатта Биз уни сақлагувчимиз“.

[15:9]

Бунга қўшимча Қуръон ва Ҳадис нусуслари мушрикликни жуда каттиқ инкор қилдилар. Бошқа нарсалар бунчалик каттиқ турмаган. Бу нусуслар ибодатда ҳолис бўлишга, Аллоҳни бир билишга чорлайди. Қўйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз:

а) Аллоҳ «ал-Аъроф» сурасида айтади:

قُلْ أَمَرَ رَبِّي بِالْقِسْطِ وَأَقِيمُوا وُجُوهَكُمْ عِندَ كُلِّ مَسْجِدٍ وَادْعُوهُ مُخْلِصِينَ لَهُ الدِّينَ كَمَا بَدَأَكُمْ تَعُودُونَ

– „Айтинг: „Парвардигорим адолатга буюргандир. Ҳар бир сажда чоғида ўзингизни тикиб қўйингиз (яъни бор вужудингиз билан сидқидилдан сажда қилингиз) ва У Зотга динигизни ҳолис қилган ҳолда илтижо этингиз. Сизларни бошлаб яратган ҳолига қайтурсиз“.

[7:29]

б) Аллоҳ «Зумар» сурасида айтади:

قُلْ إِنِّي أُمِرْتُ أَنْ أَعْبُدَ اللَّهَ مُخْلِصًا لَهُ الدِّينَ ﴿١١﴾ وَأُمِرْتُ لِأَنْ أَكُونَ أَوَّلَ الْمُسْلِمِينَ
 ﴿١٢﴾ قُلْ إِنِّي أَخَافُ إِنْ عَصَيْتُ رَبِّي عَذَابَ يَوْمٍ عَظِيمٍ ﴿١٣﴾ قُلِ اللَّهُ أَعْبُدْهُ مُخْلِصًا لَهُ
 دِينِي ﴿١٤﴾

– „Айтинг: „Дарҳақиқат мен Аллоҳга У Зот учун динимни холис қилган ҳолда ибодат қилишга буюрилганман. Ва мен мусулмонларнинг аввали - пешқадами бўлишга буюрилганман“. Айтинг: „Албатта мен агар Парвардигоримга осий бўлсам, улуғ КУНнинг азобидан қўрқурман“. Айтинг: „Мен ёлғиз Аллоҳга У Зот учун динимни холис қилган ҳолда ибодат қилурман“.

[39:11-14]

в) «Фуссилат» сурасида айтилади:

قُلْ أَنتُمْ لَكُمْ تَكْفُرُونَ بِالَّذِي خَلَقَ الْأَرْضَ فِي يَوْمَيْنِ وَتَجْعَلُونَ لَهُ أَندَادًا ذَلِكَ رَبُّ
 الْعَالَمِينَ

– „Айтинг: „Ҳақиқатан ҳам сизлар Ерни икки кунда яратган Зотга кофир бўлурмисизлар ва ўзгаларни Унга тенглаштирурмисизлар. Бу (Аллоҳ) барча оламларнинг Парвардигори-ку!“

[41:9]

г) Абдуллоҳ ибн Масъуддан ривоят қилинади. Расулulloҳдан: «Аллоҳнинг наздида қайси гуноҳ қаттиқроқ» - деб сўралганида, шундай жавоб бердилар: «Сизни яратиб қўйган Аллоҳга шерик келтиришингиздир». Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Нисойй, Аҳмад ривояти.

д) Абу Ҳурайрадан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Аллоҳ Таоло деди»: «Мен ширкдан энг беҳожат Зотман. Кимки бир амал қилиб унда Мен билан бошқасини шерик қилса, уни шерик қилган нарсаси билан ташлаб қўяман». Муслим, Аҳмад ривояти. Ибни Можжа куйидаги лафз билан ривоят қилади: «Кимки бир амал қилиб унда Менга бошқасини шерик қилса, Мен у одамдан покман, у шерик қилган нарсаси учундир».

е) Муоз ибн Жабалдан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Эй Муоз Аллоҳнинг бандалар устидаги ҳаққи нима эканини биласанми?» Муоз «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ» - деди. Шунда Расулulloҳ дедилар: «У - Аллоҳга ибодат қилишлари ва бирор нарсани шерик қилмасликларидир. Биласанми, уларнинг Аллоҳ устидаги ҳақлари нима?» Муоз: «Аллоҳ ва Расули билгувчироқ» - деди. Расулulloҳ дедилар: «Бандаларнинг Аллоҳ устидаги ҳақлари уларни азобламаслигидир». Бухорий, Муслим, Термизий, ибн Можжа ва Аҳмад ривояти.

Ширкнинг муқобилида ихлос туради. Мусулмон ширкдан, унинг махфию зоҳиридан, каттаю кичигидан қутулиши учун ҳар бир гапида ва амалида ихлос билан зийнатланиши вожиб. Чунки ихлос ширкни қувиб юборади, ўз соҳибини ширкдан ҳимоя қилади. Ихлосизлик ширкка олиб боради. Мусулмон, хусусан даъватчи ширкдан қутулишга ҳаракат қилиши микдорида ўзи содир этаётган гап сўз ва ишларида холис ихлосни маҳкам ушлаши

лозим. Чунки нажот ва ғалаба фақат ихлос билан бўлади. Абу Зардан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Қалбини иймон учун ҳолис қилган, қалбини саломат қилган, тилини ростўй қилган, нафсини хотиржам қилган, табиатини тўғри қилган, қулоғини эшитгувчи, кўзини ибрат назари билан боқувчи қилган инсон нажот топгай». Аҳмад, Байхакий ривояти. Жубайр ибн Мутъамдан ривоят қилинади. Расулulloҳ дедилар: «Учта нарса устида мўминнинг қалби: амални ҳолис қилиш, иш бошчисига насихат қилиш ва жамоатни лозим тутиш. Чунки жамоатнинг дуоиси унинг ортидан бўлади». Аҳмад, Табароний ривояти. Абу Хурайра айтадилар: «айтилдики, ё Расулаллоҳ, қайси инсон қиёмат кунida сизнинг шафоатингиз баҳтига кўпроқ муяссар бўлади?» Расулulloҳ дедилар: «Эй Абу Хурайра, ҳадисга ҳарис эканлигингизни билганим учун бу ҳадисни бирор инсон сиздан олдин сўрамаса керак, деб ўйлардим. Қиёмат кунida Менинг шафоатим баҳтига муяссар бўлувчи инсон ҳолис, чин юракдан «Ла илаҳа иллаллоҳ» деган инсондир». Бухорий ривояти. Аҳмад ушбу ҳадисни қуйидаги лафз билан ривоят қилади: «У - Аллоҳдан ўзга маъбуд йўқлигига қалби тилини, тили қалбини тасдиқлайдиган даражада ҳолис гувоҳлик берадиган кимсадир». Яъқуб ибн Осимдан Расулulloҳнинг икки саҳобасидан Расулulloҳнинг қуйидаги муборак сўзларини эшитганлиги ривоят қилинади: «Бирор банда ич-ичидан ҳолис бўлган ҳолда, қалби тилини тасдиқлаган ҳолда, «Аллоҳдан бошқа маъбуд йўқ», «Ла илаҳа иллаллоҳ ваҳдаҳу ла шарийка лаҳу, лаҳул-мулку ва лаҳул-ҳамду ва ҳува ғала кулли шай ин қодийр» - деса, у учун осмон эшиклари очилади, ҳатто Аллоҳ ушбу сўзни айтгувчисига назар солади. Аллоҳнинг назари тушган банда учун сўраган нарсасининг берилиши ҳақдир». Нисой ривояти. Демак, ғалаба, Расулulloҳнинг шафоатига эришиш, сўраган нарсасининг берилишига сабаб бўлувчи Аллоҳнинг назари - Аллоҳга ибодатни ҳолис қилиш билан бўлади. Акси эса, бунинг акси билан бўлади. Мусулмон ҳусусан даъватчи билиб қўйсинки, солиҳ амалларнинг ўзи кифоя қилмайди. Мусулмон одам инсонлардан «у олим экан» - деган гапни эшитмокчи бўлиб, одамлар жамоатини олдида уларни Исломга даъват қилиши, уларга аҳкомларни ўргатиши мумкин эмас. Даъватни ёки бирор корхона, ё ширкатда ишловчи мусулмон хўжайини олдида бирор мартабага эришиш мақсадида фаолият кўрсатиб, қуйиб ёниб ишлаши дуруст эмас. Даъватчи ва бирор муслим ўзининг такводорлигини, чиройли ибодат қилувчи эканлигини кўрсатиб қўйиш мақсадида ўзи ёлғиз ўқигандаги одатига хилоф равишда ҳушў ва ҳузуў билан узоқ намоз ўқиш жоиз эмасдир. Аллоҳ «одамлар бизни эҳсонкор десин, яхши одам экан десин деб», одамларни тўплаб олиб садақа қилувчининг садақасини қабул қилмайди. Амаллар фақат Аллоҳ учун бўлмоғи лозим. Акс ҳолда унга катта ёки кичик, махфий ёки ошкор ширк аралашиб, бутун амалларни ҳабада қилади. Абу Амома ал-Баҳимийдан ривоят қилинади, айтадики: «Бир киши Расулulloҳга келиб деди: бир одам мукофотни ёки номи чиқишини хоҳлаб ғазот қилса, у учун бирор ажр борми?» Расули Аллоҳ «У учун ҳеч қандай ажр йўқ» - дедилар. Бу саволни уч марта қайтарганда ҳам, Расулulloҳ «у учун ҳеч қандай ажр йўқ» -

деб жавоб бердилар, сўнг айтдиларки, «Албатта Аллоҳ фақат ҳолис бўлган ва Унинг юзи-розилиги талабида қилинган амалларнигина қабул этади». Нисоий ривояти. Ушбу ҳадисни Абу Довуд ва Аҳмад куйидаги лафз билан ривоят қиладилар: «Бир киши дунё матоларини талаб қилиб, Аллоҳ йўлида жиҳод қилишни хоҳласа...». Жиҳод - ҳолбуки у Исломининг чўққиси, ибодатларнинг энг буюғи - агар унда Аллоҳ билан бошқаси шерик қилинадиган бўлса, ўз соҳибига Аллоҳнинг олдида ҳеч қандай фойда бермайди. Чунки Аллоҳ - ҳозиргина айтиб ўтганимиздек - фақат ҳолис амални қабул қилади.

Ҳар бир муслим, хусусан даъватчи билсинки, ибодатдаги ихлос шайтоннинг иғволаридан сақлайди. Кимки ихлосни маҳкам тутса нажот топиб, саломат бўлади. Акс ҳолда шайтоннинг иғвосига учиб, адашади ва тўғри йўлдан бурилади. «Ҳижр» сурасидаги Аллоҳнинг куйидаги ояти Иблиснинг қиссасини зикр қилади:

قَالَ رَبِّ بِمَا أَغْوَيْتَنِي لَأُزَيِّنَنَّ لَهُمْ فِي الْأَرْضِ وَلَأُغْوِيَنَّهُمْ أَجْمَعِينَ ﴿٦١﴾ إِلَّا عِبَادَكَ مِنْهُمُ الْمُخْلَصِينَ ﴿٦٢﴾ قَالَ هَذَا صِرَاطٌ عَلَيَّ مُسْتَقِيمٌ ﴿٦٣﴾ إِنَّ عِبَادِي لَيْسَ لَكَ عَلَيْهِمْ سُلْطَانٌ إِلَّا مَنِ اتَّبَعَكَ مِنَ الْغَاوِينَ ﴿٦٤﴾

– „(Иблис) айтди: „Парвардигорим, қасамки, энди мени йўлдан оздирганинг сабабли албатта, уларга (Одам болаларига) Ердаги (барча гуноҳ ишларни) чиройли кўрсатиб қўярман ва албатта уларнинг ҳаммаларини йўлдан оздирурман. Магар уларнинг орасидаги покиза бандаларингигина (ҳақ йўлдан озмай қолурлар)“. (Аллоҳ) деди: „Менинг зиммамдаги тўғри йўл будир: аниқки, Менинг бандаларим устида сен учун ҳеч қандай салтанат - ҳукмронлик йўқдир, магар сенга эргашиган гумроҳ кимсаларнигина (бу Тўғри Йўлдан оздира олурсан)“.

[15:39-42]

Аллоҳ Таоло баён қилдики, Иблис Аллоҳнинг мухлис бандалари ўзининг фитнасидан, унинг иғвосидан маъсум эканлигини билдирди. Аммо мухлис бандалардан бошқалари эса, иблиснинг гумроҳ тобеъларидир. Устиларида иблиснинг ҳукмронлиги бўлмаган, унинг тузоқларидан нажот топган Аллоҳнинг бандалари, фақат мухлис бандалардир. Ояти каримада келган «ал-мухлисунв» калимасининг «ломи» фатҳа билан ҳам ўқилган («ал-мухласунв», деб). Унда бу сўз Аллоҳ ҳолис қилиб қўйган ва Ўзига ибодат қилиш учун танлаб олган кимсаларни англатади. Бу сўзни «ломи» касра билан ҳам ўқилган. Унда бу сўз Аллоҳ учун ҳолис ибодат қилувчи кимсаларни англатади. Ҳар иккала қироат ҳам тавотур йўли билан келган, иккала маъно ҳам бир-бирига яқиндир.

Сўздаги ихлос айтаётган сўзингизни Аллоҳнинг амрига бўйсунган ҳолда, фақат унинг розилиги ортидан ҳаракат қилган ҳолда гапиришингиздир. Амалдаги ихлос эса, Аллоҳнинг амрига бўйсунган ва фақат Унинг розилиги ортидан ҳаракат қилган ҳолда амал қилишингиздир. Аммо агар гап ёки амал бир вақтнинг ўзида ҳам шаръий ҳукмга мос бўлса, ҳам дунёвий ва шахсий

ғараз учун бўлса яъни дунёвий ғараз ёки шахсий манфаатга эришишга қўшимча Аллоҳнинг амрига бўйсунган, Унинг розилиги ортидан ҳаракат қилган ҳолда бўлса, бунга Абу Амомадан ривоят қилинган ҳадис мос тушади: «Аллоҳ фақат ҳолис бўлган ва Унинг юзи талаб қилинган амалнигина қабул қилади». Лекин шаръан талаб қилинган гап ёки амал дунёвий ғараз ёки шахсий манфаатни рўёбга чиқариш учун Аллоҳ буюрган ишлардан бўлса, бунинг зарари йўқ. Чунки бундай ҳолатда у инсон Аллоҳнинг буйруғига бўйсунади, гап ёки амал билан Унинг розилиги ортидан ҳаракат қилади. Масалан, олди-соттидан, вакил қилиш, чеклардан иборат бўлган тижорат, ақд, нафақа, кафолат ва валийликдан иборат зивож, диагноз қўйиш, дори ёзиб бериш, операция қилишдан иборат бўлган табиблик ва бундан бошқа яшаш ва касб амалларини, модомикий шаръий ҳукмга мос бўлса, дунёвий ғараз ва шахсий манфаат учун қилишнинг зарари йўқ. Ибодатларда эса, - ҳолбуки, у фазлу қарам ато этган, Холиққа шукр айтиш, ҳамду сано айтиш ва ибодат қилиш - ширк асло дуруст бўлмайди. Ширк ибодатларни ҳабада қилади, натижада улар қабул қилинмайди. Жиход, даъватни етказиш, намоз ўқиш, рўза тутиш, Байтуллоҳни ҳаж қилиш, фақирларга садақа бериш, чиройли амалларни қилиш, Қуръонни қироат қилиш, Аллоҳни зикр қилиш ва бошқа ибодатларда ният фақат Аллоҳга қаратилмоғи лозим. Чунки амаллар - яъни бу ерда ибодатлар - ниятга қараб бўлади. Ким нимани ният қилса, ўшанга эришади. Кимки Аллоҳни рози қилмоқ учун, Унинг амрига бўйсунмоқ учун даъватни етказишни ният қилса, унинг нияти Аллоҳ учундир. Кимки даъватни пул топиш учун ёки илм ва тушунчасини кўз-кўзлаш учун ёки обрўга эришиш учун ёки ном чиқариш учун етказса, бу иш унга бало бўлади. Аллоҳ бу инсондан даъват йўлидаги амалларини қабул этмайди. Чунки даъватни етказишга ҳам бошқа ибодатларга мос тушган нарсаси мос тушади. Даъватни етказишда Аллоҳ учун ҳолислик бўлиши, мусулмон уни фақат Аллоҳнинг буйруғига бўйсунган ҳолда, Унинг розилиги ортидан ҳаракат қилган ҳолда етказмоғи лозим. Шу билан у ибодатни фазлу қарам ато этувчи, шериксиз Холиққа қилган бўлади. Ҳолис ниятсиз қилинган жиход ҳам, ҳолис ниятсиз даъват етказиш ҳам, ҳолис ниятсиз бирор ибодат ҳам қабул қилинмайди. Аллоҳ унинг соҳибидан, қилувчисидан рози бўлмайди. Ҳатто мусулмон жиход қилиши учун, ҳатто мусулмон даъват етказиши учун, ҳатто мусулмон Аллоҳга ибодат қилиши учун жиход ҳам, даъватни етказиш ҳам, бутун ибодатлар ҳам Аллоҳ учун ҳолис бўлмоғи лозим. Акс ҳолда, у кичик ё катта, махфий ёки ошкор ширк келтирган бўлади. Бу эса Аллоҳнинг розилигига етиш олдини тўсади ва ўз соҳибини жаҳаннам оловига улоқтиради.

Албатта, даъватни етказишдаги ихлос бошқа ҳар қандай ибодатдаги ихлос каби, унинг қабул этилишига қафилдир. Ихлоссизлик билан барча амалларни бекор-бефойда қилиб қўйувчи ширк ботқоғига ботиб қолиш мумкин. Шунинг учун даъватчи кўзини очсин ва ушбу масалага қаттиқ аҳамият берсин, эътиборни қаратсин.

БАЛОГА САБР ҚИЛИШ

Дунёда қанчалик уммат, халқ ва қавм бўлмасин уларнинг қабул қилган ақида, фикр ва ишларини тартибга соладиган аҳкомлари бор, улар ушбу ақида, фикр ва аҳкомларга рози бўлиб, замонлар ўтиши билан уларга одатланиб қолишган. Улар ушбу ақида, фикр ва аҳкомларни ҳимоя қилишга доим тайёрдирлар, чунки бу нарсалар уларнинг ҳаётининг бир қисмига айланиб қолган, бу иш Аллоҳнинг бандаларидаги қонуни бўлиб, ҳамма уммат, халқ ва қавмлар бундан холи эмас. Шунинг учун қайсики пайғамбар ёки элчи ўз қавмига янги ақида, фикр ва аҳком билан келса, уни инкор қилиб, ёлгончи дейишган ва унга азоб беришиб ўзлари одатланиб қолишган ақида, фикр ва аҳкомларни ҳимоя қилишган. Пайғамбар ва элчилар бир қанча азоб ва озорларни бошидан кечирдиларки, биз бундай воқеаларни Аллоҳнинг Китобида бир неча сураларда кўрамиз. Аллоҳ Таоло «Анъом» сурасида айтадики:

وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِنْ قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا وَأَوْدُوا حَتَّىٰ أَتَاهُمْ نَصْرُنَا وَلَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَاتِ اللَّهِ وَلَقَدْ جَاءَكَ مِنْ نَبِيِّ الْمُرْسَلِينَ

– „Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлгончи қилинганлар. Бас, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунича ёлгончи қилинганлари ва озорланганларига сабр қилганлар. Аллоҳнинг (Пайғамбарларимни Ўзим қўлайман) деган сўзларини ўзгартира олгучи бирор кимса йўқдир. Ахир сизга (эй Мухаммад) ўтган пайғамбарларнинг айрим хабарлари келганку“. [6:34]

«Зухруф» сурасида айтадики:

وَكَمْ أَرْسَلْنَا مِنْ نَبِيٍّ فِي الْأَوَّلِينَ ﴿٦﴾ وَمَا يَأْتِيهِمْ مِنْ نَبِيٍّ إِلَّا كَانُوا بِهِ يَسْتَهْزِئُونَ ﴿٧﴾

– „Биз аввалгиларга ҳам қанча пайғамбар юборганмиз. Улар ҳам ўзларига келган ҳар бир пайғамбарни масхара қилиб кулган эдилар“. [43:6,7]

Пайғамбарларга эргашган кишилар ҳам уларнинг даъватларини давом эттиришган ва улар ҳам азоб ва озорларга дучор бўлишган. «Буруж» сурасидаги мисол бу нарсага кифоя қилади:

قُتِلَ أَصْحَابُ الْأُحُدِّ ﴿١﴾ النَّارِ ذَاتِ الْوَقُودِ ﴿٢﴾ إِذْ هُمْ عَلَيْهَا قُعُودٌ ﴿٣﴾ وَهُمْ عَلَىٰ مَا يَفْعَلُونَ بِالْمُؤْمِنِينَ شُهُودٌ ﴿٤﴾

– „(Ўзига итқитилган одамларнинг таналаридан иборат бўлган) „ўтин“ли олов - (ўша олов ловуллаб ёнаётган) чоҳ эгалари лаънат қилинганлар. Ўшанда улар ўша (чоҳ)нинг устида ўтириб олган; ва мўминларга қилаётган ишларига ўзлари гувоҳ бўлган эдилар“. [85:4-7]

Ушбуга ўхшаган азоб Ҳаббоб ибн Арат ривоят қилган ҳадисда ҳам келган: «Бир куни Расул с.а.в. каъбанинг соясида чакмоннинг ёстиқ қилиб ётган эди, биз у кишига шикоят қилиб бизга Аллоҳдан ёрдам сўрамайсизми? Аллоҳга биз учун дуо қилмайсизми? деган эдик, у киши айтдиларки»: «Сизлардан

олдинги кишилар ерга кўмилар ва боши арра билан иккига бўлиб юборилар ва темир тароклар билан гўштлари суякларидан ажратилар эди, лекин мана шу ҳам уларни динидан қайтара олмас эди».

Расул с.а.в. ва у кишининг саҳобаларига ҳам Қурайш ва араб қабилалари томонидан жуда кўп азоблар бўлди. Ибн Касийрнинг «Ал-бидоятун ван-нихья» номли китобида келган нарсаси ушбу азобларга далилдир. Ибн Ос ривоят қиладики: «Расул с.а.в. бир кун қаъбанинг олдида намоз ўқиётган эди, шу вақт Уқба ибн Аби Муайт келдида Расул с.а.в.ни тўни билан бўйнидан қаттиқ бўғди, шунда Абу Бакр р.а. келиб уни елкасидан ушлаб тортди ва айтдиларки: «Роббим Аллоҳ деган кишини ўлдирасизларми, ахир у сизларга Роббингиз томонидан аниқ ҳужжат келтирдику». Оиша р.а.дан ривоят қилинадики: Расул с.а.в.нинг саҳобалари ўттиз саккиз кишига етган вақтда Абу Бакр Расул с.а.в.га даъватни ошкора қилайлик деб қаттиқ туриб олди, шунда Расул с.а.в.: «Эй Абу Бакр биз озчилигимиз» дедилар, Абу Бакр эса қаттиқ тураверди шундан сўнг Расул с.а.в. даъватни ошкор қилди. Мусулмонлар масжид атрофига тарқалдилар, ҳар бир киши ўз оиласи билан эди. Абу Бакр туриб хутба қилди, Расул с.а.в. эса ўтирар эди, бу хутба Аллоҳ ва Расулига бўлган биринчи хутба эди. Шу вақт мушриклар Абу Бакр ва мусулмонларга ташланиб уларга қаттиқ зарба бердилар. Уқба ибн Робия деган бир фосиқ Абу Бакрни ковуши билан юзига ура кетди ва корнига чиқиб иргий бошладики, ҳатто унинг юзи таниб бўлмайдиган бўлиб кетди. Шунда Бану Тайм қабиласининг кишилари келиб Абу Бакрни мушриклардан ажратиш олишди ва уни тўнга солиб, кўтариб уйига олиб бориб қўйдилар. Улар Абу Бакрнинг ўлганлигига шубҳа қилмас эдилар.

Лекин Пайғамбар ва элчилар ва шунингдек уларга эргашган кишилар даъватни ёйиш ва шариатни етказишдан тўхтаб қолмадилар. Балки улар ўзлари билан қавмлари орасида Аллоҳ ишни ҳал қилмагунча рўбарў келган озорларга сабр қилдилар, уларнинг бирортаси ҳам азобланиб масҳаралангандан кейин даъватни ташлаб қўймадилар. Уммат, халқ ва қавмлар ўз ақида, фикр ва аҳкомларини ҳимоя қилишлари Аллоҳнинг бандалари ичидаги қонуни бўлганидек, элчилар, пайғамбарлар ва уларга эргашганлар ўзлари билан қавмлари орасидаги ишни Аллоҳ ҳал қилмагунча ва Аллоҳнинг нусрати келгунча азобларга сабр қилишлари Аллоҳнинг қонунидир. Юқорида келган:

وَلَقَدْ كُذِّبَتْ رُسُلٌ مِنْ قَبْلِكَ فَصَبَرُوا عَلَىٰ مَا كُذِّبُوا وَأُوذُوا حَتَّىٰ أَتَاهُمْ نَصْرُنَا وَلَا مُبَدِّلَ لِكَلِمَاتِ اللَّهِ

– „Маълумки, сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлгончи қилинганлар. Бас, то уларга Бизнинг ёрдамимиз келгунча ёлгончи қилинганлари ва озорланганларига сабр қилганлар. Аллоҳнинг (Пайғамбарларимни Ўзим қўлайман) деган сўзларини ўзгартира олувчи бирор кимса йўқдир“. [6:34] ояти ушбуга яққол далилдир. Азоб ва балоларга сабр қилиш Пайғамбарлар ва уларга эргашганлардаги ўзгармас қонун бўлиб, уларнинг бирортаси ҳам

қавмлари томонидан бўлаётган азобларга рўбарў келган вақтларида даъватни ташлаб, қавмларининг талаб хоҳишига (лаббай деб) жавоб берган эмас, чунки агар шундай қилганларида бу Аллоҳнинг қонунини бузиш ва Унинг сўзларини ўзгартириш бўлур эди.

Шунинг учун даъватчи даъват етказишнинг аввалги лаҳзалариданоқ халқи ва қавмининг қаршилигига дучор бўлишини билмоқлиги керак. Шунда у азоб ва озорлар дучор бўлганда, уни сабр билан қабул қилади, чунки у бу азобларга ўз нафсини тайёрлаган бўлади, акс ҳолда у ўз даъватида содиқ бўла олмайди ва даъват ундан нимани талаб қилаётганини билолмайди, натижада йўл чеккасида қолиб кетади, йўлда эса содиқ кишилар ва даъват талаб қилаётган нарсани биладиганлар қолади. Бу ҳам Аллоҳнинг қонуни бўлиб, уни ўзгартириб бўлмайди. Аллоҳ Таоло «Мухаммад» сурасида айтадики:

وَلَبُّوْكُمْ حَتَّىٰ نَعْلَمَ الْمُجَاهِدِينَ مِنْكُمْ وَالصَّابِرِينَ وَتَبْلُوْا أَخْبَارَكُمْ

– „Албатта Биз, то сизларнинг орангиздаги (Бизнинг йўлимизда молу жонлари билан) жиҳод қилгувчи ва (яхши-ёмон кунларда) сабр қилгувчи зотларни билгуниimizча ҳамда сизларнинг ҳоли-хабарларингизни текишириб-юзага чиқаргуниimizча, сизларни имтиҳон қилурмиз“.

[47:31]

«Сажда» сурасида айтадики:

وَجَعَلْنَا مِنْهُمْ أَئِمَّةً يَهْدُوْنَ بِأَمْرِنَا لَمَّا صَبَرُوا وَكَانُوا بِآيَاتِنَا يُوقِنُوْنَ

– „Улар (ўз динлари йўлидаги бало-қуфатларга) сабр-тоқат қилишгач, Биз улардан (одамларни) ҳидоят қиладиган пешволарни чиқардик. Улар Бизнинг оятларимизга аниқ ишонар эдилар“.

[32:24]

«Анкабут» сурасида айтадики:

وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِيْنَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلْيَعْلَمَنَّ اللّٰهُ الَّذِيْنَ صَدَقُوا وَلْيَعْلَمَنَّ الْكَٰذِبِيْنَ

– „Ҳолбуки, Биз улардан аввалги (иймон келтирган, барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку! Бас, (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ („Иймон келтирдик“, деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлгончи кимсаларни ҳам аниқ билур“.

[29:3]

Даъватни етказиш одамлар ўрганиб қолган ақида, фикр ва аҳкомларга зарба бериб, уларнинг ўрнига бошқасини беришдир ва худди шунингдек азоб ва озорларга рўбарў чиқиб уларга сабр қилиш ва Аллоҳдан ёрдамни кутишдир, даъват деган ибора ўз ичига олаётган қисқача маъно шудир. Кимки даъватни етказса худди мана шу асосда етказсин ва ўз нафсини даъватнинг ҳар қандай хатарларига тайёрласин, даъватчи қанчонки бирорта босқични босиб ўтса, мен азобдан қутулиб қолдим дейиши ёки ғалаба йўлнинг аввалида келди деб ўйлаши яхши эмас.

Даъват қилиш инсон қиладиган ишларнинг энг шарафлиси бўлиб, бутун яхшиликлар ва чиройли даражаларнинг манбаъидир, шунинг учун кимки даъват қилишни хоҳласа арзимас ҳаракат ва тинчу омонликни орзу ҳам қилмасин. Даъват қилиш бу - таҳдидлар келиб, таёқлар бошига тушганда

даъват вақтни ўтказиш ва билимни кўз-кўзлаш учун бир овунчок деган гумонлар билан орқага қараб чекиниши эмасдир.

Даъват мобайнида бало ва азоблар бўлиши аниқ экан, даъватчида сабр-тоқат бўлиши зарурдир. Даъватчи қанчалик даъватда ҳолис ва ғайратли бўлса, азоб ва бало ҳам шунчалик бўлади ва табиийки даъватчи ҳам сабр-тоқатни шунчалик ошириш керак. Азоб ва бало ва бу иккаласига сабр қилиш зинапоясидан аввалида Пайғамбар ва элчилар, кейин ҳолис, содиқ ва ғайратли даъватчилар, сўнг эса бошқа мусулмонлар сидку ихлосига кўра жой оладилар. Саъд ибн Аби Ваққос айтадики: «Мен, эй Расулуллоҳ энг қаттиқ балоланган киши ким? деб сўраган эдим, у киши айтдиларки»: «Пайғамбарлар, сўнг солиҳ кишилар, сўнг бир киши динини деб балоланади, агар у динида салобат билан турса, балоси янада ошади, агар динида озгина енгиллик қилса бало кетади, банда хатосиз ер юзида юрар экан бало ҳам у билан бирга бўлади». Оиша р.а.дан ривоят қилинадики: «Пайғамбар с.а.в. айтдилар: солиҳларга жуда шафқатсизлик қиладилар, мўмин одамга қачон у хато қилса ва ўзига лойиқ даражадан тушиб кетсагина мусибат етиши мумкин».

Ҳар бир мусулмон ҳусусан даъватчи ўзига бир назар солсин, агар бирор қаттиқ балога йўлиққан бўлса Аллоҳга ҳамд айтсин ва агар балога йўлиқмаган бўлса ёки балоси енгил бўлса, билсинки динида енгиллик қиляпти, демак вазифаларини қаттиқроқ бажариши, Аллоҳга бўлган итоатини кучайтириши ва йўлини тўғрилаши керак, бундан ташқари у ҳар хил бўлмағур сабаб ва баҳоналар билан ўзини оқламасин. Чунки қиёмат кундаги тарози бу баҳоналар билан оғир бўлиб қолмайди, балки аксинча енгиллашади ва худди мана шу сабаб ва баҳоналар ҳақиқат олдини тўсиб қўядиган гуноҳдир.

Бало ва азоб инсоният ёмон кўрган нарса бўлса ҳам, лекин уни Аллоҳ Таоло ўзининг яхши кўрган солиҳ бандаларига туширадики, бу Аллоҳнинг бандаларига бўлган фазли ва қарамидир. Кимники Аллоҳни деб мартабаси паст бўлса, бало ва азобларга сабр қилгани учун Аллоҳ уни мартабасини баланд қилади, кимники гуноҳлари кўп бўлса, янада зиёдалашиб боради.

«Бақара» сурасида Аллоҳ Таоло айтадики:

وَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَهُوَ خَيْرٌ لَكُمْ وَعَسَى أَنْ تُحِبُّوا شَيْئًا وَهُوَ شَرٌّ لَكُمْ

– „*(Зотан) сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши қўришингиз мумкин*“.

[2:216]

Абу Ҳурайра ривоят қиладик: Расул с.а.в. айтдиларки: «Кишининг Аллоҳ олдида бир мартабаси бўлади, киши унга қилган амали билан ета олмайди. Аллоҳ у кишини ёмон кўрган нарсаси билан балолайдики ўша сабабли киши мартабага етади». Расул с.а.в. айтадики: «Мўминларнинг эркагию аёлига доимо бало тушиб туради, яъни уларнинг ўзларига, болаларига ва молига тушади. Аллоҳга йўлиққан вақтда эса уларнинг гуноҳи бўлмайди».

Бало ва азоб ёмон иш бўлиб, даъватчи унга йўлиқиши табиийдир. Аллоҳ Таоло даъватчини сабр-тоқатли бўлишига буюрди. Кимки Аллоҳнинг буйруғига итоат этиб, бало ва азобга сабр қилса, ёмонни яхшига, озорни неъматга айлантиради. Сабр яхшиликларнинг энг катта эшиги бўлиб, мусулмон киши унга орқасини ўгирмаслиги керак, акс ҳолда ўзи муҳтож бўлиб турган катта яхшиликни йўқотади. Абу Саъийд ривоят қиладики: Расул с.а.в. айтдилар: «Ким яхшилик сўраса, Аллоҳ яхшилик берур, ким сабр сўраса, сабрли қилур ким бойлик сўраса, бой қилиб кўюр, сизларга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ тухфа йўқдир».

Аллоҳ Таоло яхши кўрган бандасига бало туширганидек, ўша бандасига балога лойиқ сабрни ҳам беради, худди мана шу иккисини солих ва холис бўлган мўминлар доимо ёдда тутишлари керак. Бирор бало етмаган ва динида енгиллик қилаётган киши балога ҳам сабр қила олмайди. Бу икки иш бири иккинчисига далолат қилади яъни бало бўлмаган жойда сабр ҳам бўлмайди, бундан ташқари худди шу иккала иш ўз эгасини парвардигори олдидаги фазлига далолат қилади. Абдуллоҳ ибн Аббос ривоят қилади: Расул с.а.в. айтдилар: «Қиёмат куни шахид ҳисоб-китоб қилинади, садақа қилган киши ҳисоб-китоб қилинади, кейин балога йўлиққан кишилар келади-да уларни ҳисоб-китоб ҳам қилинмай, тарозида ҳам тортилмай, ўша тобда мукофоти берилади. Шунда офият аҳллари Аллоҳнинг савобини деб жасадлари қайчилар билан қийма-қийма бўлиб кетадиган мартабани орзу қиладилар».

«Зумар» сурасида Аллоҳ Таоло айтадики:

إِنَّمَا يُوفَى الصَّابِرُونَ أَجْرَهُمْ بِغَيْرِ حِسَابٍ

– „*Ҳеч шак-шубҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўқис қилиб берилур*“.

[39:10]

Шунинг учун мусулмон киши даъват қилиши ва бу даъватда ҳар бир қадамини ўйлаб босиши керак, чунки у миналар билан тўлиқ майдонда кетяпти. У мана шу майдондаги балоларга сабр-тоқат қилмай уни босиб ўта олмайди, сабр-тоқат билан ҳар қандай балони енгади, ҳар қандай азобга ғолиб бўлади. Сабр ҳақида Қуръони Каримда юзлаб оятларда эсга олинадиган, мана шу сабрнинг аҳамиятли ва афзал эканига далилдир.

Юқоридагиларга қўшимча яна айта оламизки кимгаки бир мусибат етса ва уни дунёда яхшиликка айлантирмоқчи бўлса, Умми Салама ривоят қилган нарсани яхши билиб олсин. Умми Салама айтадики: «Расул с.а.в.ни шундай деб айтаётганини эшитганман»: «Қайсики бир кишига мусибат етсаю биз Аллоҳникимиз ва унга қайтамиз, Парвардигор! Мени чеккан мусибатимга яраша ажир бергин ва ўша мусибатни яхшиликка алмаштиргин деб айтса, Аллоҳ Таоло унинг мусибатига яраша мукофот бериб, ўша мусибатни яхшиликка алмаштиради».

Агар даъватчи даъват душманлари томонидан азобга йўлиқса Расул с.а.в. Тоифга даъват қилиш учун борганда ва у ерда азобга дучор бўлганда у кишининг қилган дуолари билан Аллоҳга дуо қилсин. Муҳаммад ибн Каъб Қурозий ривоят қиладики: «Расул с.а.в. шундай деб дуо қилган эди»:

«Пвардигоро! Сенга кучимни озлигидан, хййламини озлигидан ва инсонлар олдидаги заифлигимдан шикоят қиламан. Эй раҳимдилларнинг раҳимдилроғи! Сен мен ва заифларнинг Роббисисан. Мени кимларга топшираяпсан?! Менга қовоқ солувчи ёд-бегонагами?! Ёки менинг устимдан эга қилиб қўйганинг душманимгами?! Агар мендан ғазабланмаган бўлсанг ҳечқиси йўқ, лекин сенинг офиятинг мен учун кенгдир. Зулматларни ёритган, дунё ва охират ишини тузатган юзингни нури билан сендан паноҳ сўрайманки, менга ғазабингни туширма, сен рози бўлгунигча машаққатим сен учундир. Кучу қудрат фақат сендандир».

ДАЪВАТЧИГА ЗАРУР БЎЛГАН САБОТ

«Ҳамлу-д-даъва» ибораси «ҳамл» ва «даъва»дан иборат иккита сўздан ташкил топган бўлиб, «ҳамл» билан «даъва» бошқа-бошқа нарсадир. Чунки «даъва» шаръий фикрлар ва шаръий ҳукмлар мажмуасидир, бошқачароқ айтганда у бутун Исломдир. «Ҳамл» эса етказиш яъни инсонларга шаръий фикрларни ва шаръий ҳукмларни етказиш маъносидадир. Биз юқорида даъватни етказиш пайғамбар ва Расулларнинг ҳамда уларга эргашган, уларнинг йўлларида юрган кимсаларнинг амали эканлиги ва у энг афзал, энг улуғ иш эканини айтиб ўтган эдик. Демак, даъватни етказиш шундай улуғ иш экан, шубҳасиз у вожибларнинг вожибидир, балки барча шаръий вожиблар фақат шу билан тамомига етади ва шу сабабли бажарилади.

Мусулмон вожибни адо этишга ва уни бажаришга, уни тарк этмасликка, ундан холи бўлиб олмасликка қатъий буюрилган. Шу маънодаки, мусулмон вожиб амални бажариш устида сабот билан туришга қатъий амр этилган, акс ҳолда у гуноҳкор бўлади. Демак, вожиб амал устида сабот билан туриш ҳам шубҳасиз вожибдир. Даъватни етказиш вожиб, унинг устида сабот билан туриш ҳам вожибдир. Сабот даъватчига вожиб деганимизда шуни назарда тутамизки, у даъватни етказишда ҳам, даъватда ҳам сабот билан туриши вожиб. Саботни буларнинг биттасига чеклаб қўйиш нотўғридир. Демак, ҳар бир мусулмон даъватни етказиш, қолаверса ҳар бир даъватчи даъват устида яъни шаръий фикрлар ва шаръий ҳукмлар устида сабот билан туриш, уларни маҳкам ушлаши ва муҳофаза этиши вожиб бўлади. Чунки Аллоҳнинг ҳузуридан бўлгани учун ушбу шаръий фикрлар ва ҳукмларгина ҳақдир. Бошқалари эса, Аллоҳнинг олдидан бўлмагани учун ботилдирлар. Қолаверса булар даъват ҳам, Ислом ҳам дейилмайди. Шунингдек даъватчи даъватни етказишда ҳам яъни шаръий фикрлар ва шаръий ҳукмлар мажмуасини етказишда ҳам сабот билан туриши, қандай шароит ва тўсиқлар бўлишига қарамай даъватни етказишдан тўхтаб қолмаслиги вожиб. Акс ҳолда у ушбу шаръий фикрлар ва ҳукмлар мажмуасини етказишни тарк этувчи бўлиб, Аллоҳнинг ғазабига дучор бўлиб қолади. Демак, сабот даъватда талаб қилинганидек, даъватни етказишда ҳам талаб қилинади. Уларнинг бирини қўйиб, бошқасида сабот билан турган муслимни ҳеч қандай фазли йўқдир. Ҳар иккаласида сабот билан турмаган муслимнинг эса ҳолига войдир. Чунки унинг оқибати жаҳаннам. Бу нақадар ёмон қисматдир.

Даъватнинг ва Исломнинг душманлари даъватни етказиш устида сабот билан туришга зарба бериш учун ишлатган қувватнинг айна ўзи билан даъват устида сабот билан туришга ҳам зарба беришга ҳаракат қиладилар. Аммо даъватнинг устида сабот билан туришга зарба бериш хусусида улар даъватни булғашга, унга тухмат тошларини отишга ва унга куфр фикрларини, куфр ҳукмларини киритишга ҳаракат қиладилар. Масалан, улар куфр низоми бўлмиш демократияни, куфр фикрлари бўлмиш хурриятларни ҳамда куфр ҳукми бўлмиш ижтимоий адолатни даъватга яъни Исломга киритмоқчи

бўладилар. Улар бу билан мусулмонларнинг динларини чалкаштиришни хоҳлашади. Натижада мусулмонлар ҳақ билан ботил орасини, Аллоҳнинг ҳукми билан одамлар қўйган нарсга орасини фарқлай олмайдилар. Шундай қилиб Ислом душманлари даъватчиларнинг даъватини фасод қиладилар, мусулмонларни ва даъватчиларни ўз динлари ва даъватлари устида сабот билан туришларини йўққа чиқарадилар. Ислом душманлари олдиндан шундай иш қилиб келганлар ва ҳали-ҳануз шундай ишлар билан шуғулланиб келмоқдалар. Аллоҳ Таоло «Бақара» сурасида марҳамат қилади:

وَلَا يَزَالُونَ يَقَاتِلُونَكُمْ حَتَّى يَرُدُّوكُمْ عَنْ دِينِكُمْ إِنِ اسْتَطَاعُوا

– „Агар қодир бўлсалар сизларни ўз динингиздан қайтаришлари учун сизлар билан уруш қилишда доим бўладилар“.

[2:217]

Кимки даъватни етказса, бу ишда сабот билан туриши вожиб. Даъватнинг ва Исломнинг душманлари томонидан қилинган юқоридагидек урунишларни йўққа чиқариши лозим. Даъватчи ўзининг олдидаги шаръий фикрлар ва ҳукмларни маҳкам ушлаши ва уларни муҳофаза қилиши вожиб ҳамда ушбу фикр ва ҳукмлар соф, тоза ҳамда сақланиб қолиши учун бошқа фикр ва ҳукмларни улоқтириб ташлаши лозим. Мабдаъ устида сабот билан туриш, шаръий фикрлар ва ҳукмларни маҳкам ушлаб, уларни муҳофаза этиш, улардан бошқаларини инкор қилиш Ислом ва даъват душманларининг ҳаракатларини чиппакка чиқаради, уларнинг ҳийлаларини ўзларига қайтаради.

Аммо даъватни етказиш устида сабот билан туриш хусусида эса, ҳибсхона, ва қамоқхоналар очадилар, таёк ва камчиларни ишга соладилар. Ризқларни кесиш ҳатто бўйинларни узиш билан даъватчиларга қарши урушадилар. Даъватчилар билан даъватни етказиш, унинг устида сабот билан туриш ва даъватда доим барқарор туриш орасини тўсиб қўйиш учун ҳамма жойда даъватчиларга қарши уруш эълон қиладилар. Шунда кимки ўз даъватидан фитналанса ҳақиқатда фитналанган бўлади. Кимки душманларнинг талабига жавобан даъватни етказишни тарк этса, тубанликка тушган ва фитналанганини намоиш этган бўлади. Ислом ва даъват душманлари ўзларига лакка тушган одамни яхши кўриб, уни кўтар-кўтар қиладилар.

Аллоҳ Таоло бизларни даъват ва Ислом устида субутсизлик қилишимиздан қаттиқ огоҳ этди: У «Исро» сурасида шундай марҳамат қилади:

وَإِنْ كَادُوا لَيَفْتِنُوكَ عَنِ الَّذِي أُوتِيتَ إِلَيْكَ لَيَفْتَرِي عَلَيْنَا غَيْرُهُ وَإِذَا لَا تَخَذُوكَ حَلِيلًا ۖ وَلَوْلَا أَنْ تَبْتَئَكَ لَقَدْ كِدْتَ تَرْكُنْ إِلَيْهِمْ شَيْئًا قَلِيلًا ﴿٧٤﴾ إِذَا لَأَذْنَاكَ ضِعْفَ الْحَيَاةِ وَضِعْفَ الْمَمَاتِ ثُمَّ لَا تَجِدُ لَكَ عَلَيْنَا نَصِيرًا ﴿٧٥﴾

– „(Эй Мухаммад мушриклар) сизни Бизнинг шаънимизга, (ваҳйдан) ўзга нарсаларни тўқиб чиқаришингиз учун - Биз сизга ваҳй қилган оятлардан

алдаб-буриб юборишларига оз қолди. У ҳолда, (яъни, уларнинг йўриқларига юрсангиз), сизни дўст қилиб олган бўлур эдилар. Агар Биз сизни (ҳақ йўлда) собитқадам қилмаганимизда, сиз уларга бир қадар моил бўлишингизга оз қолди. У ҳолда албатта Биз сизга дунё (азобини) ҳам, охират (азобини) ҳам икки ҳисса қилиб тотдирган бўлур эдик, сўнгра ўзингиз учун Бизга қарши бирор мададкор топа олмаган бўлур эдингиз“.

[17:73-75]

Бу Расулulloҳ с.а.в.ни агар Макка кофирларига таяниб, улар талаб қилаётган нарсаларга лаббай деб жавоб бериб, рисолат фикрлари ва унинг ҳукмларидан яъни даъватдан озгина фитналансалар дунё ва охиратнинг икки карра кўп азобига дучор бўлишидан қаттиқ огоҳлантиради. Аллоҳ «Ал-Ҳаққо» сурасида айтади:

وَلَوْ تَقَوَّلَ عَلَيْنَا بَعْضُ الْأَقَاوِيلِ ﴿٤٤﴾ لَأَخَذْنَا مِنْهُ بِالْيَمِينِ ﴿٤٥﴾ ثُمَّ لَقَطَعْنَا مِنْهُ الْوَتِينَ

﴿٤٦﴾ فَمَا مِنْكُمْ مِنْ أَحَدٍ عَنْهُ حَاجِزِينَ ﴿٤٧﴾

– „Агар (пайгамбар) Бизнинг шаънимизга (Биз айтмаган) айрим сўзларни тўқиб олганида, албатта Биз унинг ўнг қўлидан ушлаган, сўнгра албатта унинг шохтомирини узиб ташлаган бўлур эдик. У ҳолда сизлардан бирон киши ундан (яъни, пайгамбардан ҳалокатни) тўса олгувчи бўлмас эди“. [69:44-47]

Бу ҳам Аллоҳга айтмаган нарсани бўҳтон қилиб тўқиш билан, Аллоҳнинг динига динда йўқ нарсани киритиш орқали даъват билан ўйнашишдан қаттиқ огоҳлантиради. Кимки шундай қилса, Аллоҳ уни хор қилади ва бирортаси унга ёрдам беришга қодир бўлмаган ҳолда Аллоҳ уни ўлдиради. Бу иккала огоҳлантирув даъватчиларга қаратилгандир. Қайси бир даъватчи Ислом ва даъват душманларига таяниб уларнинг сулҳарига рози бўлиш каби улар талаб қилган нарсага жавоб берса, уларни фикларини, ҳукмларини Аллоҳнинг шариъатига хилоф ва Аллоҳнинг динига қарши эканлигини баён қилиш билан мазамат қилмаса, уларнинг режаларини, Исломга ва мусулмонларга қилган ҳийла-найрангларини очиб ташлашдан иккиланса, уларнинг ишларига рози эканини изҳор қилса, уларнинг зулмига иқрор бўлса ва бу зулмни оқласа, ўзининг фикрлари, ҳукмлари ботиллик билан ёки масалан, ҳозирги замонга тўғри келмайди, дея тухмат қилинишига рози бўлса, уларнинг талабларига жавобан ва иродаларига бўйсунган ҳолда фалон фикр нотўғри ёки фалон ҳукм ношаръий деса у (даъватчи) ҳақиқатда фитналангандир. Битта шаръий фикр ёки шаръий ҳукмдан фитналаниш билан бир неча шаръий фикр ва ҳукмлардан фитналаниш орасида фарқ йўқдир. Буларнинг барчаси фитна бўлиб, ўз соҳиби учун дунё ва охиратда азобланувчиларнинг икки карра кўп азобини вожиб қилади. Аллоҳ сақласин.

Даъватчи ҳибсга олинса, шундай фитнага дучор бўлади. У душманлардан икки ишни эшитади: 1- ўз фикрларини, ҳукмларини тухмат қилинишини, ҳамда унинг ишончини сусайтириб, шак-шубҳа солиш учун ушбу фикр ва ҳукмларни бир неча хил ёлғон ва ботилликлар билан булғанишини эшитади. 2- душманлар ўз фикрларини, ҳукмларини - нотўғрилиги ва фасодлиги баён қилинишига қарамай - макташини, уларга Ислом, ҳақиқат ва тўғрилиқ

кийимларини кийдиришларини эшитади. Бу ишларнинг барчаси даъватчининг динини ва даъватни чалғитиш учун ва уни даъватни етказишдан буриш учун бажарилади. Даъватчи шундай фитнага дучор бўлишдан огоҳ бўлсин ва бунга тайёргарлигини кўриб олсин. Чунки у агар фитналанса, даъват устида сабот билан турмаса, мабдаъни маҳкам ушламаса. Шаръий фикрлар ва ҳукмларнинг софлигини муҳофаза қилмаса, уларнинг озгинасидан бўлса ҳам холи бўлишни ёки уларга йўқ ердаги нарсаларни қўшиб олишни қабул қилса у учун душманлар олдидаги турли хил жасадий ва руҳий азоблар, зулм ва хорлашлар дунё ва охирадаги икки қарра азоб олдида арзимас бўлиб қолади.

Макка аҳли Расулуллоҳ с.а.в.ни даъватдан фитналашга ҳаракат қилганларидек, даъватни етказишдан, даъват устида сабот билан туришдан ҳам чалғитишга уриниб кўрдилар. Бу борада бор кучларини ишга солдилар. Олар Расулуллоҳ билан жуда кўп мунозара қилдилар. Кошки Расулуллоҳ даъватни, динларини таҳқирлашни ва эътиқодларини, ақлларини аҳмоққа чиқаришни тарк этса деб Пайғамбар А.га ҳамма вақт ва ҳамма жойда Аллоҳнинг душманларини қуроллари бўлмиш мол-мулк, шараф ва обрўни рўбарў қилиб кўрдилар. Лекин Расулуллоҳ булардан умуман бош тортдилар. Роббиси томонидан даъватни етказишликка ўзининг мабдаъий мавкифида барқарор турдилар. «Ибни Ҳишом сийрати»да Мухаммад ибн Каъб ал-Қурозий томонидан қилинган қуйидаги ривоят бор: «... Утба келиб Расулуллоҳ ёнига ўтирди ва деди»: «Эй жияним, орамизда оилада ҳурматингиз, насл-насабда маконатингиз бор. Сиз қавмингизга шундай буюк ишни олиб келдингизки, бу билан уларнинг жамоатини фирқалаб юбордингиз, уларнинг эътиқодларини аҳмоққа чиқардингиз, олиҳаларини, динларини айбладингиз, бу билан ўтган ота-боболарини кофирга чиқардингиз. Менинг сўзларимга қулоқ солинг, сизга бир неча ишларни рўбарў қиламан, сиз уларга назар соласиз, кошки улардан баъзиларини қабул қиларсиз». Расулуллоҳ «Эй Абу Валид гапиринг, эшитаман», дедилар. Абу Валид деди: «Эй жияним, сиз олиб келган ишингиз билан мол дунёни хоҳлаётган бўлсангиз, сизга ўз молларимиздан тўплаб берайлик, ҳатто сиз энг молдоримиз бўласиз, агар шарафни хоҳлаётган бўлсангиз, сизни ўзимизга саййид қилиб олайлик, ҳатто сизсиз бирор ишни ҳал қилмаймиз, агар подшоҳликни хоҳлаётган бўлсангиз сизни ўзимизга подшоҳ қилиб олайлик. Агар сизга жин теккан бўлса, сиз буни ўзингиздан йўқ қилишга қодир бўлмаётган бўлсангиз сиз учун табиб излайлик ва сизни даволаш учун молларимизни сарфлайлик. Кўпинча кишига жин тегиб, даволанмагунча уни қийнайверади». Утба сўзини тамомлагач, Расулуллоҳ дедилар:

- Гапириб бўлдингизми, эй Абу Валид?
- Ҳа, - деди Абу Валид.
- Унда мендан эшитинг.

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿١﴾ تَتْرِكُ مِنَ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ ﴿٢﴾ كِتَابُ فَصَلَتْ
 آيَاتُهُ قُرْآنًا عَرَبِيًّا لِقَوْمٍ يَعْلَمُونَ ﴿٣﴾ بَشِيرًا وَنَذِيرًا فَأَعْرَضَ أَكْثَرُهُمْ فَهُمْ لَا يَسْمَعُونَ ﴿٤﴾
 وَقَالُوا قُلُوبُنَا فِي أَكِنَّةٍ مِمَّا نَدْعُونَ إِلَيْهِ

– „Хо, мим. (Ушбу Қуръон) меҳрибон ва раҳмли (Аллоҳ) томонидан нозил қилингандир. У биладиган қавм учун (мўминларга) хушхабар берувчи ва (кофирларни азобдан) огоҳлантирувчи - арабий Қуръон ҳолида (нозил қилиниб), оятлари муфасссал баён қилинган китобдир. Бас (кофирларнинг) кўплари (унинг оятлари ҳақида тафаккур қилишдан) юз ўғирдилар, демак улар „эшитмаслар“. Улар дедилар: „Дилларимиз сен бизларни даъват қилаётган нарсалардан пардаланган...“.

[41:1-5]

Расулulloҳ ушбу сурани Утбага кироат қилиб бердилар. Утба уни тинглаб жимиб қолди, қўлларини орқасига қўйиб, таяниб олган ҳолда тинглади. Расулulloҳ сажда ояти келганда ўқишдан тўхтаб сажда қилдилар, сўнг дедилар: «Эй Абу Валид сиз эшитган нарсангизни эшитдингиз, бу ёғи ўзингизга ҳавола». «Сийрат»да Расулulloҳнинг яна машҳур сўзлари келган: «Аллоҳга қасамки, агар ўнг томонимга куёшни, чап томонимга ойни қўйиб, шу ишининг ташла десалар ҳам ҳатто Аллоҳ уни зоҳир қилмагунча ёки мен бу ишнинг олдида ҳалок бўлмагунимча бу ишни тарк этмасман». Табаронийнинг Мусаввир ва Марвон томонидан қилган ривоятидаги Расулulloҳнинг машҳур сўзларини ибни Касийр ҳам «албидоя ван-нихоя» китобида келтиради: «Қурайш нима деб ўйлапти ўзи? Аллоҳга қасамки, Аллоҳ мени юборган нарса устида улар билан жиҳод қилишда давом этаман ҳатто Аллоҳ мени ғолиб қилади ёки мана бу бўйин узилади».

Албатта даъватчи мана бундай қаршиликларга, даъватни етказиш ва даъватда барқарор туриш тўсиқларига дучор бўлади. Душманлар унга ўзлари билан ҳамкорлик қилишни таклиф қиладилар, катта-катта молларни тўплаб берадилар ҳамда унга олий вазифаларни, катта мартабаларни рўбарў қиладилар. Агар бу билан ғалабага эришмасалар, даъватчи ўз мавқиғида сабот билан туришда давом этса, таёқ ва қамчиларни ишга соладилар. Жисмоний ва руҳий азоб турларини тоттирадилар. Узоқ муддатга қамокқа тикадилар. Шу вақтда кимки заифлашса, уларнинг талабига жавоб берса, Аллоҳнинг ғазабига, Унинг азобига дучор бўлади. Кимки сабот-матонат билан турса, нажот топиб саломат бўлса, у инсон Аллоҳнинг ҳузуридаги ажру савоб ва олий даражаларга эришади.

Даъват устида яъни даъватчи ўзи кўтариб юрган ва одамларни ҳам унга чақираётган шаръий фикр ва ҳукмлари мажмуаси устида сабот билан туриш буюк вожибки, имконда бор куч тоқат билан уни адо этиш лозим. Даъватчи шаръий бўлмаган бирор фикрни ҳам, Исломи бўлмаган бирор ҳукмни ҳам кўтариб юриши дуруст эмас. У ўз фикрларига ва ҳукмларига даъватнинг ва Иломнинг душманларини хурсанд қиладиган, Аллоҳнинг шариатидан бўлмаган бузуқ фикр ва ботил ҳукмларни қўшиб олишдан эҳтиёт бўлсин -

гарчи бу фикрларни уламолар, фукаҳолар, султонларнинг оstonаларида турувчилар ёки шариат аҳкомларини мусулмонларни Ислomни тўғри тушунишдан буриш учун ва уларни ҳақ динларидан чалғитиш учун кофирлар ва уларнинг малайлари қўйиб берган программа бўйича ўрганадиганлар айтаётган бўлсалар ҳам - Албатта ёрдам-ғалаба - гарчи оғир ва машаққатли бўлса ҳам ва гарчи даъватчи уларнинг ифлосона комусларидаги энг айбловчи, энг ҳақоратловчи сифатлар билан сифатланса ҳам - ҳақиқат устида собит туриш биландир. Демак ҳақиқат эргашишга энг ҳақлидир. Хусусан ахборот воситалари инсонларнинг ақлларига ҳукмрон бўлиб олган ва ботилга ҳақиқат тўнини, фасодга эса солиҳ тўнини кийдириб қўйишга устаси фаранг бўлиб кетган ҳозирги давримизда ҳақиқатгина эргашилишга ҳақлидир. Расули ақрам с.а.в.даъват ва даъватни етказиш устида сабот билан турганларида у зотнинг саҳобаи киромлари ҳам мислсиз даражада сабот ва матонат намуналарини кўрсатдилар. Бунга мисоллар жуда кўп ва маълуму машҳурдир. Макка саҳроларида Билолнинг азобланиши, унинг ҳақиқат устида сабот билан турганлиги қиссаси, Оли Ёсирнинг қиссаси, Макканинг жазирама иссиғида азобланган ва сабр-бардош қилганликлари қиссаси ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун даъватни етказувчи ёшлар шу бугунги замонларида Расулуллоҳнинг саҳобаларига издош бўлишлари лозим. Шунда уларнинг номларини тирилтириб, уларнинг сийратларини қайтарадилар. Аллоҳнинг ёрдами келгунга қадар ҳақ устида собит ва барқарор туриш билан уларга эргашиш орқали уларнинг тарихларини янгилайдилар. Натижада Билол ва Амморлар қайтадан ҳаётга келадилар.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Даъват етказувчининг мавқеҳи	5
Қуръон ва борлиқ	15
Пайғамбар ва Расулларнинг қиссалари	28
Аллоҳнинг даъват ёювчига нусрати	42
Ҳақиқатни ушлаган гуруҳ	52
Ибрат ва намуна	59
Иймон ва амал	64
Дунё муҳаббати	71
Аллоҳнинг китоби ила	80
Даъват етказишдаги ихлос	86
Балога сабр қилиш	94
Даъватчига зарур бўлган сабот	100

